

# ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОՂАЛИГИ

ISSN 2181-502X



№4. 2017

*22 апрель —  
Халқаро ерни муҳофазалаш кун*



*Ер — қонимот гули*

*Алишер НАВОИЙ*







# «AnGuzal Agroservis» ХК

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИ ЗАРАРЛИ ҲАШАРОТЛАРДАН  
ВА КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ УЧУН МИКРОБИОЛОГИК  
ПРЕПАРАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

(очик ва химояланган тупроқда қўлланиш учун)



## СПОРАГИН

Тизимли микробиологик фунгицид

Ўсимликларни замбуруғли ва бактериал касалликлардан, шунингдек, пахта, буғдой, сабзавот-мева ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини куйидаги барг ва илдиз касалликлари мажмуасидан химоя қилиш учун қўлланилади: илдиз чириши; фузариоз; вертицилёз; фитофтороз; альтернариоз; церкоспороз; унсимон шудринг; пероноспороз; парша; монилиоиз; кулранг чириш; занг; бактериоз-бактериал куйиш; бактериал саратон; некрозлар.

## ПРЕСТИЖ

Ичакка таъсир этувчи микробиологик инсектицид

### Ҳашаротга ва унинг ичагига таъсир этувчи препарат

- Экинларни: оқпашша, барг қурти, қўсак қурти капалаги, куя, ялтироқ қурт, ўраловчи қурт (шу жумладан, узум бошига тушувчи), мевахўр, одимчи қурт, ипак қурти, ўсимлик бити, ўргимчаксимон кана каби ҳашаротлардан химоя қилиш учун қўлланилади.

## ПЛАНТАСТИМ

Фунгицид хусусиятли микробиологик биокучайтирувчи препарат

### Ўсимликларнинг ривожланиши ва озикланишини,

- барча қишлоқ хўжалик экинларини вегетация бошидан охиригача яхшилаш учун махсус ишлаб чиқилган. Уруғларнинг униб чиқиши ва ўсимликлар ўсишини тезлаштириш учун самаралидир. Ўсимликларнинг илдизидан озикланишини кучайтиради, ўсишнинг бошланғич босқичларида бақувват илдиз тизими ривожланишини таъминлайди, илдиз патогенларидан химоя қилади.

**Тупроқни ва ўсимликларни касаликка микробиологик анализ қилиш.  
Тупроқни микроэлементларга ва Ph га текшириш.**

**ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ВА ЭКОЛОГИК ТОЗА ҲОСИЛ!  
ПРЕПАРАТЛАРИМИЗ ҲОСИЛДОРЛИКНИ 20-40 % ОШИШИГА КўМАКЛАШАДИ.**

Тел.: (+998 90) 906-72-99, 977-27-16, (+99893) 580-71-71;

E-mail: [anguzal@mail.ru](mailto:anguzal@mail.ru)



# ОНА ЗАМИН — ТИРИКЛИК МАНБАИ

**Инсоният, наботот ва ҳайвонот олами тупроқ, сув, ҳаво ва ёруликсиз яшай олмайди. Коинотда сайёралар беҳисоб. Лекин, мана шу тўрт унсур тугал бўлмаганлиги сабабли уларда ҳаёт йўқ. Яъни, сайёрамиз, бугунгигача маълум сайёралар орасида ҳаёт мавжуд бўлган ягона макондир. Шу жиҳатдан ҳам инсоният Ер куррасининг қадрига етмоғи, асраб-авайламоғи керак.**

Афсуски, Ер юзининг умумий манзараси ўзгармоқда. Ўзлаштирилмаган 28 фоиз майдон қолди, холос. Ўтган асрнинг сўнгги 40 йилида Африка 28 фоиз, Лотин Америкаси 38 фоиз ўрмонидан маҳрум бўлди. Курраи замин бўйлаб чўлланиш жараёни жадаллашмоқда. Тупроқ заҳарланиши ва эрозияси кучаймоқда. Оқибатда табиат офатлари ва инсон фаолияти таъсирида сайёрамизда ҳар йили ўртача 5—6 млн. гектар ер унумдорлигини йўқотмоқда.

Халқаро ҳамжамият сайёрамизда юзага келган шу каби бир қатор салбий вазиятлар — иқлим ўзгаришлари, ерларнинг деградация, саҳроланиш ва қурғоқчилик жараёнлари, улар натижасида экологик мувозанатнинг бузилиши ва танглиги каби воқеликларга эътиборини қарата бошлади. Чунки глобал экологик танглик башарият ҳаётига тажовуз солаётган муаммолар орасида етакчи ўринга чиқди. У биринчи навбатда тириклик манбаи, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий воситаси бўлган ерларнинг шўрланиши, ботқоқланиши, эрозияга учрашида намён бўлмоқда.

Шу боис мураккаб муаммога дунё жамоатчилигининг диққат-эътиборини жалб қилиш, инсониятни ҳаёт неъматлари билан таъминлайдиган муқаддас еримизни асраб-авайлаш ва унда юз бераётган салбий жараёнларнинг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1990 йилда 22 апрель Халқаро Ер сайёраси куни деб эълон қилинган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, юртимиздаги экологик вазиятга, она заминимизни асраб-авайлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратила бошланди. Ҳақиқатан ҳам, Ер — халқнинг, давлатнинг энг катта бойлиги. Ризқ-рўзимиз манбаи, биздан кейин қоладиган авлодларимиз давомийлиги, мамлакатимиз қудрат-таянчи ҳам Она ердир.

Шу жиҳатдан, мамлакатимизда ерлардан оқилона фойдаланиш ва

уларни муҳофаза қилиш борасида аввало мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари тўғрисида», «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлари шулар жумласидандир.

Зеро, Она сайёрамизда кечаётган экологик тангликнинг ерга оид жиҳатлари бизда ҳам кузатишмоқда. Масалан, мамлакатимиздаги мавжуд 4,3 млн. гектар суғориладиган майдонларнинг қарийб 2,09 млн. гектари



турли даражада шўрланган. Жумладан, 1363 минг гектари кам, 610,5 минг гектари ўрта ва 117,7 минг гектари кучли шўрланган ерлар жумласига киради.

Мазкур суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб бориш ва ерости сизот сувлари сатҳини меъёр даражасида ушлаб туриш учун 140 минг км. узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, 3475 дона вертикал дренаж қудуқлари ҳамда 123 дона мелиоратив насос станциялари хизмат кўрсатиб келмоқда. Лекин бу мавжуд аҳволни яхшилашда асосий омил бўла олмайди. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарияти мазкур масалага алоҳида эътибор қаратмоқда.

Биринчи Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар даврида суғорила-

диган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Дастлаб, мазкур ҳужжатлар асосида давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Биринчиси 2008—2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури эди.

Шу ўринда бу борада амалга оширилган кенг қўламли ишларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтамиз. 2008—2012 йиллар даврида Давлат дастури билан белгиланган мелиоратив тадбирларни бажариш учун коллектор-дренаж тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларига жами 750 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Амалга оширилган кенг қўламли ишлар натижасида 2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 млн. 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ерости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди.

Бу улкан тадбирларнинг иккинчи босқичи сифатида 2013—2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар давлат дастури қабул қилинган эди.

Биргина ўтган йилда «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури» бўйича жами 427,5 млрд. сўмлик бюджет маблағлари ажратилиб, ушбу маблағлар 100 фоиз ўзлаштирилди. Бу келгусида юз минглаб гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлиги ортади, демакдир.

Шунингдек, 2016 йилда 44 минг гектар, шу жумладан, Орол денгизининг қуриган тубида 17 минг гектар майдонда чўл ўсимликларидан янги ўрмонзорлар барпо этилди ва табиий тикланишига кўмак бериш тадбирлари олиб борилди.

Бу каби улкан ишлар замирида мамлакатимизда ерни асраб-авайлашга қаратилган эътибор мужасам, албатта.

**Тоҳир ДОЛИЕВ**

# БАҲОРНИНГ ҲАР ДАМИ БАНИМАТ

*Ерни сифатли тайёрлаш, чигитни мақбул муддатда экиш ва яганалаш*

*Бу йил республикада чигитнинг 16 та эртапишар, 5 та ўртапишар ва 8 та истиқболли навларини экиб, пахтачиликда ресурстежамкор, замонавий агротехнологияларни қўллаган ҳолда эртаги, юқори сифатли ва жаҳон бозорида харидоргир пахта ҳосилини етиштириш режалаштирилган. Шу мақсадда пахтакорларимиз ишга жадал киришдилар.*

**Чигит экишга ер тайёрлаш.** Чигит экишда, эрта баҳорда тупроқ оби-тобига келганда аввал нам тўплаш мақсадида бороналаш тавсия қилинади. Шўрланмаган ерларда баҳорда чигит экиш олдидан икки марта бороналаш ўтказилса, ўтлоқи тупроқларда ерни яхши ҳолатга келтириш учун бир марта ишлов бериш етарли бўлади.

Яхоб суви берилган, шўри ювилган Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Фарғона ва бошқа вилоятларда тупроқнинг ҳайдов қатлами кучли зичлашган бўлса, бундай тупроқларда чизелга борона тиркалган ҳолда чизелланади ёки дискаланади.

Кузда шудгор қилиниб, шўри ювилган майдонларда ҳайдов қатлами зичлашмаган бўлса, 8-10 см. чуқурликда 2 қаторли зигзаг борона билан бороналанади. Бороналаш пайтида ажриқ, ғумай, қамиш ва бошқа кўп йиллик бегона ўтлар илдизи тозаланиб, даладан йиғиб-териб олиш ва ёқиб ташлаш тавсия этилади.

Механик таркиби оғир ўтлоқи-аллювиал, ўтлоқи-ботқоқ тупроқларнинг ўзида намни сақлаш хусусияти ўта паст бўлгани учун ерни экиш олдидан тайёрлашга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Бунда далани кечки соатларда кун чиққунга қадар тайёрлашга эришиш лозим. Кундуз кунни бороналаш ёки чизеллашда ҳосил бўлган кесаклардаги нам жуда тезлик билан нам бугланиб кетишига сабаб бўлиб, акс ҳолда, ушбу майдонларда кесакларни майдалаб, майин тупроқ ҳосил қилиб бўлмайди.

Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг асосий майдонларида чигит пуштага экилади. Пушта олинган далаларни бороналашда чопиқ тракторларига осиладиган махсус бороналардан фойдаланиш яхши самара беради, чунки бунда пушта ва жўяклар эзилмайди.

Кузда пушта олинган ерларда намлик кўп сақланади, пушта юзаси қуёшда яхши исийди ва ер тез этилади, техника ва ёқилғи харажатлари камаяди, ниҳоллар текис ерга нисбатан 2-4 кун олдин униб чиқади, ниҳолларнинг ўсиши, ривожланиши яхшиланиб пахта ҳосилдорлиги 15-20 фоиз ошади.

**Чигит экиш муддати, меъёри ва усуллари.** Республикада вилоятларида чигитни мақбул муддатда экиш

ва соғлом кўчат ундириб олиш, эртаги, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ерга эрта уруғ қадаган ҳосилни ҳам эрта йиштириб олади.

Экиш учун уруғлик чигитларга қўйилган талабларга мувофиқ унвчанлиги 90-95 фоиздан кам бўлмаслиги, намлиги 10 фоизгача бўлиши, ифлослик даражаси 0,3-0,7 фоиздан ошмаслиги, туклилиги 0,5-2,5, механик шикастланганлиги 7-8 фоиздан ошмаслиги керак.

Чигитни экишда тупроқ намлиги ва ҳарорати, уруғлик сифати, чигитни дорилаш, намлаш, мақбул муддатда, меъёрда ва чуқурликда экиш талаб этилади. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари тавсияларига асосан, тупроқнинг 10 см қатламидаги ҳарорат 12-14°C даража бўлганда тукли чигитларни, 14-16°C даража бўлганда эса туксиз чигитларни экишга киришилади, тупроқ ҳарорати 9-10°C бўлганда плёнка остига чигит экиш бошланади.

Тупроқ намлиги 65-70 фоиз бўлса ёки чигит экиладиган тупроқни қўлда олиб, зичлаб ерга ташлаб юборилганда сочилиб кетса, ёки тракторнинг экиш агрегати тупроқни кесмаганда ва лой чиқармаганда, далага

тракторнинг кириш имконияти бўлганда чигитни экиш бошланади.

Пахта тозалаш ёки уруғлик чигит тайёрлайдиган заводлардан келтирилган тукли чигитларни экиш олдиндан намлашга катта аҳамият бериш керак.

Чигитни намлаш ишлари табақалаштирилган ҳолда амалга оширилади. Тукли чигитнинг 1 тоннасини намлаш учун 600 литр сув сарфланади. Чигитни намлаш ишлари олдиндан тайёрланган (асфальтланган ёки бетонланган) махсус майдончаларда ўтказилади. Бундай майдончалар бўйи 4-5 м, эни 2-3 м ва баландлиги 30-35 см. бўлиши мумкин. Намлаш вақтида қалинлиги 20-25 см. дан ошмаслиги зарур. Намлаш 3 босқичда: биринчиси 3-4 соат, иккинчиси 4-5 соат, учинчиси 5-6 соатда ўтказилиб, ҳар босқичда 200 литрдан сув сарфланади. Шундагина чигитнинг тўлиқ ва сифатли намланишига эришилади, бундай чигит сувга тўйиниб, қобиғи юмшайди. Бу намлиги кам бўлган тупроқларда ҳам чигитнинг униб чиқишига ижобий таъсир кўрсатади.

Фермер ҳўжалиги раҳбарлари уруғлик чигитни намлашда бир кунда қанча майдонга экилишини, далага олиб бориш ва бошқа ишларга кетадиган вақтларни ҳисобга олиши, шунга қараб чигитни намлаш миқдорини режалаштириш мақсадга мувофиқдир.



Маълумки, дунё бўйича гўзанинг 100 дан ортиқ касалликлари учрайди ва бу касалликлар таъсирида етиштириладиган ҳосилнинг 10-20 фоизи ва ундан ҳам кўпроғи йўқотилади. Ўзбекистон шароитида гўза касалликларидан бактериялар қўзғатадиган гоммоз ва замбуруғлар қўзғатадиган илдиз чириш, вертициллёз ва фузариоз вилт касалликлари кенг тарқалган.

Ер ости сувлари яқин жойлашган ва намлик юқори бўлган ерларда, серёғин ва салқин об-ҳаво кузатиладиган ёки кучли қатқалоқ ҳосил бўладиган ҳудудларда ҳамда сифатсиз уруғлик чигитлар экилган ёки чигит жуда чуқур экилган майдонларда илдиз чириш касаллиги келиб чиқади.

Агар тупроқ ва ҳаво ҳарорати паст, намлик юқори ва ернинг юза қисмида қатқалоқ ҳосил бўлганда, шунингдек, тупроқда касаллик чақирувчи патогенлар учраганда, уруғликка фунгицид ва стимуляторлар билан ишлов берилмаган бўлса, гоммоз касаллиги келиб чиқади.

Ёкиш олдидан чигитни намлаш билан биргаликда уруғлик чигит тайёрлаш заводларида туқли ва туксиз чигитларга ўсишни яхшилаш хусусиятига эга бўлган Гумимакс (0,8-1,0 л/т), Узгуми (0,7-0,8 л/т), Фитовак (200-300 мл/т) стимуляторлари билан ишлов бериш, ноқулай об-ҳаво ва тупроқ шароитида ҳам чигитнинг унувчанлигини оширади, касалликларга бардошлилиги ошади, илдиз тизими бақувват ривожланади ва тупроқнинг табиий намлигидан унумли фойдаланилади. Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши, ҳосил тўплаши тезлашади. Шу сабабли, уруғлик чигитлар экишдан олдин уруғ дори ва стимуляторлар билан албатта дориланиши шарт.

Чигитни ўз вақтида ва мақбул муддатларда экиш ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Кўп йиллик илмий тадқиқотлар натижасида республикамиз вилоятларида чигит экишнинг мақбул муддатлари аниқланган. Унга кўра, чигит экишни мақбул муддати Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларида 10-25 апрель, шимолий туманларда 15-30 апрель, Хоразм вилоятида 10-25 апрель, Тошкент ва Фарғона водийси вилоятларида 5-15 апрель, плёнка остига экиш 20 март-1 апрель, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида 1-15 апрель, Самарқанд вилоятида 5-20 апрель, Бухоро ва Навоий вилоятларида 1-15 апрель, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг жанубий чўл туманларида 25 мартдан-10 апрелгача, тоғ олди туманларида 1-15 апрелга тўғри келади. Ушбу муддатлар йилнинг об-ҳаво шароити келишига қараб биров фарқланиши ва 5-7 кун эрта ёки кеч ўтказилиши мумкин.

Тупроқ турлари ва механик таркибига қараб чигит экишнинг энг мақбул чуқурлиги 4-5 см, секин қизийдиган оғир тупроқларда 3-4 см бўлиб, туқли чигитлар гектарига 45-55 кг, туксиз чигитлар 25-30 кг экилса, тўлиқ ва соғлом кўчат олишни таъминлайди.

Чигитни, биринчи навбатда, тез қизийдиган енгил, ўртача қумоқ ва тез етиладиган ерларда, кейин эса оғир тупроқли тоғ олди минтақаларида экиш мақсадга мувофиқ. Тупроқ ҳарорати паст бўлганда экилган чигит чириб, ниҳоллар сийрак униб чиқади, касалга тез чалинади, нимжон ўсиб ривожланади, пировардида пахта ҳосили ҳам пасайиб кетади.

Чигит экиш ишларини тўлиқ якунлаш учун далалар чети, симёғоч ва ўқариқлар агрофига қўлда экиш керак. Шундагина барча майдонларда тўлиқ гектарлар ҳосил қилинади.

Унумдорлиги паст, балл бонитети 30-40 ва 50 балл, механик таркиби енгил ва ўрта тупроқларда, кўчат олиш қийин ва нишаблиги юқори бўлган жойларда чигитни қўшқаторлаб экиш тавсия этилади. Бунда 1,5 баробар кўп кўчат олиш имконияти пайдо бўлиб, туксиз чигитлар 45-50 кг. сарфлаб экилади. Чигит экиш сеялкаси қатор ораси 90 см. (60x30x12-1) схемада қўшқаторлаб бир йўла 8 қаторга чигит экишга мўлжалланган бўлса, ушбу сеялка бир вақтнинг ўзида 60 см. ли қатор ораларини 30 см. ли кенгликдаги пушта устига қўшқаторлаб (қатор орасига 30 см, уялар ораси 12 см) чигит экади. Қўшқаторлаб чигит экишда ҳар гектарда оддий усулга нисбатан деярли 1,5 баробар кўп кўчат бўлишига эришилади. Чигит экиш пайтида уруғнинг бир хил чуқурликка тушиши, қаторларнинг тўғри чиқиши, туташган қаторлардаги (маркёр) масофа бир хил бўлишига алоҳида аҳамият бериш зарур.

Ниҳоллар тўлиқ ундириб олингандан сўнг, далаларнинг тупроқ-иқлим шароити, гўза навларининг биологик хусусиятлари, тупроқ унумдорлиги ва бошқа омиллардан келиб чиқиб яганалашга киришилади. Яганалашнинг энг мақбул муддати 1-2 чингбарг пайдо бўлганда ўтказишдир. Ушбу муҳим тадбир 3-5 кун кечиктирса, пахта ҳосили гектаридан 2-3 центнерга, ундан ҳам кечиктирилганда 4-5 центнерга камаяди. Яганалаш сифатсиз ўтказилганда кўчат қалинлигининг юқори бўлиши ҳисобига гўзани сув, озиқадан фойдаланиш кўрсаткичи камайиб, пахтадан 15-20% кам ҳосил олинади.

Яганалаш ишларини узоғи билан 8-10 кунда якунлаш лозим. Бунда, нимжон, ҳашоротлар ва касалликлар билан зарарланган, ривожланиши суст бўлган ниҳоллар олиб ташланиб, фақат соғлом ниҳоллар қолдирилади. Яганалашдан 7-8 кун ўтиб, далалар яна бир бор текширилиб, кўчат қалин қолдирилган, чигитлар кеч униб чиққан майдонлар сийраклаштирилади ҳамда тўлиқ ва текис гектар ҳосил қилинади.

Пахта майдонларида гўзани яганалашда ўлчов таёқчаларидан (шаблон) фойдаланиш яхши самара беради.

Гўзанинг эртапишар Султон, Бухоро-102, Андижон-35, Андижон-36 навлари учун экиш тизимида кўра энг мақбул кўчат қалинлиги гектарига 90-100 минг туп, Наманган-77, Ан-Боёвут-2, Омад, С-4727 навлари ҳамда ўртапишар С-6524 нави учун 110-130 минг туп, Хоразм-150, Андижон-37, Бешқаҳрамон, Наманган-34 навлари учун 100-110 минг туп.

Ўртапишар Бухоро-6, Бухоро-8, Меҳнат, Хоразм-127 навлари учун экиш тизимида кўра 80-100 минг туп кўчат қолдириш юқори самара беради.

Қўшқаторлаб чигит экишнинг 65x25-17x1 схемасида кўчат қалинлиги 120 минг, 65x25-15x1 схемасида 140 минг ва 65x25-14x1 схемасида 160 минг туп жойлаштириш тавсия этилади.

Гўзада белгиланган агротехник тадбирлар юқорида келтирилган тавсияларга амал қилган ҳолда қисқа муддатда ва сифатли ўтказилса, кафолатланган эртаги ва мўл ҳосил олишга замин яратилади.

**Ш.АБДУАЛИМОВ**

қ.х.ф.д.,

**Ф.ҲАСАНОВА**

қ.х.ф.н.,

**Ш.КАРИМОВ**

илмий ходим ПСУЕАИТИ.



## ЧИГИТ ЭКИШДА БИР ТЕКИС КЎЧАТЛАР УНДИРИБ ОЛИШ МЕЗОНЛАРИ

*Экишлар ҳосилдорлиги уруғни экишдан то тўлиқ униб чиқишигача бўлган ривожланиш жараёнига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Соғлом ва бир текис кўчатларни ундириб олиш юқори ҳосилдорликнинг асоси ҳисобланади. Зеро, сифатли ва бир текис униб чиққан кўчатларнинг турли касалликлар, тупроқдаги ортиқча нам ва совуққа бардошлилиги юқори бўлади.*

Шунингдек, тупроқни сифатли тайёрлаш, юқори сифатли уруғлик чигитларни оптимал муддатда экиш, энг асосийси, экиш мосламаларининг (сеялка) созлиги бир текис ва соғлом кўчатларни ундириб олишда ҳал қилувчи омиллардандир.

Республикада тукли ва туксизлантирилган уруғлик чигитлар UZDSt 663:2006 Ўзбекистон давлат стандарти талаблари асосида тай-

ламасининг чигитларни шикастлаш даражаси 2 фоиздан ошмаслиги белгиланган бўлса-да, амалда бу жараёнда чигитларнинг қанча миқдори шикастланиши назорат қилинмайди. Натижада, лаборатория шароитида унувчанлиги 90 фоиз бўлган уруғларнинг дала шароитида унувчанлиги 60-70 фоиздан ошмайди.

Бугунги кунда замонавий чигит экиш сеялкалари асосан туксизлан-



ёрланади. Ушбу давлат стандарти талабига кўра уруғлик чигитларнинг лаборатория шароитида унувчанлиги камида 90 фоиз, механик шикастланганлиги тукли чигитларда кўпи билан 7 фоиз, туксизлантирилган чигитларда эса 8 фоиз бўлиши лозим. Лаборатория шароитида шикастланган уруғларнинг унувчанлик кўрсаткичи юқори бўлиши ҳам мумкин. Чунки, лаборатория шароитида уруғларнинг унувчанлиги стерил шароитларда аниқланади. Бироқ, шикастланган уруғлар далага экилганда аксарияти чириб кетиб, кўчатларнинг сийрак бўлишига ва ҳосилдорликни пасайиб кетишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, экиш жараёнида экиш мос-

тирилган чигитларни экишга мўлжалланган. Бироқ, тукли чигитлар ва кўп ҳолларда юқори технологиялар асосида тайёрланган туксизлантирилган уруғликлар оддий чигит экиш сеялкалари билан амалга оширилмоқда. Натижада, оддий чигит экиш сеялкасида уруғлик сарфи бир гектарга 60-80 кг. ва ундан ҳам ортиб кетмоқда. Бундай ҳолатда униб чиққан кўчатларни яганалаш учун ортиқча ишчи кучи ва маблағ сарфланади. Агарда, яганалаш жараёни кечиктириб юборилса ҳосилдорлик 10-15 фоизгача камайиб кетади. Замонавий чигит экиш сеялкаларида эса гектарига 35-40 кг. уруғлик сарф бўлиб, униб чиққан кўчатларни бир текис ри-

вожланиши учун қулай шароит яратилади, ниҳолларни яганалаш учун ишчи кучи сарфи 4-5 баробарга камаяди. Ҳар бир гектар майдондан 20-30 кг. уруғлик иқтисод қилинади. Энг асосийси, пахта майдонларида қафолатланган кўчат қалинлигига эришилади.

Замонавий чигит экиш сеялкаларининг етарли даражада бўлмаганлиги сабабли, республикада ГСКБнинг пахтачилик учун машиналар тадқиқот бўлими томонидан уруғликларни экишнинг такомиллашган технологияси ишлаб чиқилиб, синовдан ўтказилган эди. Ушбу мукамаллашган уруғ экиш мосламаси 10 км/соат тезликда ҳаракатланиб, чигитни сифатли экилишни таъминлайди. Кўп миқдордаги ёғингарчилик сабаб ҳосил бўлган қатқалоқни олдини олиш имкониятига эга. Мазкур мосламанинг олдинги қисмида тупроқни юмшатадиган махсус ишчи органи ўрнатилган. Экиш мосламасининг олди қисмидаги яна бир махсус мослама тупроқдаги кесак ва ўсимлик қолдиқларини ён томонга суради. Сошникнинг учки қисми тупроқни ёнга суриб, вертикал деворчали жўякларни шакллантиради, зичлагич эса жўяклар тагини зичлайди. Вертикал деворчали жўякларнинг тепа тарафидаги учки қисми текислаб, уяга қуруқ тупроқ тушининг олди олинади. Нам ва майин тупроқлар жўякка тушади. Ҳосил бўлган қулай жойга уруғлар экилиб, нам тупроқ билан кўмилади. Сўнгра четга суриб қўйилган тупроқ экилган қатор устига загортачлар ёрдамида уйилиб, зичланади. Экилган уруғлар устки қисмидаги қуруқ ва ярим қуриган тупроқ ҳамда турли катталиқдаги кесаклардан иборат мульча қатлам ёғингарчиликлар натижасида кам ювилиб, қатқалоқ қалинлиги ва унинг зарарини камайтиради. Ушбу технологияни қўллаш натижасида гектардан 3,9 центнер қўшимча ҳосил олишга эришилган.

Уруғлар сифати юқори даражада бўлса-да, экиш пайтида тупроқ-

нинг ҳарорати ва уруғни экиш чуқурлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Уруғлик чигитни униб чиқишида минимал ва оптимал ҳароратга эътибор қаратиш талаб этилади. Оптимал ҳарорат — уруғларнинг униб чиқиш тезлигининг юқори бўлишини таъминлайдиган ҳарорат. Экилган уруғлар нишлаб, пастга қараб илдизи ривожланади, сўнгра кўчатлар униб чиқади. Ушбу биринчи босқичда уруғларнинг нишлаши учун 12°C ҳарорат етарли бўлади. Бироқ, кўчатлар униб чиқиши учун эса яна қўшимча 3-5°C ҳарорат талаб қилинади. Шу сабабли эрта баҳорда ҳаво ҳарорати паст бўлган даврда экилган чигитлар униб чиқиши кечикиб, кўчатларнинг сийрак бўлиши кузатилади. Экиш муддати билан тўлиқ униб чиқиш муддати ораси қанчалик қисқа бўлса, кўчатлар ҳам шунчалик соғлом ўсиб ривожланади.

Ҳавонинг ҳарорати ўртача 20-23°C, тупроқ намлиги ва аэроцияси етарли бўлганда, уруғни экишдан то униб чиқишигача бўлган муддат 7-8 кунни, 15-17°C бўлганда эса 14-16 кунни ташкил этган.

Уруғлик чигитлар кулранг тупроқлар шароитида эрта муддатда 4-5 см. чуқурликда, кечроқ муддатларда тупроқнинг устки қисми қурий бошлаганда эса 5-6 см. чуқурликда экилишини таъминлаш лозим. Туксизлантирилган чигитлар энгил ва тез куриб қоладиган (қумоқ) ёки ер ости сувлари яқин жойлашган тупроқларда 3-4 см. чуқурликда, қатор ораси 60x30 схемада экилганда майдонларда кўчатлар тез ва бир текис униб чиқиб, туп сони таъминланиб, экин ҳосилдорлиги ошган.

Бундан ташқари, уруғларда униб чиқиш фазасида мураккаб физиологик ва биохимиявий жараёнлар со-

дир бўлади. Ушбу жараёнларда фосфор моддасига бўлган талаб ортади. Шу сабабли уруғларни экиш билан бирга, гектарига соф ҳолда 30 кг. дан фосфорли ўғитлар ёки физик ҳолда 200 кг. дан аммофос ўғити билан озиклантириш ўсимликларни соғлом ўсиб ривожланишида катта аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, юқори сифатли уруғларни замонавий чигит экиш мосламалари билан оптимал муддатда ва фосфорли ўғитлар билан озиклантириб экиш уруғларнинг дала унувчанлиги 80-85 фоиздан кам бўлмаслигини, соғлом ва тўлақонли кўчатлар ундириб олиш натижасида эртаги ва юқори ҳосил етиштиришни таъминлайди.

**А. НАРИМАНОВ,**  
қ.х.ф.д.,

**Ж. АБДУРАЙИМОВ,**  
тадқиқотчи,

**И. НЕЪМАТОВ,**  
тадқиқотчи.

*Тавсия*

## ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА...

**Чигит экиш ва ғўза қатор ораларига биринчи ишлов беришда агрегатларнинг ўрни**

**Пахта етиштиришдаги барча агротехник тадбирларни муддатида ва сифатли ўтказиш муҳим ҳисобланади. Аммо, чигит экиш ва униб чиққан ғўза ниҳолларига биринчи ишлов беришнинг ўрни алоҳида. Ушбу тадбир оби-тобида, сифатли ба-жарилмаса, майдонларда бир текис кўчат олинмайди, далалардаги нимжон ниҳоллар касаллик ва зараркундалар билан зарарланиб, туп сони камайиб кетади.**

Бугунги кунда фермерларимиз далаларида қатор оралари 60 ва 90 см ҳамда кўшқатор схемада пахта етиштирилмоқда. Бу қатор ораларида СТХ-4, СЧХ-4А сеялкалар ва КРХ-4, КРТ-4 чопиқ культиваторлари ишлатилади. Универсал СХУ-4 ва модулли СМХ-4 сеялкалар ҳамда универсал КХУ-4 культиватор-ўғитлагич 60, 70 ва 90 см қатор ораларига созланиш имкониятига эга. Чигитни кўшқатор усулида экишда СЧХ-4Б сеялкаларидан фойдаланилади.

Чигит экишга киришишдан олдин сеялканинг бутлиги, қисм ва деталлари яхшилаб маҳкамланганлиги текширилади, экиш жараёни ва сифатига бевосита таъсир кўрсатадиган қисмларга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, тукли чигит экиладиган бўлса, экиш аппаратларидаги ғалтаклар тишларининг учлари айланиш йўналишига қараб ўрнатилган ва ейилиб кетмаган, экиш тирқишлари кенлигини созлайдиган тўсиқчалар гайкалар бўшатишда эркин сурилади-

ган, ўғитўтказгичлар аппарат билан сошникларга тўғри уланиб, пухта маҳкамланган бўлиши керак. Сошникларнинг сирпанғичлари горизонтал ҳолатда барқарор туриши лозим.

Сошникнинг тагига маҳкамланган зичлагичларни соз ҳолатда бўлишига алоҳида эътибор қаратиш даркор. Чунки зичлагичлар доимо тупроққа ишқаланиб ҳаракатланади. Агарда уларнинг сирти ейилиб кетган бўлса, сошник очиб кетган ариқчанинг туби етарли даражада зичланмайди. Натижада бундай ариқчага тупроқнинг пастки қатламларидан намлик етарлича тортилмайди ва уруғларнинг униб чиқиши қийинлашади. Демак, ейилиб кетган зичлагичларни янгисига дарҳол



алмаштириш ёки заҳирадаги сеялкалардан соз ҳолатдаги сошникларни олиб ўрнатиш талаб этилади.

Агар уруғ белгиланган меъёрдан ортиқча сарфланса, экиш аппаратларидаги тирқишни торайтириш, кам бўлса кенгайтириш зарур.

Чигит уялаб экилганда уялар орасидаги масофани ўзгартириш учун уяловчи аппаратдаги парракли дискни парраклари сони кўпроқ ёки камроқ бўлган бошқа дискга алмаштириш ёки аппаратларни ҳаракатга келтирувчи валдаги 12, 16, 18 ва 25 тишли юлдузчалар блокидан фойдаланиб, уяловчи аппаратнинг айланишлар сонини ўзгартириш талаб қилинади.

Чигитни тупроққа кўмиш чуқурлиги сошникнинг сирпанғичини кўтариб-тушириш йўли билан тупроқ шароитига қараб 3-8 см. атрофида соланади. Ер обитобида бўлса, чигитни 4-5 см. чуқурликка кўмиб кетадиган қилиб солаш мақсадга мувофиқ. Сеялка сошники ҳамда тупроқни зичловчи-шиббаловчи гилдиракларнинг тупроққа кўрсатадиган босими секциялардаги тарангловчи пружиналар ёрдамида соланади. Бу босим 25-30 кг. ни ташкил этиши керак. Пружинанинг иш ҳолатидаги узунлиги қисқартирилса, босим ортади, узайтирилса, босим камади.

Экиш агрегатлари далага олиб чиқилгандан кейин ҳар бир пайкалда сеяланинг биринчи юриши байроқчалар ёрдамида белгилаб олинади. Кейинги юришлар эса маркерлар қолдирган излар бўйлаб амалга оширилади. Уруғлик чигитнинг тўлиқ тушиши ва кўмилиш чуқурлиги сеялкачи ёки фермер томонидан кузатиб борилади.

Туксизлантирилган чигит экиш учун ғалтакли экиш аппаратлари ўрнига сошник устига ўрнатиладиган горизонтал дискли СЧХ-31 экиш аппаратлари қўлланилади. Сеялкани солаш ишлари юқорида кўрсатиб ўтилганидек амалга оширилади. Экиш меъёрини солаш учун аппаратга тегишли сондаги ячейкали экиш диски ўрнатилади.

Модулли СМХ-4 сеялкасида туксиз чигитларни аниқ экишга ўтиш учун экиш аппарати тубидаги аралаштиргич ўрнига уяли диск ўрнатилади. Экиш меъёри тегишли сондаги уяларга эга диск ўрнатиш йўли билан ўзгартирилади. Модулли сеяланинг пневматик варианты - СМХ-4-01 сеялкаси туксизлантирилган чигитни доналаб аниқ меъёрларда экишга мўлжалланган.

Юқоридаги талабларнинг бажарилиши ҳар бир далада агроном ва фермер томонидан назорат қилиб борилади. Талаблар бажарилмай, меъёрдан четга чиқишлар кузатилса, сеялкани қайтадан солаш талаб этилади.

Ниҳолларга биринчи ишлов бериш жуда муҳим тadbирдир. Чунки ҳали анча нозик бўлган кўчатларга юмшатикилар билан яқин ишлов берилса, уларнинг илдизлари зарарланади, ниҳоллар жойидан кўзғалади ёки тупроққа кўмилиб қолади, узоқроқ ишлов берилса, озуқа яхши этиб бормади, ўт босиб кетади.

Ғўза қатор ораларига ишлов беришдан асосий мақсад — бегона ўтларга қарши курашиш, тупроқнинг юза қисмини майин юмшатиб, намни сақлаш, тупроқнинг тезроқ қизишини ҳамда микроорганизмларнинг яхши ривожланишини таъминлашдир. Ғўза ниҳолларигача бўлган ҳимоя зонасини минимал дара-

жада қолдириб, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, ўғитларни тегишли меъёрларда керакли чуқурликка солиш юқори ҳосил тўплаш гарови ҳисобланади.

Қатор ораларига ишлов бериш сифати биринчи навбатда ишчи органлар турига ва уларни жойлаштириш схемасига боғлиқ. Бунда ҳар бир даланинг тупроқ шароити, бегона ўтларнинг кўп-камлиги эътиборга олинади.

Ғўза қатор ораларига биринчи ишлов беришда чопиқ агрегатларига куйидаги ишчи органлар жойлаштирилади: 60 см. кенгликдаги ҳар бир қатор орасига икки жуфтдан ротацион юлдузчалар, иккитадан қирқувчи пичоқ ва биттадан ўқёйсимон панжа ўрнатилади. Қатор ораси 90 см. бўлганда ушбу тўпламга яна иккитадан қирқувчи пичоқ қўшилади. Далада бегона ўтлар кам бўлса, тупроқни майин юмшатиш учун қирқувчи пичоқлар ўрнига юмшатгич панжаларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Бунда 60 см. кенгликдаги битта қатор орасига бешта юмшатгич ва битта ўқёйсимон панжа, 90 см кенгликдаги қатор орасига эса еттита юмшатгич ва битта ўқёйсимон панжа ўрнатилади.

Ўғит солиш жараёни сифатли ва меъёрда амалга оширилиши учун ўғит солиш аппаратлари, ўғитўтказгичлар ва ўғит сошниклари соз бўлиши керак. Аппаратларнинг чамбараклари орасидаги тирқишлар баландлиги айлана бўйлаб бир хил бўлиши ва эркин айланиши лозим. Ўғит сошникларининг учи ўткирланган бўлиши даркор. Ўғит ўтказгич ҳамда тирқишлардан ўғит тўкилишига йўл қўйилмайди.

Ўғит меъёрлари ҳар бир пайкалдаги ғўза ниҳолларининг ҳолатини ва тупроқнинг кимёвий картограммасини эътиборга олган ҳолда белгиланади ҳамда мавжуд қўлланма ва тавсияномаларда келтирилган усуллар билан соланади.

Белгиланган ўғит солиш меъёрини дала шароитида ростлаш учун ўғит солиш аппаратларининг бункерлари бир хил даражада тўлдирилиб, ўғит берувчи тирқишлари бирдай қилиб соланади. Сўнгра агрегат билан пайкалда бир бориб келинади ва бункерларда қолган ўғит миқдори ўлчанади. Агар сарфланган ўғит белгиланган меъёрдан кўп бўлса, ўғит сепувчи тирқишлар камайтирилади, кам бўлса оширилади. Бу иш белгиланган меъёрга эришилгунча давом эттирилади.

Ўғит сошникларининг юриш чуқурлиги ва кўчатлардан йироқлигини доимо кузатиб бориш жуда муҳим. Озиқлантириш даврида ўғит сошниклари ниҳолдан 15-16 см. йироқликда, 10-12 см. чуқурликда юрадиган қилиб жойлаштирилади.

Ҳар бир далада агрегат ишга туширилгандан кейин унинг амалдаги ишлов бериш чуқурлиги ва ҳимоя зоналари ўлчаб кўрилиши керак. Агротехник талабларга асосан ишлов бериш чуқурлигининг ўзгарувчанлиги  $\pm 1$  см, ҳимоя зонасиники эса  $\pm 2$  см дан ошмаслиги лозим.

Шундай қилиб, фермер хўжаликлари ва муқобил машина-трактор паркларида юқоридаги тавсияларга амал қилинса, чигит экиш ва ғўза қатор оралари тупроқларига ишлов бериш агрегатларини ишга тўғри тайёрлаш ва улардан дала шароитида унумли фойдаланишга эришилади.

**М.ТОШБОЛТАЕВ**, т.ф.д.,

**А.ҚОРАХОНОВ**, т.ф.н., (ҚХМЭИ).



# ҒАЛЛАЗОРЛАРДА ИШ ҚИЗҒИН

**Бошоқли дон экинларини апрель ойида парваришlash, яъни ўсимликнинг найчалаш ҳамда бошоқlash фазаларида олиб борилadиган чора-тадбирлар ўз муддатида, белгиланган тартибларда амалга оширилиши билан юқори ва сифатли дон ҳосили олишга замин яратилган бўлади.**

Бу йил қиш ойларида ёғингарчилик, қалин қор ва март ойида совуқ кунларнинг кўп бўлиши ҳамда ҳаво ҳароратининг ҳар йилгидан паст бўлиши кузатилди.

Бунинг натижасида ғаллани озиклантириш, суғориш ҳамда касаллик ва зараркундаларга қарши кураш ишлари бир оз кечикиб амалга оширилмоқда. Шунинг учун бу ойда озиклантирилмаган ғалла майдонларини зудлик билан озиклантириш ва минтақа тупроқ-иқлим шароитига мос ҳолда озиклантирилгандан сўнг, гектарига 550-600 м<sup>3</sup> меъёрда қондириб суғоришни ташкил этиш лозим. **Суғориш ишларини шарбат усулида ҳар бир гектарга 5 тоннадан гўнг ҳисобида амалга ошириш ҳамда камида 2 марта барги орқали озиклантиришни ташкил этиш ижобий натижа беради.**

Ғалла ниҳолларини қўшимча барг орқали озиклантиришда гектарига 25 кг. физик ҳолда карбамид эритмасини тайёрлаб, 600 литр сувда эритиб, 2 гектар майдонга суспензия тайёрлаб сепиш лозим. Ғалла ҳосилдорлиги 5-6 центнергача ортиши, доннинг технологик сифат кўрсаткичлари оқсил ҳамда клейковина миқдори 2-3 фоизга, дон натураси — 1000 дон дон вазни ошишига эришиш билан ғалладан мўл ва сифатли дон ҳосили олишга эришилади.



Бундан ташқари, дон ҳосили ҳамда сифатини ошириш мақсадида барг орқали озиклантиришда агрозим препаратидан гектарига 3 кг. ҳамда гумимакс препаратларидан гектарига 0,3 литр меъёрда 300 литр сувга қўшиб сувли эритмаларини тайёрлаб ишлатиш ҳам тавсия этилади.

Кўп йиллик кузатувлар шуни кўрсатадики, эрта муддатларда, сентябрь ойида экилган ғалла майдонларида апрель ойининг иккинчи ўн кунлигида бошоқlash фазасига ўтиши кузатилади. Ғалла бошоқлагандан 10 кун кейин 3-озиклантириш ишларини амалга ошириш тавсия этилади. Бунда гектарига 150 кг.дан физик ҳолда азотли ўғитни аммиакли селитра ҳолатида бериш яхши самара беради. Ўғитлангандан сўнг кетма-кет енгил суғориш тавсия этилади.

Апрель ойида ёғин-сочининг кўп бўлиши ёки ўта узоқ вақт суғорилса, ғалланинг ётиб қолишига олиб келади, шунинг учун бу ойда ғаллани суғоришда эҳтиёт бўлиш талаб этилади.

Умуман, апрель ойида ғаллазорлардаги намлик, чекланган дала нам сизимининг 70-75 фоиз бўлишини таъминлаш зарур бўлади.

Баҳор ойларида серёғин, ҳаво ҳароратининг паст бўлиши ғаллазорларда занг ва бошқа замбуруғли касалликларнинг, зараркундаларнинг тарқалиши кузатилади. Шунинг учун уларнинг олдини олиш ва қарши кураш чораларини кўриш тақозо этилади. Айниқса, касалликлардан септориоз, сариқ ва қўнғир занг, ун шудринг, зараркундалардан шиллиқ курт (пьявица), зарарли хасва, ғалла арракаши, ширалар тарқалишининг олдини олиш учун республикада рухсат этилган кимёвий воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу касалликлар эрта ривожланган даврда кураш чоралари олиб борилмаса, ҳосилнинг 45-50 фоизи йўқотилиши мумкин.

Замбуруғли касалликларга қарши гектарига "Дуплект ТТ" 22,5 фоизли (0,3-0,5 л), "Титул ДУО" 26 фоизли (200-300 л), "Консул" 22,5 фоизли (0,75 л), "Торсо" эм.к. (0,3-0,5), "Рекс ДУО" (0,4-0,6 л), "Альтосупер" 33 фоизли (0,3 л), "Этоликур" 22,5 фоизли (0,3-0,5л), "Уредоцин" 22,5 фоизли (0,3-0,5 л), "Химпакт" 35 фоизли (0,2-0,4 л) меъёр билан 200-300 литр сувли ишчи эритма тайёрлаб ишлов бериш яхши самара беради.

Зарарли хасва, шилимшиқ курт, ғалла ширалари, бугдой триписи, поя арракаши, швед ва гессен пашшалари ғалланинг тупланиш давридан бошлаб унга жиддий зарар етказиши мумкин. Зараркундалар кучли тарқалганда ҳосилнинг 25-35 фоизи йўқотилиши тажрибада кузатилган.

Бошоқли дон экинларининг асосий зараркундаларига қарши курашда гектарига "Децис" 2,5 фоизли (0,25 л), "Багира" 20 фоизли (0,2-0,3 л), Атилласупер 10 фоизли (0,1 л), "Далатэ" 5 фоизли (0,15-0,2 л), "Сумитион" 50 фоизли (0,6-1,0 л), "Агрофос Д" 55 фоизли (0,5 л) меъёрда 300 литр сувли ишчи эритма тайёрлаб, ишлов берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ғаллазорларда март ойининг 3-декадасида касаллик ва зараркундаларга қарши олдини олиш, кураш чоралари амалга оширилган бўлса, апрель ойида яъни, 20 кундан сўнг 2-марта фунгицидлар билан ишлашни ташкил этиш лозим.

Юқоридаги агротехник чора-тадбирларнинг ўз муддатида сифатли бажарилиши ғалладан юқори ва сифатли дон ҳосили олишни таъминлайди.

**Р.СИДДИҚОВ,**

*Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д.,*

**И.ЭГАМОВ,**

*Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари.*

# ПИЛЛАКОР МАВСУМИ БОШЛАНДИ

**Ўзбекистон пилла етиштириш бўйича илғор давлатлардан бири ҳисобланади. 2016 йилда пиллакорларимиз томонидан 26000 тоннадан зиёд пилла ҳосили етиштирилди. Тармоқни янада ривожлантириш ва етиштирилаётган пилланинг сифатини ошириш борасида қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.**

Пилла сифатини яхшилаш, ҳосилини имконияти борича ошириш қатор агротехника ва ташкилий ишларга боғлиқ.

Қурт боқиш мавсумига тайёргарлик ишларини инкубаторий ва қуртхоналар учун биноларни танлаш, уларни таъмирлашдан бошлаш лозим. Бир инкубаторийда ўртача 80-100 қути уруғни очирини ташкил этиш тавсия этилади.

Қурт боқиш мавсумида турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида қуртхона ва инкубаторийлар формалиннинг 4% ли эритмаси билан дезинфекциядан чиқарилиши шарт. Инкубаторий ва қуртхоналарда ишчи эритманинг 1 литри 3-4 м<sup>2</sup> га, наслчилик хўжаликларидан эса 2 м<sup>2</sup> майдонга пуркалади. Шунинг унутмаслик керакки, ишлов берилмаётган хонанинг ҳарорати 28-30° С дан кам бўлмаслиги зарур, акс ҳолда дезинфекциянинг самараси бўлмайди.

Пиллачиликда саноат дурагайларини жонлантириш муддатларини тўғри белгилаш жуда катта аҳамиятга эга. Тухумларни инкубацияга қўйиш ва қурт тарқатиш муддатлари тут новдаларида баргнинг ўсишига қараб белгиланади. Кузатишларга қараганда, тут дарахтида 3-4 та барг ҳосил бўлганда инкубация бошланиши энг оптимал муддат ҳисобланади.

Жонланиб чиққан қуртларни тарқатиш ва қурт боқувчиларга ўз вақтида етказиб бериш пиллачиликнинг энг масъулиятли жараёнларидан ҳисобланади. Агар жонланган қуртлар боқувчиларга топширилиб, уларни боқиш бошлаб юборилмаса, кун ўтган сайин 10% дан то 50% гача қуртлар нобуд бўлиши мумкин.

Юқори сифатли ва мўл пилла ҳосили етиштиришда кичик ёшдаги қуртларни тўғри, ўрнатилган қоидалар асосида парваришлаш муҳим аҳамият касб этади. Кичик

ёшдаги қуртлар тут баргларини 5-7 мм. кенликда "угра" шаклида кесиб боқилади. Бунда қуртлар гана остида қолиб кетишининг олди олинади ва қуртлар бир текис ўсишига эришилади. Биринчи ва иккинчи ёшдаги қуртларга сутка давомида ҳар икки соатда 8-10 марта барг берилади. Қуртлар ёшдан-ёшга ўтиши билан уларга ажратилмаган жой ҳам кенгайтирилиб борилиши керак. Бир қути қуртни боқиш учун 1-ёшда - 2 м<sup>2</sup>; 2-ёшда - 5-6 м<sup>2</sup>; 3-ёшда - 12-15 м<sup>2</sup> сатҳдаги қурт боқиш майдони талаб этилади.



Кичик ёшларда қуртхонада ҳарорат 26-27°С, нисбий намлик 65-75% ни ташкил этиши шарт. Бундан ташқари, ҳар 2-3 соатда хоналарнинг 15-20 дақиқа шамоллатилиши боқилаётган қуртлар турли касалликларга чалинишининг олдини олади.

Катта ёшдаги қуртлар кесилмаган ва яшил шохчалар билан боқилади. Қуртлар бешинчи ёшга ўтиши билан барглари 70-100 см. узунликдаги новдаси билан кесиб берилади. 4-ва 5-ёшда суткасига 6-7 марта, ҳар 3 соатда барг солинади. Қурт боқишнинг бу даврида ҳаво ҳарорати 24-25°С, нисбий намлик 60-65% бўлиши талаб этилади. Ҳароратнинг пасайиши қурт организмидан озқанинг ҳазм бўлиши ва модда алмашинувини сусайтиради,

бу эса ўз навбатида қуртлик даврининг узайишига ва пилланинг майда бўлишига олиб келади.

Қуртларга берилмаган озқанининг самарали ўзлаштирилиши ҳамда қуртларнинг соғлом ва йирик бўлиши улар боқилаётган сўкчак юзасига боғлиқ. Қуртлар бир меъёрда ўсиб ривожланиши ва турли касалликлардан холи бўлиши учун 4-ёшда — 25-30 м<sup>2</sup>, 5-ёшда — 60-70 м<sup>2</sup> қурт боқиш майдони зарур.

Сифатли парваришланган ва баргга тўйган қуртлар бешинчи ёшнинг 8-9-кунларига келиб озқанидан тўхтади ва ўз организмидан чиқиндилардан тозалана бошлади. Шу пайтда қурт боқувчилар биринчи дасталарни қўйиб, қолган қуртларга барг бериб туришлари лозим. Баргга тўйган қуртлар аста-секин дасталарга кўтарила бошлади. Ҳар бир қути қурт ҳисобига 300-400 дона табиий ўтлардан даста тайёрланади.

Пиллакорлар учун тут плантациялари ва якка қатор баланд танали тутларга тўғри ва ўз вақтида агротехник ишлов бериш муҳимдир.

Якка тартибда қаторлаб экилган тут дарахтлари, баланд танали ва бута шаклида экилган тутзорлар март-апрель ойларида ўғитланади ва қондирилиб сугорилади, акс ҳолда, солинган ўғитларнинг самараси бўлмайди. Тутзорлар шароитига қараб, ҳар бир гектар ер майдони ҳисобидан 360-400 кг. аммиакли селитра ва 400-500 кг. суперфосфат ўғити билан озқантирилиши тавсия этилади. Мавжуд тут дарахтлари ва тутзорларни ўз вақтида минерал ўғитлар билан озқантириб, сугорилганда барг ҳосилининг 25-30% га ошишига эришиш мумкин.

Пиллакорларимиз ўз ишларини юқорида қайд этиб ўтилган агротехник қоидаларга қатъий риоя этган ҳолда ташкил этсалар, албатта сифатли ва юқори пилла ҳосили етиштиришга эришадилар.

**Ш.УМАРОВ,**

*Инакчилик ИТИ директори, қ.х.ф.д.,*

**Б.НАСИРЛЛАЕВ,**

*б.ф.н.*



# БОҒЛАРДА БАҲОР

**Жорий йилда республикамызда об-ҳавонинг совуқ бўлиши боис боғларда вегетация ўтган йилга нисбатан 15-20 кунга кеч бошланди. Март ойида ҳаво ҳароратининг паст бўлиши, ёгингарчиликнинг кўп бўлиши боис айрим агротехник тадбирларни кечроқ ўтказишга тўғри келди.**

Данакли мевали дарахтларга шакл бериш, сийраклаштириш, буташ ишларини тезлик билан тугаллаб, боғ қатор ораларига ишлов бериш, дарахт тагларини юмшатиш ва чопиш, бегона ўт ва ажириқлардан тозалаш, суғориш эгатларини олиш ишларини бажариш керак.

Боғ-токзорларда тупроқда намликни сақлаб қолишга эътиборни кучайтириш зарур. Ҳосилли боғларда март ойида минерал ўғитлар солинмаган бўлса, ушбу ойда аммиакли селитра 360 кг, ёки аммофос 250 кг, фосфорли ўғитлар 130-180 кг, калийли ўғитлар 200 кг/га ёки соф ҳолда эса 60 кг/га солиш лозим.

Ўтган йил март ойининг 17-18 кунлари бўлиб ўтган қисқа муддатли - 2,5°C совуқ, республиканинг айрим вилоятларида боғларнинг гуллари, ҳаттоки тугилган мевасига (довуччаларига) ҳам қаттиқ зарар етказган эди.

Бу йил дарахтларда гуллари кўп бўлиб, серҳосиллик кутилмоқда. Агарда гулдан сўнг чангланган меваларни қолдирсак, дарахтларда ҳаддан ташқари кўп мева бўлиб, ўсимлик ушбу меваларнинг яхши ривожланиб, сифатли мева бўлиши учун етарли миқдорда озиқа моддаларини етказиб бера олмайди. Бунинг олдини олиш учун данакли мевали боғларда, ўрик, шафтоли ва олхўри навларининг меваларини сифатли қилиб етиштириш мақсадида уларнинг меваларини тоқалаш зарур. Тоқалаш усули куйидагича бажарилади: агарда бир мева бандида 4-5 та мева бўлса, улар ичидан нимжон, бир-бирига халақит берадиган мевалари (довуччалари) олиб ташланади, мевалар бир-бирига тегиб қолмаслиги керак. Агарда бир мева бандида 5 та мева бўлса, улардан 2 та мевани қолдириб, 3 тасини олиб ташлаш зарур.

Данакли мевалилардан сўнг тоқалаш усулини уруғли мевалиларда (олма, нок, беҳида) ҳам ўтказиш зарур. Дарахт илдизидан мевалиларнинг ривожланиши учун етказиб бераётган озиқасини 4-5 та мевага эмас, балки 2 та мевага беради. Натижада мева сифатли ва йирик бўлиб етилади. Агарда тоқалаш усули тўғри ташкил қилиниб, ўз вақтида ўтказилса

мевалар яхши ривожланиб, бир хил шаклда бўлиб, сифатли маҳсулот олишга ҳамда бундай меваларни экспорт қилишга ҳам эришилади.

Боғларда мевали дарахтлар гуллаб бўлгач ҳосил бўлган меваларни сифатли қилиб етиштириш учун боғлар суғорилади.

**Жорий йилда ёгингарчиликни кўп бўлиши боис боғларда касалликларнинг ривожланиши кутилмоқда.** Гуллаб бўлгач, тезлик билан дарахтларни касалликлардан ҳимоя қилиш учун бордо суюқлигининг 1% лиги билан (100 литр сувга 1 кг. мис купороси ва шунча сўндирилмаган оҳак кўшиб) пуркаш зарур. Ушбу пуркашни ҳафта-ўн кун оралатиб 1-2 марта қайтариш лозим. Чуқур таъсир этувчи фунгицидлар яхши самара беради. Бунинг учун баҳорда гулдан чиққач дарахтлар Топсин-М (1л/га) препаратини 0,1% ли қилиб сепиш самаралидир. Бундан ташқари Байлетон (0,2-0,3 л/га), Фаликур (0,25 л/га), Вектра (0,3 л/га) препаратларини ҳам сепса бўлади.

Уруғли мева боғларида парша ва манилиоз касалликларига қарши олма, нок ва беҳи дарахтларига бордо суюқлигининг 1% ли эритмаси пуркалади. Бунда пуркаш ниҳоятда сифатли бўлиб, дарахтлар жиққа ҳўл бўлиши зарур. Бундан ташқари Топсин-М (100 л сувга 150 г) ёки Вектра (100 л сувга 30 г) ёки оҳак олтингурт қайнатмасининг (ИСО) 1 градуслиги билан ҳам пуркаш мумкин.

**Кулупнайзорларда** ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, тупроқда намлик меъёрида бўлган вақтда кулупнайзор қатор оралари культивация қилиниб, туп атрофлари қўлда юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланади. Ўтган йили кулупнай март ойининг иккинчи ярмидан қийғос гуллаган бўлса, бу йил 15-20 кун кеч, яъни апрель ойининг бошидан гуллаш бошлади. Агарда март ойида кулупнайзорга минерал ўғитлар солинмаган бўлса, апрель ойи бошида имкон қадар тезлик билан азотли ва фосфорли ўғит солиш керак. Бунда 50-60 кг. соф азот ва 40-50 кг. соф фосфор ҳисобида минерал ўғитлар солиб, кетидан суғориш лозим. Апрель ойида кулупнай қийғос гуллаш

даврида тупроқ намлигига қараб 1-2 марта суғорилади.

**Қарағатзорларда** қатор оралари 25-30 см. чуқурликда юмшатилиб, гектарига 120-150 кг. соф ҳолда азотли ҳамда 90-120 кг. соф ҳолда фосфорли ўғит солиб суғорилади. Туп таглари 15-20 см. чуқурликда чопилиб юмшатилади ҳамда бегона ўтлардан тозаланади. Қарағат туплари қийғос гуллаган вақтда қарағатзор албатта бир марта суғорилади.

Малиназорда эски, нимжон новдалари кесиб ташланиб, қатор ораси 15-20 см, туп атрофлари 4-5 см. чуқурликда юмшатилади. Малина новдалари узун ўсган бўлса, новданинг 150-160 см. дан юқори қисми кесиб ташланади.

Агарда малина тупи атрофидан янги новдалар ўсиб чиққан бўлса, улар қазиб олиниб кўчатларни хатоси бор ерга ёки бошқа ерга ўтказиш мумкин. Малиназорга туп атрофлари юмшатиладиган, эрта баҳорда азотли ўғитдан азот соф ҳолда 50-60 кг. солиб, кетидан суғорилади. Тупроқ намлигига қараб малиназор апрель ойида 1-2 марта суғорилади.

**Токзорларда** тоқлар ердан очирилиб, симбағазларга кўтариб боғлангач, қатор оралари 25-30 см чуқурликда ҳайдалиб, туп атрофлари қўлда чопилиб юмшатилади. Март ойида токзорлар минерал ўғитлар билан озиклантирилмаган бўлса, тезлик билан токзорларга минерал ўғитлардан соф ҳолда азот 90 кг/га, фосфор 60 кг/га, калий 45 кг/га ҳисобида солиниб, суғорилади.

Об-ҳавонинг анча паст келиши боис токзорлар касалликлар билан эрта шикастланишининг олдини олиш мақсадида ток тупларида 2-3 та чин барг шаклланиши билан оидиум, антракноз ва милдью касалликларига қарши Бордо суюқлиги ёки ООК (олтингурт-оҳак қайнатмаси) ишлатилади. Бунда пуркаш муддатлари: биринчиси тоқларда 2-3 чин барг пайдо бўлганда ООК билан, иккинчи марта 10-12 кундан сўнг Бордо суюқлигининг 1% эритмаси билан ҳамда 12-15 кундан кейин олтингурт билан 1 гектар токзорга 25-30 кг. ёки Фоликур 0,02%, Топаз-0,03% Тиавит 1% билан пуркаланади.

Ушбу агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилса, боғлардан юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилади.

**Р.АБДУЛЛАЕВ,**  
қ.х.ф.н.,

**Х.АБДУЛЛАЕВА,**

катта илмий ходим. Академик  
М.Мирзаев номли БУ ва ВИТИ.

## САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

**Сабзавот, полиз ва картошка экинларидан юқори ҳосил олишнинг ўзига хос бир нечта муҳим омиллари мавжуд бўлиб, булар ичида энг муҳимларидан бири бу ўсимликни экиш муддатини тўғри белгилашдир.**

Айнан апрел ойи иссиқсевар сабзавотлардан помидор, ширин қалампир, бақлажон экинлари кўчатлари экишнинг энг мақбул муддати ҳисобланади.

Томатдошлар оиласига мансуб **помидор, ширин қалампир ва бақлажон** каби сабзавот экинларидан юқори ҳосил олиш учун ушбу экинларни кўчатларини махсус иситиладиган кўчатхоналарда сифатли тайёрлашга катта эътибор қаратиш лозим. Кўчатларни ташқи муҳит шароитига чиниқтириш мақсадида, кўчатни очиқ далага экишдан 6-8 кун олдин кўчатхона эшик ва дарчаларини вақти-вақти билан очиб туриш лозим.

Экиш учун помидор, ширин қалампир ва бақлажоннинг илдиз қисми яхши ривожлангани, бўйи 15-18 см, 5-7 та баргли, 40-45 кунлик бақувват кўчатлари танлаб олинади.

Жанубий вилоятларда эртаги навлар мартнинг 3-ўн кунлигида, ўрта ва кечпишар навлар эса апрелнинг 1-2-ўн кунлигида экилади. Марказий минтақада жойлашган вилоятларда эртапишар навларни апрелнинг биринчи ярмида, ўрта ва кечпишарларини эса иккинчи ярмида ҳамда май ойининг биринчи ярмида экиш мақбул муддат ҳисобланади.

**Помидор** нафақат кўчати, балки



уруғидан ҳам экилади. Тайёрлаб қўйилган помидор уруғини очиқ майдонларга тўғридан-тўғри апрелнинг 1-ўн кунлигида экиш мумкин. Шимолий минтақаларда эса эртапишар навлар кўчати апрелнинг 2-ўн кунлигида, ўрта ва кечпишарлари апрелнинг 3-ўн кунлиги ва майнинг 1-ўн кунлигида, уруғи бевосита очиқ майдонга апрелнинг 2-ўн кунлигида экилади.

Помидорнинг эртапишар ва

ўртапишар навлари кўчати у қадар нишаб бўлмаган далаларда 70x25(30) см, текис майдонларда 90x25(30) см, узун палакли навлар 90x40 см, ширин қалампир 70x30 см, 90x25 см ёки 70x40/2 см бақлажон 70x30(40) см ёки 90x25(30) см схемаларда экилади. Экилгандан кейин кўчатларни албатта сугориш зарур.

Кўчатларни экишда республикада қўллашга рухсат этилган, турли касалликларга, ҳашаротларга қарши ва илдиз ривожланишини тезлатувчи препаратлардан меъёрида фойдаланиш яхши самара беради.

Кўчатлар тўлиқ тутиб олгандан 10-12 кун ўтгач, уларга биринчи ишлов берилади.

Ўсимликка биринчи ишлов бериб сугоргандан 13-15 кун ўтгач, яна сугорилади ва тупроқ етилиши билан иккинчи ишлов ўтказилади. Бунда қатор оралари культиватор билан 15-16 см чуқурликда юмшатилиб, ўсимликлар атрофидаги бегона ўтларни йўқотиш учун яхшилаб чопиқ қилинади.

Помидор, бақлажон ва ширин қалампир ўсув даври мобайнида сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳар гал 500-600 м<sup>3</sup>/га ҳисобида 18-20, сизот суви юза жойлашган ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқли майдонлар эса 600-800 м<sup>3</sup>/га ҳисобида 12-15 марта сугорилади.

Помидор бошқа кўплаб сабзавотлар сингари тупроқ унумдорлигига анча талабчан ўсимлик бўлиб, мўл хосил етиштириш учун бўз тупроқли майдонларга 25-30 т/га гўнг берилганда экинни 180-200 кг. азот, 140-160 кг. фосфор ва 100 кг. калий, ўтлоқи тупроқли майдонларга эса 140-150 кг. азот, 100-120 кг. фосфор ҳамда 80-100 кг. калий ўғитлари билан озиклантириш тавсия этилади.

**Оқбош** карамнинг ўртапишар "Тошкент-10", "Саратони" ҳамда "Термиз-2500" навлари кўчатларини ўтлоқи, ер ости суви юза жойлашган, чиринди миқдори кўп бўлган майдонларга экиш мўл ва сифатли ҳосил етиштириш имконини беради.

Мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида ўртаги оқбош карам

кўчатларини экишнинг энг мақбул муддати 10-20 май, марказий минтақа вилоятларида 15 апрелдан 1 майгача, шимолий минтақаларда 1-15 апрель ҳисобланади. Бунда кўчатлар 70x35(40) см. ораликда экилади. Кўчатларни экиб бўлгач кетмакет сугориш уларнинг тўлиқ тутиб олишини таъминлайди.

Экилган оқбош кўчатлари тўлиқ тутиб олгач, орадан 16-18 кун ўтгач, ўсимликларга комплекс ишлов берилади, яъни ўсимлик қатор оралари КРН-2,8А русумли агрегат ёрдамида 15-16 см. чуқурликда юмшатилади. Юмшатиш баробарида минерал ўғитлар билан озиклантирилади. Ўсимлик оралари қўлда енгил чопиқ қилиниб, бегона ўтлардан тозалангач, сугорилади.

**Бодринг** экини иссиқталаб ўсимлик ҳисобланиб, шундан келиб чиққан ҳолда ушбу экинни жанубий минтақаларда 1-15 апрель, марказий минтақа вилоятларида 10-20 апрель, шимолий минтақаларида эса 20-30 апрелда экиш тавсия этилади. Бунда уруғлар очиқ майдонга СБУ-2,4А сеялкасида 70x30, 90x20 см. схемада, 4-5 см. чуқурликка экилади. Уруғ сарфи гектарига 4-5 кг. Ниҳоллар уруғ палла чиқарганда биринчи, битта чинбарг даврига киргандан кейин эса иккинчи марта ягана қилинади.

Қатор ораларига КРН-2,8А, КОН-2,8, КХО-4 русумли агрегатлар билан 15-16 см. чуқурликда иш-



лов бериб, ўсимлик атрофини мунтазам юмшатиб, озиклантириб ва сугориб туриш керак. Вегетация мобайнида ҳар икки-уч сугоришдан кейин қатор оралари 15-16 см. чуқурликда юмшатиб турилади.

Ушбу экиндан мўл ҳосил етиштиришда гектарига 20 тонна гўнг, соф ҳолда 180 кг. азот, 100 кг. фосфор ва 75 кг. калий ўғити бериш тавсия этилади. Ерга асосий ишлов берилганда органик ўғитнинг ҳамма-



си, фосфор ва калийнинг 75% солинади. Биринчи озиклантиришда фосфор ва калийнинг қолган 25%, азотнинг 50%, иккинчи озиклантиришда азотли ўғитнинг қолган 50% берилади.

Полиз экинларидан **қовун ва тарвуз** уруғининг униб чиқиши экиш муддатини тўғри белгилашга боғлиқ. Юртимизнинг марказий минтақасида жойлашган вилоятларда қовун ва тарвузнинг эртаги навлари 15 апрелгача, ўртагиси 20 апрелдан 10 майгача, кечкиси 15 майдан 10 июнгача, жанубий вилоятларда эртаги навлар 10 апрел-



гача; ўртагиси 10-20 апрелда; кечкилари эса 10-20 июнда экилади. Шимолий минтақаларда эртаги навларни 20 апрелгача, ўртагисини 25 апрелдан 10 майгача, кечкисини 20-30 майда экиш лозим.

Бунда қовуннинг маҳаллий шароитда яратилган эртапишар "Роҳат", ўртапишар Суюнчи-2, "Олтинводий", "Лаззатли", "Олтинтепа", "Кичкинтой", "Оби новот", "Гурвак", "Бўриқалла", кечпишар "Тўёна", "Гурлан", "Амударё", Гулоби, "Хоразмий", Зар гулоби, "Саховат", тарвузнинг эртапишар "Ўринбой", "Манзур", F1 Чиллаки, Крисби, Кримстар ва ўрта эртапишар "Сурхон тонги" навларини экиш тавсия этилади.

Баҳорда тупроқда намни сақлаб қолиш учун дала тишли бороналар билан бороналанади, экиш олди-дан эса чизелланади.

Полиз экинлари уруғини тупроқ ҳарорати 14-15° С га етганда экиш тавсия этилади. Қатор оралари 210-280 см. ли кенг эгат олинади. Бу полиз экинлари қатор ораларига тўрт гилдиракли тракторлар билан ишлов бериш имконини беради. Экиш шакли қовун учун (210+70):2х70, тарвуз учун (270+90):2х70 см. Уруғлар 3-6 см чуқурликка экилади. Майда уруғли қовун ва тарвузларни экиш учун гектарига 4 кг, йирик уруғли тарвузларни экиш учун 5-6 кг. уруғ сарфланади.

Ўсимликларни яганалаш, туп-

роқни юмшатиш, экинни озиклантириш, чопиқ қилиш, суғориш, палакларни тўғрилаш, бегона ўтлар ва зараркундаларга қарши кураш ишлари ўз вақтида маромига етказиб бажарилса, ҳосил янада мўл бўлади.

Барвақт ҳосил олиш мақсадида плёнка остига эртаги муддатда экилган **карам** майдонларида айни кунларда пайдо бўлган бегона ўтлар ҳамда касаллик ёки зараркундаларни йўқотиш бўйича кураш чораларини амалга ошириб, тупроқ тури ҳамда ер ости сувлари чуқурлигига мувофиқ ҳар 8-10 кун оралатиб 550-600 м<sup>3</sup>/га меъёрда суғориш тадбирлари амалга оширилади.

Эртаги муддатда сепилган **пиёз** майдонларида униб чиқаётган бир ва кўп йиллик бегона ўтларни ўз вақтида ўтаб, ортиқча ўсимликларни яғана қилиш, тупроқ тури, намлиги ҳамда ер ости сувларини чуқурлигига кўра, майдонларни суғориш, 2-3 суғориш оралигида ўсимлик эгатлари орасини 12-14 см. чуқурликда юмшатиб қатор ораларида пайдо бўлган ўтларни йўқотиш, ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиш ҳолатига қараб тавсия этилган минерал ўғитлар билан озиклантириш, ўсимликларнинг бақувват ўсиб ривожланишини таъминлайди.

Пиёздан 30 тонна ҳосил олиш учун юқори унумдор ерларда ҳар гектарига ўртача соф ҳолда 250 кг. азот, 200 кг. фосфор, 80 кг. калий, ўртача унумдор ерларга ўртача 300 кг. азот, 220 кг. фосфор ва 90 кг. калий ва унумдорлиги паст бўлган майдонларга 320 кг. азот, 220 кг. фосфор ва 100 кг. калий бериш керак.

**Эрта ҳосил олиш мақсадида тўқсонбости муддатда ва эрта баҳорда экилган илдимевали сабзавотлар апрел ойининг иккинчи ярмидан бошлаб суғорилади.** Дастлабки даврда экин ҳар 12-15 кунда, майнинг иккинчи декадасидан бошлаб, яъни илдимевалар жадал катталашаётганда ҳар 7-8 кунда суғорилади.

**Сабзи бошқа кўплаб сабзавотлар қаторида тупроқ унумдорлигига, асосий озиқа элементларига талабчандир.** Ўсимлик учун озиқа етарли миқдорда берилганда юқори ҳосил олиш имкони ортади. Бўз тупроқли ерларда эртаги ва ўртаги сабзи майдонларига гектарига соф ҳолда 220 кг. азот, 160 кг. фосфор, 100 кг. калий ўғитлари бериш керак. Ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ тупроқ-

ли майдонларда эса 175 кг. азот, 130 кг. фосфор, 80 кг. калий бериш тавсия этилади.

Бунда фосфор ўғитининг йиллик миқдорининг 75 фоизи, калийнинг ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, фосфорнинг қолган қисми ерни бороналаб, эгат олишда берилади. Азотли ўғит ўсимликни вегетация даврида озиклантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчиси ўтоқ қилиниб, ўсимликлар сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чинбарг пайдо бўлганда солинади. Ўғитларни қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб бериш мақсадга мувофиқ.

**Эртаги картошка** етиштиришнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — бу ҳаво ҳарорати кўтарилиб (исиб) кетмасдан пишиб етиштириш ҳисобланади. Эртаги картошкadan юқори ҳосил олиш учун ўсимликлар ўсув даври давомида ўтлоқ тупроқли майдонларда 4-6 маротаба, бўз тупроқли майдонларда эса 5-7 маротаба суғориш тавсия этилади. Ҳар икки суғориш оралигида қатор оралари 10-12 см. чуқурликда юмшатилади. Бу тадбир КРН-2,8А, КОН-2,8А, КХО-4 русумли культиватор билан ўсимликлар шоналагунча амалга оширилади.

Эртаги картошканинг яхши ўсиб ривожланиши ва ундан юқори ҳосил олиш учун бўз тупроқларга гектарига соф ҳолда 220 кг. азот, 170 кг. фосфор, 115 кг. калий, ўтлоқи, ўтлоқ ботқоқ ерларга эса 180 кг азот, 150 кг. фосфор, 100 кг. калий билан озиклантириш тавсия этилади. Бунда 70-75% фосфорли, калийнинг жами кузда ерни экишга тайёрлаганда берилади. Қолган 25% фосфор, 20-25% азот билан экиш эгатлари олишда экиш билан беришни тавсия этамиз. Азотнинг қолган 30-35%, туганаклар тўлиқ униб чиққанда, 50% эса қийғос шоналашда берган маъқул.

Юқорида қайд этилган агротехник тадбирларнинг ўз муддатида ва меъёрида бажарилиши сабзавот, полиз ва картошка экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олишни таъминлайди. Бу эса ўз навбатида халқимиз дастурхонининг тўкин-сочин бўлишини таъминлайди.

**Р.ХАКИМОВ,**  
қ.х.ф.н.,

**Б.АЗИМОВ,**  
қ.х.ф.д.,

**Ф.РАСУЛОВ,**  
к.и.х., СПЭ ва КИТИ.

## ПОМИДОР КУЯСИГА ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИ

**Помидор куяси биринчи марта 1917 йилда Перу давлатида аниқланган. Бу зараркунанда республикамызда 2015 йилда Навоий, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳамда Фарғона водийсининг айрим иссиқхоналарида ҳамда очиқ даладаги сабзавот (помидор) экинларида учраган, 2016 йилда эса барча вилоятларнинг сабзавотга ихтисослашган хўжаликларда тарқалганлиги кузатилди.**

Помидор куясининг капалаги кичкина, оч кулранг тусли бўлади. Тинч ҳолатда турганда иккала қаноти елкасига йиғилади. Олдинги қанотларининг катталиги 8-10 мм. узунликда бўлади. Капалакнинг қўнғир ёки кумушсимон, олд қанотларида характерли қора доғлар бўлиб, мўйловлари ипсимон (тасбеҳсимон). Зараркунданнинг олд қанотларида

лаксимон товланиб, вақт ўтиши билан тўқ-сарик тусга айланади. Қуртлари тухум ичини кемириб чиқиш учун ўзига тешик очади ва тухумдан 0,1мм. узунликдаги курт чиқади.

Тухумдан чиққан қуртлар оқиш кулранг бош қисми эса қорамтир рангда (диагностик белги) бўлади. Қуртларнинг елка томонида биринчи кўкрак

ларнинг ғумбагига нисбатан жуда пишиқ бўлиб, шикастланиши қийин. Қуртлар аввалига ипак тўр, сўнг ички қаватини тўқийди. Қуртлар 20-26 соат давомида пиллани тайёрлаб ғумбакка айланади. Пилланинг узунлиги 5-6 мм, эни 4 мм. ни ташкил қиладди. Эркагининг ғумбаги, одатда урғочининг ғумбагига нисбатан кичикроқ бўлади.

Манбаларга қараганда, помидор куяси об-ҳаво шароитига қараб, тропик мамлакатларда 11-13, Краснодар ўлкасида (Россия) 3-4, Украина жанубида 4-5 авлод беради. Ёз мавсумида бир авлоднинг ривожланиши 22-30 кун, қиш мавсумида эса 2-4 ойгача давом этади. Помидор куяси етук қуртлик ёки ғумбаклик ҳолида қишлайди.

Ўзбекистон шароитида помидор куясининг битта авлоди учун (20-25°C) ўртача 22-25 кун вақт керак бўлади. Бунда, тухум - 2-3, курт (личинка) - 8-10, ғумбак - 3-5 ва етук зот эса 5-7 кунда ривожланиши кузатилади.

Помидор куяси асосан помидор, картошка, бақлажон каби итузумдош ўсимликлар билан озикланади. Қишловга кетмасдан қиш мавсумида иссиқхонада ривожланади. Эрта баҳорда эса иссиқхоналар очилгандан сўнг очиқ даладаги сабзавот экинларини зарарлайди.

Қуртлари барг ва поялар ичида мезофилл тўқималари билан озикланиб, тўқима ичида ўзига хос катта, турли шаклли ғовакларни ҳосил қиладди.

Битта баргда бир ёки бир нечта қуртлар учраши мумкин. Айрим пайтларда баргни тўлиқ зарарламасдан бошқа баргларга ҳам ўтиб кетиши кузатилади. Қуртлар яшил помидор меваси ичига кириб олиши натижасида уларнинг ахлати ва турли касаллик туғдирувчи микроорганизмлар ҳисобига ўсимлик меваси чирий бошлайди.

Кузатувларга кўра, ўсимликнинг кўчатлик даврида помидор



Помидор куясининг қурти ва зарари, курт билан зарарланган помидор меваси.

кумушсимон-кулранг тангачалари ҳамда ўзига хос қора доғлари бўлиши уни аниқлаш учун ҳисобга олинадиган энг муҳим белгилардан ҳисобланади. Капалаги асосан кечкурун ҳаракатланади, кундузи эса ўсимлик баргининг орқа қисмида жойлашиб олади. Жуда сезгир бўлиб, ўсимлик озгина силкитилса ҳам тезда ён-атрофга қараб учиб кетади. Урғочи зотлари 10-15, эркаги эса 6-7 кун яшайди.

Урғочи капалак асосан ўсимлик баргининг остки, устки ва ўсув нуқталарига, айрим пайтларда эса тупроққа тухум қўяди. Тухуми цилиндр шаклда бўлиб, янги қўйилгани оқ рангда, кама-

сегментида ярим юмалоқ қора доғ мавжуд. Ана шу белгиси билан у картошка куясидан фарқ қиладди. Ўсимликка асосан қуртлари зарар келтиради. Қуртлари 4 ёшни ўтаб озуқага тўйгач, ғумбакка айланади. Биринчи ёш курт 1,0 мм, иккинчи ёш 2,5-4,0 мм, учинчи ёш 4,5-6,0 мм. ва 4 ёш курт (вояга етган) эса 7-8 мм. катталиқда бўлади. Ҳаво ҳароратига қараб, қуртлар 15-20 кунда озикланишдан тўхтаб, тупроқда, баргнинг юза қисмида ёки баъзан зарарланган ва ўралган барглар устида ғоваклар орасига ғумбакка кетади.

Ғумбаги: сарғиш-кумушсимон рангда бўлади. Бошқа ҳашарот-

Препарат номи	Таъсир этувчи модда	Сарф-меъёри, д(кг)/га
Кашто КС 9,3 % эм.к.	Индоксакарб+абамектин	0,45
Такуми 2 % с.э.г	Флубендамид	0,3
Замектин 15% с.э.г	Эмамектин бензоат+абамектин	0,12-0,15
Ампаго 150 м.к.с.	Лямбдацигалотрин +хлоратранилпрол	0,4
Корад, 10% эм.к	перметрин	0,2-0,4
Агроплан 20% н.к.к.	Лямбдацигалотрин +хлоратранилпрол	0,4
Бензоат Супер 10% с.д.г.	Эмамектин бензоат	0,15-0,25
Эмафос 42% эм.к.	Эмамектин бензоат+хлорпиррифос	0,5-0,8
Абамек 1,8 % эм.к.-	Абамектин	0,3-0,35



куяси тушса, гуллаш давригача етмасдан зарарланган ўсимлик нобуд бўлади. Мева тугиш пайтидан бошлаб ўсимликнинг ҳосилдорлиги 60 фоизгача йўқолади, кучли зарарланган майдонлардаги экинлар эса бутунлай куриб қолади.

Иссиқхона ва очиқ далада помидор куясининг тарқалишини ҳамда зарарини камайтириш учун биринчи навбатда, агротехник ишларни ўз вақтида ўтказиб, биологик ва кимёвий кураш тадбирлари қўлланилса, ҳосил сақлаб қолишга эришилади.

Агротехник тадбирлардан — помидор уруғини экишдан олдин кимёвий препаратлар билан дорилаш зарур. Тупроқ ва иқлим шароитларини ҳисобга олиб, помидор куясига чидамли нав ва дурагайлари қўллаш, уларни илмий асосда жойлаштириш, алмашлаб экишни тўғри ташкил этиш;

кузги шудгорни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш;

иссиқхонада мавсум якунланганидан сўнг ўсимлик қолдиқларини махсус чуқур ва ўраларга кўмиш ишларини ташкил этиш;

кўчатзорларда помидор куяси ва касалликларга мунтазам тарзда қарши кураш олиб бориш;

зараркунандалар пайдо бўлишини аниқлаш ҳамда унга қарши кураш учун феромон тутқичлардан фойдаланиш.

Ҳозирги пайтда помидор куясининг капалакларига қарши қўлланилаётган "Тутасан" жинсий феромонлари яхши натижалар бермоқда.

Феромон тутқичларни сувли идишларда қўллаш ҳам яхши натижа бермоқда. Бунда феромон сувли идиш ўртасига махсус қурилмаларда жойлаштирилади. Сувнинг ёпишқоқлиги олдини

олиш учун идиш ичидаги сувга озгина суюқ совун солинади. Бундай феромонли тутқичларни гектарига 15-30 тадан жойлаштирилади.

Иссиқхоналарда сариқ елим суртилган экранларни ишлатиш помидор куяси ва бошқа зараркунандаларнинг етук зотларини илиб олиб, тарқалишининг олдини олади.

Помидор куяси бизнинг шароитда янги зараркунанда бўлганлиги сабабли, турли хилдаги кимёвий препаратлар синовдан ўтказилди. Изланишлар натижасига кўра, асосан қуйидаги инсектицидларни помидор куясига қарши қўллаш тавсия этилади.

**Қ. БОБОБЕКОВ,**

*"Ўзагрокимёҳимоя" АЖ бошқарма бошлиғи, б.ф.н.,*

**К. МАМАТОВ,**

*Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти, б.ф.н.*

## Илм ва амал

# ТАБИЙ ОФАТНИ БАРТАРАФ ЭТИБ

**ёхуд "яшил қалқон" яратиб, "бир ўқ билан икки қуённи отиш" усули**

Табиат инсонга чексиз инъомларини тортиқ қилгани ҳолда, қатор офатларни юбориб турадики, улардан бири мамлакатимизнинг барча минтақаларида кузатиладиган шамол эрозияси тупроқ унумдорлигини пасайтириши баробарида, экинлар ҳосилдорлигининг кескин камайишига олиб келади.

Ўзбекистонда 13 млн (37,2%), гектар майдонни қум тепаликлари, барханлари ва қум тупроқлари эгаллайди. Биргина Бекободдан бошланган шамол ўтган асрнинг 50-йилларида суғориладиган кичик майдонларни катталаштириш натижасида улар атрофидаги дарахт, буталар кесиб ташланиши шамол эрозиясининг авж олишига олиб келиб, Фарғона водийсининг 100 минг гектар атрофидаги ерларига катта талофат етказди.

Шамол эрозиясига учрайдиган ҳудудларда тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган қатор тажрибалар амалиётга жорий этилиб, ижобий самара бериб келмоқда.

Академик Қ. Мирзажонов раҳбарлигида изланувчи Шаҳриёр

Аҳмедов Ўзбекистонда шамол эрозиясига қарши курашда мевали дарахтлардан иборат ихота ўрмонзорларнинг қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига таъсири хусусида тадқиқотлар олиб бормоқда.

Бунга кўра 1-қаторга беҳи, хурмо, нок, бодом, кўксултон, 2-қаторга олма, олхўри, 3-қаторга калифорния тераги ёки қайрағоч экиш яхши самара беради. Худди шу усул Ёзёвон туманидаги "Ҳайдарали Ҳотамов" фермер хўжалигида 11,2 га, Косон туманидаги "Илк орзулар маҳсули", "Чироқчи Равнақ Бахт", "Имконият даражасида", "Аҳмад ўғли Бўрибой" фермер хўжаликларида 15 га майдонга жорий этилиб, бодом, кўксултон, олхўри экилиб, охириги қаторига экилган қайрағоч ўзининг агроиктисодий маҳсулини бера бошлади.

Экин эрозиядан сақлангандан кейин ўз вақтида етилади, ҳосилдорлик гўзда 4-5 ц/га, ғаллада 5-6ц/га ошади. Об-ҳаво мўътадиллашади, тупроқ нами сақланади, сув иқтисод қилинади. Салқинидан чорва-парранда фойдаланади. Дарахтлар бугаланиб тургани учун ўтин ғамланади.

Иҳотазорлар орасида экилган гўза ва кузги бугдойдан шамолдан ҳимояланмаган ерга нисбатан ҳам қўшимча экин ҳосили, ҳам мевали дарахтлардан мева йиғиштириб олинмоқда.

Республикамизнинг механик таркиби енгил, шамол кўп бўладиган ҳудудларида манзарали-мевали иҳотазорлар ташкил этиш тизимини шакллантириш Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилиб бу борадаги илмий-амалий ишларни изчил жорий этиш бўйича зарурлиги таъкидланди. Марказий Фарғонада, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё вилоятларининг Қизилқумга чегарадош, Бухоронинг маркази ва шиболида, Қорақалпоғистон Республикаси ерларининг бир қисмида ҳамда Сурхондарёнинг Термиз шаҳри атрофида алоҳида боғ яратмай, бу усулни шамол эрозиясига қарши курашда жорий қилиш мумкин.

Жаннатмакон юртимизнинг ҳар қарич еридан самарали фойдаланиш имконияти мавжуд. Фан ютуқлари ва илғорлар тажрибаларидан фойдаланиш юқори ҳосилдорлик, барқарор иқтисод гаровидир.

*Ўз мухбиримиз.*

## ЧОРВАДОРЛАРНИНГ БАҲОРГИ ЮМУШЛАРИ

**Чорвачиликда баҳор фасли масъулиятли фасл ҳисобланади, чунки баҳорда ҳаво исий бошлайди, янги озуқалар чиқа бошлаши билан чорва ҳайвонларининг озиклантириш рационлари ўзгариши, озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида озуқабоп экинларни экиш, оралик экинларни парваришлаш каби муҳим ишлар авж олади. Чорвачилик тармоқларида баҳор ойлари бошланиши билан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия қилинади.**

**Қорамолчиликда.** Шахсий ёрдамчи, аҳоли ва фермер хўжалигидаги қорамолларни қишдан чиққанидан кейин, 10-15 кун давомида аста-секин баҳорги яйловда боқишга ўтказиш лозим. Агар моллар шу кунларда силос, сенаж ва пичан ҳамда илдиз-мевалар билан боқилган бўлса, бу муддат 5-7 кунгача қисқартирилиши мумкин. Дастлабки кунларда молларга олдин хашак бериб, сўнгра аста-секин кўк озуқа билан озиклантиришга ўтилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Очқ ҳавода юрадиган, боғламай боқиладиган ҳайвонларда моддалар алмашинуви жадал борганлиги учун, уларга озуқа нормалари одатдагидан кўра 8-10% оширилган бўлиши керак. Силос, сенаж, илдиз-мевалар ва дағал озуқалардан иборат асосий рациондаги озуқалар уларга яйратиш майдонида едирилади. Дағал ва сершира озуқаларда етишмайдиган озиқ моддалар концентрат озуқалар ҳисобига тўлдирилади.

**Ёш қорамолларни баҳорги озиклантириш.** Ёш молларни тўғри боқишни ва озиклантиришни ташкил этиш қорамолчиликнинг энг муҳим масалаларидан биридир. Амалда ёш молларнинг ўсиши икки даврга, яъни сут ичадиган ва сутдан ажратилган даврларга бўлинади. Бузоқларнинг сут ичадиган даври сут ва сут-гўшт учун боқиладиган қорамолчиликда, одатда 4-6 ойгача ва гўшт учун боқиладиган қорамолчиликда 7-8 ойлик бўлгунча давом этади. Бу даврда бузоқлар рационининг кўпчилик қисми қаймоғи олинмаган сут билан ва ёғи олинган сутдан иборат бўлади. Сутдан ажратилгандан кейинги давр 24 ойлик бўлгунгача давом этади. Бу даврда моллар рационидан

сут чиқарилиб ташланади ва улар дағал, сершира ва концентрат озуқалар билан боқилади. Ёш моллар сутдан ажратилгандан кейинги даврда ҳар бир ёш гуруҳ — моллар вазнининг ортиб бориш режасига мувофиқ белгиланган меъёрда боқилади. Ҳар бир гуруҳдаги ёш молларга ой сари рацион тузилиб турилади. Уларнинг рациони сифатли да-



ғал ва ширали озуқалар, кўшимча минерал озуқалар, туз, бўр, суюқ уни, трикальцифосфатдан иборат бўлади. Ёш моллар силосга ва сенажга бой рацион билан боқилганда яхши ўсиб ривожланади. Бунда рациондаги концентратлар улуши камаяди. Ёш молларга кунига 3 марта озуқа ва сув бериб турилади. Баҳорда ёш моллар, одатда алоҳида-алоҳида қурилган молхоналарда ёки айвончаларда боғланмасдан боқилади.

**Паррандачиликда.** Паррандачилик аҳолини қисқа муддат ичида озиқ-овқат маҳсулотлари (тухум ва парранда гўшти) билан таъминловчи соҳалардан бири ҳисобланади.

Паррандачилик хўжаликларида боқилаётган товуқлар ўзларининг генетик (маҳсулдорлик) потенциални тўлиқ намоён қилиши, юқори маҳсулдорликни таъминлаб, кўп миқдорда тухум олиши учун уларни мувозанатлаштирилган озиклантириш рационлари билан боқиш керак. Парран-

далар учун тайёрланган омукта емлар алмашинув энергияси, тўйимли моддалар ва витаминлар бўйича мувозанатлаштирилган бўлиб, кунлик эҳтиёжини қондириши лозим. Товуқлар учун қуйидаги омукта ем структураси тавсия қилинади (% ҳисобида): донли озуқалар-60-75, буғдой кепаги-0-10, шротлар-8-20, ҳайвон оқсиллига оид озуқалар (балиқ уни, гўшт-суюқ уни ва бошқалар)-2-6, беда уни-0-10, минерал озуқалар-7-9, ёғлар-0-3. 100 кг. омукта емга 0,2-0,3 % миқдорда, яъни 200-300 г. ош тузи қўшилиб, яхшилаб аралаштириб берилади.

Тайёрланган омукта емларга тавсия қилинган меъёрларга асосан витаминлар қўшилади. Витаминлардан тайёр ҳолдаги 0,1 % ёки 0,2 % лик витаминли-минералли премикслар ёки суюқ ҳолдаги витаминларни (Тривит, Тетравит, Рекс Витал, Чиктоник ва бошқалар) қўшиш мумкин. Товуқларга берилган омукта емнинг ҳазм бўлиши ва рациондаги тўйимли моддалардан фойдаланиш самарадорлиги рационда майдаланган тошнинг (гравий) бўлишига боғлиқ. Шунинг учун товуқларнинг рационига катталиги 4-6 мм. бўлган майда тош (гравий) киритиб, бир бошга бир ҳафтада 5 г. бериш тавсия қилинади. Озиклантириш рационлари ва омукта ем рецептлари хўжаликдаги озуқа турларининг мавжудлиги, яъни озуқа базасидан ҳамда алоҳидий шароитдан келиб чиққан ҳолда турли вариантларда иш-



лаб чиқиш мумкин. Омукта емларга товуқларнинг маҳсулдорлик даврига қараб, талаб этиладиган меъёрларда синтетик аминокислоталардан - метионин ва лизин қўшилади.



Кейинги йилларда парранда-ларнинг омукта емлари биологик актив қўшимчалар билан бойитилмоқда. Озуқа қўшимчалардан фермент препаратлари, пребиотиклар, пробиотик, микотоксинларни зарарсизлантирувчи препаратларни омукта емларга киритиш мумкин.

Товуқлар ҳар доим узлуксиз, етарли даражада тоза ичимлик суви билан таъминланган бўлиши керак. Паррандахонадаги товуқлар учун ҳавонинг оптимал ҳарорати 18-20°C, нисбий намлиги 60-70 % ҳисобланади.

**Асаларичиликда.** Баҳорги мавсумда асалари қўйиладиган майдончалар яхши жойдан танланиши, яъни боғ, мевазорлар атрофида бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Майдонча тоза ва қуруқ бўлиши, катта сув ҳавзаларидан ҳамда чорва моллари сақланадиган молхоналардан узоқроқ бўлиши керак. Танланган майдончаларда асалари қутиларини жойлаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Улар бир текисда шахмат усулида қаторлаб қўйилиши керак ва уядаги рақамлар очиқ кўриниши лозим. Асалари қутилари куёш тигидан ҳимояланиши ҳамда асалариларнинг мўлжал олиб учишига ёрдам берувчи дарахтлар, иншоотлар бўлиши керак.

Асалари қутилари остида махсус қозиклар бўлиши, уларнинг устига қўйилган қутилар озгина нишаб қўйилиши лозим, чунки шундай қилинганда ёмғир сувлари уя ичига сингиб кетмасдан, тезда пастга оқиб тушади. Асалари оиласига баҳорги биринчи қаров ўтказиш ишлари қуёшли кунларда, ҳаво ҳарорати +14+15° С дан паст бўлмаган даврда ўтказилади. Баҳорги қаров ўтказишнинг асосий мақсади шундан иборатки, унда асалари оиласининг қишловдан сўнгги ҳолати аниқланиб, уларнинг ривожланиши учун қулай шароит яратиб берилади. Ҳар бир асалари оиласи ҳолати текширилиб, унинг кучи (рамкалар асалари билан тўлиқ қопланганлиги), она асаларининг борлиги, рамкалардаги очиқ ва ёпиқ наслларнинг сони, уядаги озуқа асал миқдори, асалари уяси ҳолати (уянинг қуруқлиги, ифлосланганлиги, ўлик асаларилар

миқдори) каби кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Асалари оиласини баҳорги қаров ўтказиш даврида уядаги рамкаларни тўлиқ олмаслик ҳам мумкин, чунки яхши ривожланган оилаларда она асалари рамкаларга тўлиқ, сифатли тухум қўйганлиги кифоя бўлади. Уядаги асаларилар ва унинг насли, озуқа асални эса уядаги рамкаларини озгина кўтариб кўриб, кўз билан чамалаб кўрилади. Асалари оиласида нормал ҳолат кузатилса, яъни ҳар хил ёшдаги насл ва тухум бўлса, демак, оиладаги она асалари сифатли бўлишидан дарак беради, уни қидириб кўриш лозим эмас. Шунингдек,



рамкалар устидаги мум ўсимталарни ва прополисни ҳам искана билан қириб олмаслик лозим, бу ишни кейинроқ ҳаво исиб кетганда, уядаги мумлар анча юмшаб қолган даврда бажариш керак. Қишловдан ёмон чиққан асалари оилаларига биринчи ёрдам бериш ишлари бошлаб юборилади. Бунинг учун озуқаси кам бўлган асалари оилаларига асал озуқали ва гулчангли рамкалардан берилади; ҳар бир оилага ўртача 8-10 кг. озуқа асал ва 1-2 та рамка гулчанг бўлишига эришилади, ортиқча рамкалар, ифлосланган, нотўғри тўқилган, қийшиқ, бўш рамкалар уядан олинади. Асалари оиласига биринчи баҳорги қаров ўтказиш даврида асалари уясининг таг қисмини тозалаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун асалари уясидаги остки учиш туйнукларида тўпланиб қолган ахлат ва асалари ўликлари, симдан тайёрланган қармоқча ёрдамида тозалаб олинади, чунки бундай ахлатларнинг тўпланиб қолиши уядан асалариларнинг учиш фаолиятига халақит беради, уя ҳавосини бузади, уларнинг чириши натижасида ҳар хил касалликларни вужудга келтириши

мумкин. Асалари уясидаги ахлатларнинг миқдорига қараб, асалари оиласи қишдан қандай чиққанлигини билиб олиш мумкин. Ахлатлар орасида асал кристаллари кўп бўлса, демак оиладаги озуқа асал сифатсиз бўлган. Бундай асалари оилаларига тезда ёрдам бериш чораларини кўриш керак. Асалари оиласи юқумли касалликлар оқибатида ўлиб қолган бўлса, у ҳолда тўпланган ахлатлар ёқиб юборилади. Қишловдан чиққан асалари оилаларининг айримларида она асалари ўлган бўлиши мумкин. Бунда онасиз қолган оилаларга зудлик билан она асалари топиб бериш ёки уларни бошқа оилаларга қўшиб юбориш мақсадга мувофиқдир. Яхши ривожланган асалари оиласи ҳаёти давомида керакли миқдорда ўзидан иссиқлик ажратиб чиқаради. Асаларичининг вазифаси – ана шу иссиқликни исроф қилмасдан, хусусан, баҳор ойларида асалари оиласининг ривожланиши даврида уни эҳтиёт қилиб сақлаш чораларини кўриши лозим. Асалари уясини қисқартириш мақсадида уядаги эски, сифатсиз, могорлаган асалари рамкаларини олиб қўйиш лозим. Шундай қилинганда, асалари уясида керакли миқдорда иссиқлик сақлаб қолинади ва асаларилар эса кам энергия сарфлашга ҳаракат қилади. Хусусан, бу ишларни баҳор ойларида бажариш катта аҳамиятга эга, чунки баҳорда асалари оиласи ривожланадиган вақт бўлиб, унда она асалари кўп тухум қўя бошлайди, ёш асалари насли уяда кўпроқ бўлади, уларнинг ривожланиши учун уяда нормал +34+35° С даги ҳарорат керак, акс ҳолда уларнинг ривожланиши секинлашади ёки тўхтаб қолади. Бу эса асалари оиласида ҳар хил юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шуларни ҳисобга олиб, асалари оиласига керакли миқдордаги рамкаларни сақлаб қолиш ва бу рамкаларнинг тўлиқ асалари билан қопланиши мақсадга мувофиқдир.

**А.НУРМАТОВ, Б.АЛЛАШОВ,  
Б.ЖУМАДУЛЛАЕВ, Р.РЎЗИЕВ,  
О.ТЎРАЕВ,**

*(Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий тадқиқот институти).*

# ВЬЕТНАМ БАЛИҚЧИЛИГИ

**Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З. Мирзаев бошчилигидаги делегация Вьетнамда бўлиб, балиқчилик соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб қайтди. Делегация таркибидан мен ҳам бор эдим.**

Вьетнам сув ресурсларига жуда бой, чегарасининг 3260 километри соҳил бўйлаб чўзилган, 3000 дан ортиқ катта-кичик оролларга ва 2860 га яқин дарёларга эга. Мамлакатда 1000 га яқин балиқ турлари мавжуд. Балиқчиликнинг улкан салоҳиятга эга бўлиши, энг аввало, бу ерда 1.700.000 гектар кўллар мавжудлиги билан боғлиқ.

Мамлакатнинг чекка жойларидаги 4200 квадрат километр дарё, табиий кўл ва бошқа сув омборлари ҳавзаси мавсумий ёгингарчилик даврида 6000 квадрат километрга-ча кенгайди ва балиқчилик билан шуғулланиш учун қўшимча имкон яратади.

Ҳозирги кунда балиқчилик мамлакат ялпи миллий маҳсулотининг 4-5 фоизини ташкил этади. Соҳада 4 миллиондан зиёд киши иш билан банд. Балиқни қайта ишлаш корхоналари ходимларининг 85 фоизини аёллар ташкил этади.

Балиқчиликда давлат бошқаруви ва сиёсатини юритиш ҳамда соҳа ривожланиш концепция ва стратегиясини белгилаш Қишлоқ ва қишлоқ тараққиёти вазирлиги зиммасига юклатилган. Шу билан бирга, соҳани бошқаришда Балиқчилик ассоциациясининг ҳам муҳим ўрни бор. Барча балиқчилик хўжа-



ликлари хусусий мулкчилик асосида ташкил этилган. Жамоат ташкилоти ҳисобланган мазкур ассоциация балиқчилик билан шуғулланувчи фуқаролар, корхоналар, қайта ишловчи заводлар ва шу соҳага хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Ассоциацияга 30 мингдан ортиқ ба-

лиқчилик билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар аъзо бўлиб, 102 та йирик корхонаси бор.

Ушбу ташкилот ички бозор ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоялаш мақсадида балиқ ва балиқ маҳсулотлари импортини қатъий назорат қилади. Унинг рухсатсиз ҳеч қандай балиқ ва балиқ маҳсулоти ичкарига киритилмайди.

1963 йилда ташкил этилган Аквакультура илмий-тадқиқот институтида 250 нафар ходим фаолият юритади. Илм масканининг 3 та тажриба хўжалиги ва чавоқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган 9 та минтақавий балиқ питомниги бор. Институтда балиқ ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, балиқ касалликларига қарши кураш, генетикасини яхшилаш, янги истиқболли балиқ турларини ўзлаштириш каби йўналишлар бўйича тадқиқот олиб борилади. Халқаро стандартларга мос лабораториялари мавжуд.

Балиқчилик соҳасидаги илмий изланишларни ташкил этиш тўғрисида Вьетнам Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ тараққиёти вазирлиги томонидан амалга оширилади. Соҳадаги муаммо ва ечимлар балиқчилик ассоциацияси томонидан умумлаштирилиб, вазирликка тақдим этилади. Вазирликнинг балиқчилик бошқармаси томонидан муаммоларнинг илмий ечими бўйича (1-3 йил) илмий изланишлар Дастури белгилаб олинади ва Балиқчилик илмий-тадқиқот институтлари олдига аниқ ишланмалар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, фақатгина Аквакультура илмий-тадқиқот институтига илмий изланишлар олиб бориш ва мутахассислар малакасини ошириш учун йилига 15 миллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағ ажратилади.

Вьетнам балиқчилик ассоциацияси маълумотига кўра, 2016 йилда 6,6 миллион тонна балиқ ва балиқ маҳсулотлари етиштирилган, шундан

2,8 миллион тоннаси денгиз соҳили акваторияси ва ички табиий ҳавзалардан овланган.

Мамлакатда Осиё лаққа балиғи (пангасиус) етиштириш ривожланган. Ҳозирги кунга келиб, дунёда етиштириладиган осие лаққасининг 50 фоизи ушбу мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Бу балиқ дунёнинг ўнта мамлакатига экспорт қилинади.

Вьетнамда балиқ маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган 600 та завод мавжуд бўлиб, уларнинг 480 таси АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи бозорларига кириш ҳуқуқини берадиган сифат сертификатига эга. Мамлакат балиқ маҳсулотлари экспортининг 65 фоизини сунъий усулда етиштириладиган аквакультура маҳсулотлари ташкил этади.



Айтиш жоизки, балиқ маҳсулотлари экспорти 7,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этгани ҳолда, ички бозорга 4 млрд. АҚШ долларига тенг балиқ омухта ем компонентлари (бугдой, маккажўхори, соя шроти ва турли қўшимча витамин ва премикслар) олиб кирилади.

Мамлакатда балиқ маҳсулотлари маркетинги қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- тирик, музлатилган ва қайта ишланган ҳолда маҳаллий аҳоли истеъмолига йўналтирилади;

- қайта ишланган ҳолда ташқи бозорга ва экспортга йўналтирилади;

- овланган паст сифатли балиқлардан, музлатилган ва тирик ҳолда, аквакультура маҳсулотлари етиштиришда, жумладан, креветка ва қимматбаҳо балиқларни боқийда озуқа сифатида фойдаланилади.

Табиий сув ҳавзалари учта кате-



горияга бўлинган:

I категория — алоҳида муҳофаза этиладиган дарёлар ва табиий ҳавзалар;

II категория — аҳоли ичимлик сувига ишлатиладиган ҳавзалар;

III категория — балиқчилик ва деҳқончилик (хўжалик ишлари) соҳасида ишлатиладиган ҳавзалар.

Мамлакатимиз балиқчилигида Вьетнамнинг қуйидаги тажрибасини қўллаш мумкин деб ҳисоблаймиз:

I. Балиқчиликни ривожлантириш бўйича илмий-инновацион лойиҳаларни шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилиши лозим. Илмий лойиҳаларни амалга ошириш, соҳа ривожланишидаги муаммолар ечимини ҳал этишга йўналтирилган (қафас балиқчилиги, интенсив технологиялар, янги тур балиқларини иқлимлаштириш, балиқчиликда керакли анжомларни маҳаллийлаштириш) долзарб ва аниқ параметрлар асосида вазирлик тасарруфидаги балиқчилик соҳасидаги институт ва унинг филиалларида амалга оши-

рилиши даркор.

2. Ўзбекистонда балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтиришда:

— табиий сув ҳавзаларини категориялаш ва уларни тадбиркорларга узоқ муддатга бириктириб бериш бўйича янги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

— янги тур балиқларни минтақаларда иқлимлаштириш ҳисобига ишлаб чиқариладиган балиқ ассортиментларини кенгайтириш;

— етиштирилган ва қайта ишланган янги тур балиқларни экспортга йўналтириш ва ташқи бозорларда сотиш ишларини йўлга қўйиш ҳамда балиқ маҳсулотлари экспортини амалга оширадиган корхоналарни мажбурий валюта сотишдан озод этиш;

— минтақаларда балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш ва сақлаш бўйича илғор технологияларни жорий қилиш;

— балиқ маҳсулотлари экспортини амалга оширган корхоналарга, четдан ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун олиб кирилган (соя шрот, балиқ уни, премикс ва

бошқалар) компонентларни акциз солиқлари ва божхона тўловларидан озод этиш;

— балиқ маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва экспорт қиладиган корхоналар томонидан ривожланган давлатлар бозорларига кириш ҳуқуқини берадиган сифат сертификатлари асосида иш юритишни ва маҳсулотни ушбу мамлакатларга тўғридан-тўғри чиқаришни белгилаб қўйиш. Чет эл корхоналари томонидан Ўзбекистонда етиштирилган ва қайта ишланган маҳсулотларнинг реекспорт қилинишига барҳам бериш (судак);

Соҳага алоқадор олий ўқув юрларида балиқчилик бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини жорий қилиш. Республика Олий аттестация комиссияси томонидан балиқчилик соҳасида илмий изланиш олиб бораётган олимларнинг докторлик диссертацияси ҳимояси учун махсус илмий кенгаш ташкил этиш ижобий натижа беради деб ҳисоблаймиз.

**Р.ҚУРБОНОВ,**

*Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тажриба станцияси.*

## Тармоқлар ҳаёти

суриштирганимизда фермер сунъий балиқ ҳавзаларини янада кенгайтириш, экотуризмни ривожлантириш, ҳаваскор балиқчилар клубини ташкил қилиш, туман марказида балиқ сотиш шохобчаси очиш, консерва тайёрлаш корхонаси қуришни мўлжаллаётганлигини айтиб ўтди. Бу борада хўжалик “Калтаминор” ОФЙ ҳудудидаги 80 гектар майдонни “Антиқа” фермер хўжалигига беришларини сўраб туман ҳокимига мурожаат қилган.

Демак, изланиш давом этмоқда. Бир қанча сертификат, гувоҳнома, Фахрий ёрлик ва бошқа эътирофларга сазовор бўлган фермер бу улуғвор вазифаларни бажаришдан чарчамайди. Дарвоқе, у келгусида туяқуш боқишни ҳам режалаштиряпти. Хоразм ва Қорақалпоқ аҳолисининг тотли таоми—тухумбаракни балиқ ва туяқушларнинг тухумидан пишириш йўлга қўйилар, эҳтимол... Буни вақт кўрсатади, албатта.

*Ўз мухбиримиз.*

## “АНТИҚА”НИНГ АНТИҚА ИШЛАРИ

**Етти хазинанинг бири бўлган балиқ табиатдаги нафис ва нозик жонзот бўлиб, уни кўпайтириш ва халқ истеъмолига чиқариш анча машаққатли, шу билан бирга, хайрли ишлардан биридир. Айни кунларда Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманидаги “Антиқа” балиқчилик хўжалигида иш қизғин.**

Хўжалик раҳбари Шуҳрат Ражабов балиқчиликка ихлос қўйганлардан бири.

— Шу давргача саноат усулида оқ амур, дўнгпешона, карп балиқлари кўпайтирилди. 2016 йили катта шов-шувга сабаб бўлган “Африка лаққаси” ни етиштирдик, — дейди Шуҳрат Ражабов.

Аҳолини арзон ва сифатли парҳез балиқ гўшти билан таъминлаш йўлида иш олиб бораётган хўжалик ҳар йили 350-500 минг донадан зиёд балиқ чавақларини Нукус, Элликқалъа, Беруний, Тахтакўпир, Чимбой, Шуманай ва Мўйноқ туманларининг балиқчилик фермер хўжаликларида етказиб бермоқда.

Ҳозирги кунда 22 гектар

сунъий ҳавзаси бўлган хўжалик балиқчиларига етарли шарт-шароитлар яратилган. 8 бош қорамол, 50 бош қўй-қўзи, 100



бош ўрдак, 100 бошдан зиёд курка ва товук боқилмоқда.

Навбатдаги ишлар ҳақида





# ПОМИДОР КОМБАЙНДА ТЕРИЛАДИ

Самарқанд вилояти деҳқонлари қишлоқ хўжалигининг илғор тармоқларини ўзлаштириш билан бирга жаҳон бозорида энг харидоргир бўлган экин турларини ҳам кўпайтириб бормоқда.



Жумладан, ўтган йили вилоятнинг Жомбой туманида пастернак, цикори, кейл карами, яшил қовоқча, пирей пиёзи (лукпари), брокли карами ва бошқа экинлар синовдан ўтказилди. Хўш, натижа қандай бўлди? Бу экинлардан меҳнатга яраша ҳосил олиними?

— Ўтган йили ушбу янги экинлар тумандаги 22 фермер хўжалигидаги 20 гектар майдонда экилди, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Алижон Облоқулов. — Янги экинларнинг барчаси иқлим шароитимизга тўла мос келди. Лукпари, брокли карами, яшил қовоқча (кабачки)нинг гектаридан 150—200 центнергача маҳсулот етиштирилиб, қутилгандан ортиқ ҳосилдорликка эришилди. Жорий йилда эса 430 гектарда брокли карами, яшил қовоқча, цикори, лукпари экинлари ва 10 дан ортиқ турдаги сабзавотнинг Голландия, Германия, Польша, Россиядан келтирилган янги ва серҳосил навларини тўқсонбосоти усулида экдик. Маҳсулотимизни Европа ва Осиё давлатларига экспорт қилиш, қайта ишлаш борасида «Бахмал Голден

алп», «Булунғур сандвик», «Агромир жуст», «Сам фрут» каби корхоналар билан шартномалар тузилди. Тармоқдаги янгиликлардан яна бири — ўтган йилдан бошлаб помидорни техника билан экиб-йиғиштириб олиш технологиясини қўлладик.

Украиналик мутахассислар билан ҳамкорликда «Мароқанд мева-сабзавот» масъулияти чекланган жамияти томонидан помидор етиштиришда қўлланган бу усул ердан самарали фойдаланиш, ўғит тежамкорлиги ва қўл меҳнатининг камлиги билан мутахассислар эътиборига тушди.

— Касалликка чидамли, зараркунандалардан холи бўлган помидор нави Италиядан келтириб, экилишидан олдин тегишли препаратлар ёрдамида биринчи ишлов берилади, — дейди жамият иш юритувчиси Илҳом Турсунов. — 350 гектарга махсус сеялкада помидор уруғи экилиб, ўғит сувга қўшиб томчилатиб берилади. Одатий усулдаги помидордан гектарига 250—300 центнергача ҳосил олинса, бу усулда 800—1000 центнергача ҳосил олиш мумкин. Помидор ҳосили айтиб ўтилганидек комбайнда терила-

ди. Бунинг учун Германиядан 2 та махсус помидор териш комбайни олиб келинди. Ўтган йили ҳосилнинг катта қисми Россия, Қозоғистон давлатларига экспорт қилинди, қайта ишловчи маҳаллий корхоналарга шартнома асосида етказиб берилди. 2016 йилда шу усулда етиштирилган помидорнинг гектаридан 80 тоннадан ҳосил олган бўлсак, бу йил ҳосилдорликни 1000 центнерга етказиш ниятидамиз.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилда писта, бодом, ёнғоқни суғоришда томчилатиб суғориш технологияси қўлланилади, унабининг йирик плантациялари кенгайтирилади, экинлардан эса карамнинг экспортбоп «Руколла» нави ва «Айсберг» навли салат барги етиштирилади.

Шунингдек, Оқдарё туманидаги «Муштарий Оқдарё» фермер хўжалигида украиналик мутахассислар билан ҳамкорликда карамнинг тез пишувчи серҳосил ва жаҳон бозорида талаб юқори бўлган «Брокли» нави очиқ майдонда етиштирилмоқда.

**Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ.**

# КАЛИЙНИНГ КАРОМАТИ

**Мамлакатимиз кимё саноатидаги навқирон корхона Дехқонобод калийли ўғитлар заводи 2010 йилнинг июль ойида иш бошлаб, дастлабки йилдаёқ 50 минг тонна калий хлорид ўғити ишлаб чиқарган эди. 2016 йилга келиб эса, бу кўрсаткич 230 минг тоннадан ошиб кетди. Бу билан калий ўғитининг четдан олиб келинишига барҳам берилди.**

Қишлоқ хўжалик экинларидан, хусусан, пахтадан олинаётган ҳосилнинг ярмидан кўпи минерал ўғитлар ҳисобига тўғри келади. Бинобарин, бир тонна пахта етиштириш учун 50 кг. азот, 20 кг. фосфор, 50 кг. калий, шунингдек, 15 турдан ортиқ микроэлементлар сарфланади.

Ишлаб чиқарилаётган калий хлорид ўғитининг 6/630, 6/638 партияларида ўртача 95,1% КСl бўлиб, таркибида 60,08%  $K_2O$ , шунингдек, 3,7% NaCl, 0,48%  $H_2O$ , 0,3%  $CaSO_4$ , 0,28%  $MgCl_2$ , 0,14 W(намлик) мавжуд.

Калий хлорид кристалсимон, сочилиб кетадиган модда бўлиб ранги қизғимтир ёки оқ рангдан кўнғир рангга бўлади. Нам жойда сақланса, қотиб қолади. Сузда яхши эрийди. Таркибида силвинитга қараганда 4-5 марта хлор кам бўлганлиги учун уни ҳар қандай тупроқда барча турдаги экинларга ишлатиш мумкин.

Калий ўсимлик тўқималари таркибига кирмаса-да, аҳамияти жиҳатидан азот, фосфор билан бир қаторда туради. Ўсимлик ҳужайралари ширасида эрувчан тузлар ва қисман цитоплазма коллоидлари билан беқарор адсорбцион комплекслар ҳолида бўлади.

Самарали ўғит сифатида қишлоқ хўжалик экинларидан, хусусан, гўзадан мўл ва сифатли ҳосил олишда алоҳида ўрин тутади. Гўза ҳужайраларида модда алмашинувида фаол қатнашиб, пахтанинг сувни сақлаб туриш қобилиятини кучайтиради, қурғоқчиликка чидамлилигини оширади. Фотосинтез, оксидланиш жараёнларини тезлаштиради ва ўз навбатида гўзанинг ўсиш-ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Гўзада калий билан таъминланиш етарли бўлганда, шакар миқдорининг кўплиги ва ҳужайраларда осмотик босимнинг кўтарилиши туфайли, пахтанинг совуққа чидамлилиги ортади. Бундан ташқари, ка-

лий гўзанинг касалликларга чидамлилигини ошириш билан бир қаторда, пояларини бақувват қилади, ётиб қолишдан сақлайди, толаннинг сифат кўрсаткичларини яхшилаб, чигитнинг ёғлилиги ва сифат даражасини кўтаради.

Гўзага калий етишмай, транспирация кучайганда, сўлиб қолади. Шунингдек, гўзада оқсил синтези секинлашади, натижада азот алмашинуви умуман бузилиши оқибатида азотли ўғитларнинг самарадорлиги кескин камайдими, ўсув даври чўзилиб, кўсақларнинг пишиши кечикади. Калий танқислиги гўзанинг ҳосил органларининг ривожланишини кескин сусайтирибгина қолмай, уларнинг тўкилиб кетишига сабаб бўлади. Пировардида пахта ҳосилдорлигининг камайиб кетишига олиб келади.

Гўзани озиклантиришда фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилмасдан фақат азотли ўғитлар ишлатилса, кўсақларнинг очилиши 15-20 кунга кечикиб, ҳосил сифати пасаяди, ўсимлик баргларида кўп миқдорда қанд ва крахмал тўпланиб, кўсаққа ўтмайди. Баргларида физиологик жараёнлар жуда секин ўтганлиги боис, вилт касаллиги кўпаяди ва ўсимлик заифлашади, гўзанинг баргларида кўнғир доғлар пайдо бўлади. Сўнгра барглари бужмайиб, қуриб, тўкилади, гўза шоҳлари ва илдизи кўпроқ зарар кўради.

Бизнинг тупроқларимиздаги асосий калий ҳар хил минераллар таркибида бўлгани учун гўза улардан фойдалана олмайди. Фақат минераллар емирилиши натижасида озод бўлган калий алмашинувчи шаклга ўтгандагина сузда эрувчи бирикмага айланади. Алмашинувчи калийнинг тупроқдаги миқдори шу элементнинг гўза учун етарли ёки етарли эмаслигини кўрсатади. Минералларнинг емирилиши ва калийнинг ажралиб, озод бўлиб чиқиш жараёни бўз тупроқларда жуда секин кечади. Тупроқларда алмаши-

нувчи калий миқдори тобора камайиб, уни ўғит сифатида ерга солишни талаб қилмоқда. Агрокимёвий таҳлилларга кўра, мамлакатимизнинг 60 фоиз майдонларида калийли ўғитларнинг талаб даражасида қўлланилишига эътиборни кучайтириш зарур.

Тупроғи таркибида табиий калий кам бўлган майдонларга гектарига соф ҳолда 100-120 кг. дан калий бериш тавсия қилинади. Бунда, албатта, тупроқдаги алмашинадиган калий захираларини ҳисобга олган ҳолда агрокимёвий картограммалар асосида берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Мутахассисларнинг тавсияларича, гектарига 120-150 килограммдан калийли ўғит солинса, гўза тупидаги юқориги кўсақларнинг вазни 1,6-1,9 граммга ортади.

Тажрибаларга кўра, калийли ўғитлар азот ва фосфорли ўғитлар билан биргаликда  $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг/га меъёрларда қўлланилганда пахта ҳосилдорлиги ортган. Бунда типик бўз тупроқдан пахта ҳосили уч йилда ўртача 45,7 ц/га, оч тусли бўз тупроқдан 39,1 ц/га ва ўтлоқи-аллювиал тупроқдан 33,5 ц/га ҳосил олинган.

Шўри сифатли ювилган экин майдонларида калийли ўғитлар гўзанинг ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлиги аниқланган.

Шудгор олдида калийли ўғитлар берилмаган майдонларга гўзани экиш олдида режалаштирилган ҳосил, агрокимёвий хариталар асосида ёки ўртача соф ҳолда гектарига 125 кг. ҳисобида, 50-60 фойзини чизел-борона ўтказилгач, қолган қисмини чуқур культивациялаб пахта 5-6 барг чиқарганда бериш мақсадга мувофиқдир.

Калийли ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигининг юқори бўлишида тупроқ унумдорлигининг аҳамияти катта. Бугунги деҳқончиликда салмоқли натижаларга эришиш учун асосий эътиборни тупроқдаги гумус миқдорини йилдан-йилга ошириш орқали тупроқнинг табиий мувозанатини тиклашга қаратмоқ талаб этилади. Бир нарсани унутмаслигимиз керакки, калийли ўғитлардан етарлича фойдаланмасдан туриб, бошқа экинлар қатори гўзадан ҳам салмоқли ва сифатли ҳосил олиш мумкин эмас.

**Файзулло МИРЗАЕВ.**





**Эл-юрт тўкинлигини яратаётган заҳматкаш деҳқон-фермерлар,  
ризқу-рўз, тўкинлик остонаси саналмиш томорқачи  
хонадон соҳиблари, соҳибқору сабзавоткорлар!**

Дунё иқлими ўзгаришлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда унга ишлов бериш саноатида замонавий технологиялардан фойдаланиш озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган янги стратегик йўналишларни талаб этмоқда.

Бундай вазиятда Сизга ишониб топширилган ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланишингиз талаб этилади. Белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли қилиб ўтказиш қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишга замин яратади.

Салмоқли ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири маъданли ўғитлардан оқилона фойдаланишдир. Марказий Осиёда ягона саналмиш Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи сифатли ўғитлари билан Сизни қўллаб-қувватлашга тайёр. Ўғитларимиздан фойдаланишга, биз билан ҳамкорлик қилишга шошинг.

**Калийли ўғитларсиз мақсадингизга эришолмаслигингизни унутманг!**

**ДЕҲҚОНОБОД КАЛИЙЛИ ЎҒИТЛАР ЗАВОДИ УНИТАР КОРХОНАСИ**

Телефонлар: (+99875) 612 50 49, 612 50 32, 612 50 05.

Веб-сайт: [marketing.uz-potash.uz](http://marketing.uz-potash.uz), [sales.dzku@gmail.com](mailto:sales.dzku@gmail.com)



*Маҳсулот сертификатланган*

# АҲИЛЛИК ЮТУҚЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Арнасой сув омборидан фойдаланиш бошқармаси (СОФБ) жамоаси Жиззах вилоятининг Мирзачўл, Дўстлик ва Арнасой туманлари ҳудудидаги 56 минг гектар экинзорни обиҳаёт билан таъминлаб келмоқда.



Бошқарма томонидан вегетация даврлари оралиғида янги мавсумга кенг қамровли тай-ёргарлик ишлари амалга оширилди. 3 та тўғон, сув омборидан насос станцияларига сув етказиб берувчи 12 километр узунликдаги канал, 54 та сув тўсиш иншоотларида тўла таъмирлаш, тиклаш ва тозалаш ишлари якунига етказилди. Асосий ҳисобланган 1-тўғондаги сув чиқариш иншоотининг иши тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилиши таъминланди.

— Маълумки, сув омборимиз қумлоқ ҳудудда жойлашган, — дейди бошқарма бош муҳандиси Абдувоҳид Шодиев. — Бу эса, бизни мунтазам равишда ҳушёр туришга, тўғонлар, сув омбори атрофидаги ўнлаб дамбалар, бошқа сув иншоотлари, уларнинг мустаҳкамлигига кўзқулоқ бўлишга ундайдиган ҳолат. Шунинг учун ҳам қиш кунлари катта ҳажмдаги ишларни бажаришимизга тўғри келди. Моддий техника базамиз мустаҳкамлиги, экскаватор, бульдозер, юк ташиш машиналари ва бошқа техника воситаларимизнинг ишга шайлиги, ва албатта, жамоамизда кўп йиллардан буён ишлаб келаётган Султон Нишонов, Зоир Гаплаев, Адҳам Нарзиев сингари мутахассисларнинг тажрибакорлиги бу борадаги мушкулларимизни осон қилди. Бажарилган ишлар натижасида, сув омборига рекорд миқдорда — 1 миллиард куб. метрдан ортиқ сув жамғаришга муваффақ бўлдик. Бу эса, суғориш мавсумининг кўнгилдагидек ўтишига, дала меҳнатқашларининг экин қони ҳисобланган сувга бўлган эҳтиёжининг тўла қондирилишига кафолат бўлади.

Бугунги кунда бошқармада 70 киши меҳнат қилади. Жамоа аъзоларининг самарали фаолият юритиши, ишдан бўш вақтининг мазмунли ўтишини таъминлаш — бошқарма раҳбариятининг ўз олдига қўйган асосий мақсади ҳисобланади. Сўзимизни фактлар билан исботлаймиз: бундан уч йил аввал банкдан олинган 225 миллион сўмлик кредит эвазига сув омбори ҳудудида қадок усулида балиқчилик йўлга қўйилди. Ортада қолган муддат ичида етиштирилган 50 тонна атрофидаги балиқ билан би-

ринчи навбатда жамоа аъзолари таъминланиб, қолгани бозорга чиқарилди. Бошқарма ёрдамчи хўжалигининг 4 гектар майдонида барпо қилинган ўрикзор аллақачон ҳосилга кириб улгурган. Ана шу боғнинг сархил мевалари, шу ҳудуддаги мўъжаз иссиқхонада етиштирилаётган тансиқ ноз-неъматлар ҳам даставвал жамоа аъзолари, уларнинг хонадонлари дастурхонига тортиқ қилинапти.

— Президентимиз томонидан 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилиниши биздан бутун жамоа, шу билан бирга, ҳар бир ишчи-ҳодимга бўлган эътиборни кучайтириш, уларнинг қувонч ва ташвишларидан хабардор бўлиб туришни тақозо қилади, — дейди биз билан суҳбатда бошқарма бошлиғи Марди Худойбердиев. — Одамларимизнинг кўпчилиги вахта усулида, яъни ҳафта, ўн кунлаб овлоқ жойларда меҳнат қилишади. Улар билан доимий алоқада тура-миз, иш жараёнида ёки шахсий масалада юзага келган масалаларни зудлик билан ҳал қил-миз. Иш ҳақи, озиқ-овқат, махсус кийим-бош билан мунтазам равишда таъминлаш бораси-да гап-сўз бўлиши мумкин эмас.

Арнасой сув омборидан фойдаланиш бошқармаси жамоаси ҳар йили бир-икки марта, айниқса, умумхалқ байрамлари нишонланаётган кунларда уюшган ҳолда диққатга сазовор масканларга қадам ранжида қилиб туришади. Кейинги икки-уч йилнинг ўзида Самарқанднинг муқаддас масканлари, Ат-Термизий қадамжоси, қўшни Қозоғистондаги Яссавий мақбараси зиёрат қилинди. Бу йилги Наврўз кунлари эса Фарғона водийсига саёҳат ташкиллаштирилди. Бошқармадаги бу яхши анъана жамоа аъзоларининг аҳиллигини мустаҳкамлаб, уларни янги меҳнат ютуқларига чорлаб турибди.

**Х. КАРИМОВ,**  
ўз мухбиримиз.

*Суратда: Арнасой сув омборидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Марди Худойбердиев (суратда) канални тозалаш ишларини кўздан кечирмоқда.*



## ИЛК ҚАЛДИРҒОЧНИНГ ПАРВОЗИ

**Мустақиллик деҳқонга ерга эгалик қилишдек буюк имкониятни берди. Фермер хўжалиklarининг мамлакатимиз ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришидаги ҳажми ортиб, қишлоқ хўжалигининг бош бўғинига айланди. Ўтган давр ҳақиқий деҳқонни саралаб, уни эл ардоғидаги фермер дея эътироф этди. Йиллар давомида юртимиз аграр тизимида пешқадамлар сафида бўлиб келган бўқалиklar орасида уста деҳқон, миришкорлар салмоғи орти.**

Халқ орасида моҳир боғбон, тажрибали деҳқон деб ҳурмат топган раҳматлик Абдусалим бобо ва Қўйсиной момо биргаликда ҳаёт гаштини суриб, 14 фарзанд — 8 ўғил, 6 қизни соҳибкорлик ва зи роат нони билан вояга етказишди. Ота касб — олтин касб деган ақидага амал қилган фарзандлар деҳқончиликка меҳр бериб улгайишди. Истиқлолнинг буюк шуъласи уларга деҳқончилик билан шуғулланиш ҳуқуқини берди. Ҳозирда бир оиланинг ўзидан — Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетини тугатган 4 ака-ука, олим-агрономлар Абулқосим, Абутолиб ва Эркинжон раҳбарлик қилаётган "Кўкороллик Бехрузбек", "Абдусалом ўғли Абдутолиб", "Улкан Абдураим" ва тажрибали деҳқон Абдуқаҳҳор Гаффоров етакчилигидаги "Учқун" фермер хўжалиklари қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириб, эл-юрт тўқинлигига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Мустақиллигимиз шарофати билан Абдуқаҳҳор Гаффоров 1992 йили "Учқун" фермер хўжалигига асос солди. Илк қалдирғочнинг парвози қутлуғ келди. Экинлардан юқори ҳосил олишга эришиб, 1994 йили Биринчи Президентимизнинг "Фахрий ёрлиғи", 2000 йилда "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланди. Бу эътироф уни янада самарали меҳнат қилишга ундади, шу боисдан ҳам доимо пешқадамлар сафида бўлиб келмоқда.

Биргина ўтган деҳқончилик йилида 55 гектар майдондаги "Краснодар-99" навли ғалла ҳосилдорлиги 65 центнерни ташкил этди. Пахтачиликда ҳам қувончли натижаларни қўлга киритиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келмоқда. Давр талаби бўлган кўптармоқчиликка

ўтиш бўйича дастлабки қадамлар қўйилгани ҳолда, соҳаларни ривожлантириб, барқарор иқтисодни яратиш йўлида ишончли тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, жорий йилда насли 35 бош



қорамоллар сонини 50 тага етказиш, "ҳисор" зотли қўйлар сонини 60 тадан ошириш, паррандаларни турлари бўйича бараварига кўпайтириш, хўжалик ҳисобидаги 2 гектар боғни янгилаш, 2 гектар майдонда балиқ ҳавзаси ташкил этиш бўйича тадбирларни амалга оширмоқда.

Абдуқаҳҳор акани бўқалиklar саховатли, бағрикенг, дилкаш инсон сифатида билишади.

— Мен билганлар орасида одамхунликда Абдуқаҳҳордан ўтадигани топилмаса керак. Техника сўрабми ёки бошқа илтимос билан борган кишини олдин эшитилади. Агар унинг иши жуда ҳам зарур бўлса, ўз ишини ҳам қолдириб, эҳтиётсизликнинг илтимосини бажаришга ҳаракат қилади. Бир сўз билан айтганда, эл дардини ўзиники деб билади. Биз кексаларни ҳам вақти-вақти билан йўқлаб туришни канда қилмайди, — дейди меҳнат фахрийси Раҳмон ота Саидов.

— Қишлоқ хўжалигини, хусусан, деҳқончиликни ривожлантиришни

техникасиз тасаввур этиб бўлмайди. Замонавий фермер хўжалигида барча турдаги техника воситалари бўлиши шарт. Бу даладаги агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказилишини таъминлайди, — дейди Абдуқаҳҳор ака.

— Техникадан, асосийси қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланганда тадбирларни уйғунлаштирилган ҳолда ўтказиш, тупроқ зичлашиб кетишининг олдини олиш билан бир қаторда ёқилғимойлаш материалларини тежашга имкон яратади. Масалан, ғўза қатор ораларига ишлов бериш билан пахта тани зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларга қарши курашини мавсумда 4-5 марта ўтказиладиган суспензиялаш ишларини бирга олиб бориш мумкин.

Хўжаликда ерга уруғ ташлашдан ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар тадбирларнинг барчасини биргаликда олиб бориш бўйича тажриба шакланган. Экинлар қатор орасини ишлашда 40-42 тагача ишчи органлардан мақсадли фойдаланилади.

Ҳар бир фермернинг ер текислашдан тортиб, ҳосилни йиққунга қадар мукамал, сифатли техника базаси бўлиши шарт. Айрим ҳолатларда биргина мола ёки чизел ахтариб, экиш муддатларининг кечиктириб юборилиши қанчадан-қанча қутилмаган тадбирларни келтириб чиқаради. Пировардида мўл ҳосил етиштиришга путур етади.

Абдуқаҳҳор аканинг ташаббуси билан қурилган дала шийпонни айланиб, ўрганиб гувоҳи бўлдики, касбига бўлган меҳр, тажриба, иқтидор туфайли яратилган мосламалар, бошқа жойларда учратиш қийин бўлган ишчи органлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш ускуналари ва кўплаб турдаги эҳтиёт қисмлар асраб-авайлаб сақланмоқда.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг узвийлигини таъминлаш ҳар бир агросаноат тизими вакилига янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Яратилаётган имкониятлар илк қалдирғочни янада баландроқ парвозга ундайди.

**Ф. МИРЗО.**

Биз ота-боболари макон тутган бу заминнинг бугунги одамлари олиб бораётган хайрли ишлар билан қизиқдик. Тумандаги "Адамбай Саловат" фермер хўжалиги боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган бўлиб, 2006 йилда 2 гектар ерда иш бошлаган эди.

— Ўлкамизнинг табиати гўзал. Қиш, баҳор, ёз, куз... Ҳар бирининг ўз таровати, ўз мўъжизаси бор. Уйқудан уйғонган далаларда баҳор нафаси кезиб юрибди. Кўклам элчилари — қалдирғочларнинг чуғур-чуғури боғга ўзига хослик, сўлимлик бағишлайди...

Бу сўзларни чин дилдан, ифтихор билан сўзлаётган Адамбай ота атрофга кўз ташлайди.

У хўжаликни ташкил қилган дастлабки йилларда анча қийинчиликларга дуч келди. Техника етишмасди, соҳада яна бошқа кўплаб кўзга кўринмас муаммолар ҳам бор эдики, у кунлар энди ортда қолди. Туман раҳбарияти, мутассадди ташкилотлар аста-секин фермер хўжаликлар ривожини йўлида бор имкониятларини ишга солиб, ёрдамни аямда. Аста-секин "Адамбай Саловат" фермер хўжалиги ҳам туман ва республика миқёсида ўрни ва нуфузига эга бўлди.

1955 йилда деҳқон оиласида туғилган Адамбай Атабаев мактабни битиргандан сўнг Тошкент Қишлоқ хўжалиги

сиғимга эга янги музлатгич қуриб ишга туширилди. Бу ишлар йўлга қўйилгач қўшимча 12 та иш ўрни яратилди.

Боғдорчиликда ўз билими, тажрибаларига таяниб иш олиб бораётган Эргаш Қулимбетов, Матлуба Эгамбердиева, Янгилжон Раҳимбоевалар мевали дарахтлар қатор ораларига ўз вақтида ишлов бериш, майдонни бегона ўтлардан тозалаш, суғориш, кўчатларни зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоялаш каби ишларда ўрнатилган бўлишмоқда.

Сифат бор жойда самарадорлик бўлади. Самарадорлик эса тўқ ва фаровон ҳаёт асосидир. Бунга яхши биладиган хўжалик аъзолари ўз вазифаларини сидқидилдан бажардилар. Омборхонада юк қабул қилиш, саралаш, кузатиш ишларида Алишер Атабаев, Нурхон Адамвалар бош-қош. Улар озодалик ва тартибни хуш кўрадилар.

Тракторчилар Ислон Адамбаев, Низоматдин Авазмовлар ўзларига бириктирилган агрегатларни авайлаб, вақтида таъмирлаб, доимо ишга шай ҳолатда сақлайдилар.

— Боғ яратган элга ризқ беради. Халқ меваларни севиб тановул қилиб, экканга, тикканга раҳмат деса, торган заҳматларинг унутилади, номаи-аъмолингга савоблар ёғилади, — дейди Адамбой ота ўғилларига. Бу сўзлар бободоҳқоннинг тилидан шунчаки чиққани йўқ, бунинг

## ЭЛЛИКҚАЛЪАНИНГ БУГУНГИ ОДАМЛАРИ

*Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманига кириб борар эканмиз, бу ерда урф-одатларнинг ўзига хослиги, аҳолининг меҳмондўстлиги, шу билан бирга, кўҳна Гулдурсин, Тупроққалъа, Қирққизқалъа, Қаватқалъа, Аёзқалъа каби буюк қалъалардан қолган тепаликлар, хонақолар худди ўтмишдан ҳикоя қилаётгандек эътиборимизни тортди.*



институтида ўқиб, боғдорчилик, узумчилик йўналиши бўйича мутахассис бўлди, илк фаолиятини жамоа хўжалигида ҳосилотлик вазифасидан бошлади. Кейинчалик ушбу хўжаликда орттирган билим ва тажрибалари асосида иш олиб бораркан, фарзандларини ҳам шу соҳанинг фидойилари қилиб тарбиялади.

2012 йилда Агробанк билан ҳамкорлик йўлга қўйилгач, хўжаликда 200 тонна сиғимга эга музлатгич ишга туширилди. Етиштирилган узум, олма, нок маҳсулотларини сифатли сақлаш имкони туғилди.

2015 йилда фермер хўжалиги таъсисчилигида "Бўстон Агро-саноат савдо" МЧЖ тузилди. Унинг фаолият мезони асосан маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатишдан иборат бўлди. МЧЖга Адамбой отанинг уч ўғилу бир қизининг катгаси, изланувчан, тadbиркор ва оғир-босиқ Саловат Атабаев раҳбар этиб тайинланди.

Иш жараёнида отасидан ўрганган билим ва қўникмалар Саловатга қўл келди. Кейинроқ фермер хўжалиги ишлари ҳам унга юкланди.

Юртимиздаги оламшумул ишлардан, давр ўзгаришларидан қалби қувончга тўлган Адамбай ота бугун нафақада бўлса-да боғ айланишдан зерикмайди. Хўжалик ва фирма ишларида фарзандларига маслаҳатчи, ҳамкор. 2016 йилда агрофирма билан фермер хўжалиги бирлашиб Асака банкдан катта суммада кредит олиб, мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш цехи қуриб ишга туширилди. Хўжаликни ривожлантириш учун боғдорчиликка мос техника ва агрегатлар, кўчат экиш, минерал озика бериш мосламалари сотиб олинди. Шу қаторда яна 300 тонна

учун у йиллардан сабоқ олди, экди, етиштирди, ўрди, йиғди ва халқ дастурхонига етказиб берди. Шу қаторда фарзандларини тўғри сўзга, қатъиятчиликка, замонга ҳамқадам бўлишга ўргатди. Шунинг учун ҳам Саловат катта хўжаликка бош бўлди. Музаффар Адамбаев экология мутахассиси, Алишер Адамбаев хўжалик иш юритувчиси, Гулмира Атабаева эса бахтли хонадоннинг бекаси. Икки келинни янги замонавий уйларга эга қилган Гулчеҳра она 15 нафар невара қуршовида.

— Ойма-ой кредит суммаларини ёпиб борапмиз, ишимиз энди юришяпти, 2017 йилдан умидимиз катта, — дейди Саловат Атабаев. — Ўзбекистонимизда яратилаётган етарли шарт-шароитлар туфайли меҳнатимиз натижаси кўринмоқда. Сифатли маҳсулотлар етиштириб, экспортга чиқаришни ният қилганмиз, узум экишни йўлга қўйиб, тоқзорларни яна кенгайттирдик. Келгусида янги тармоқлар — паррандачилик, эчкичилик, балиқчилик йўналишларида ҳам иш олиб бормоқчимиз.

Шижоат бор экан, ижобат муқаррар. Саодатли онлар, фаровонлик, тўқинлик, эзгулик йўлида элликқалъаликлар дадил қадамлар билан олга интилмоқда. Зеро, қалъалари мағрурлик билан мозий бағридан боқаётган, аждоқлардан қуриш ва яратувчанликка бўлган эътиқодни меҳрос қилиб олган замондошларимиз, саховатпеша халқ янги қалъалар, янги имкониятлар яратмоғига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

*Ўз мухбиримиз.*

*Суратда: Саловат Атабаев боғларни кўздан кечирмоқда.*



## ЁШЛИК - ИЗЛАНИШ ВА ИМКОНИЯТ

**Юрт келажаги, Ватан равнақи йўлида кеча-ю кундуз меҳнат қилаётган ёшларимизни бугун ҳаётнинг ҳар жабҳасида учратиш мумкин. Урганчлик ёшлар билан учрашганимизда, дилдан суҳбатлашганимизда, тўғриси, "Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади", деган мақол бежиз тўқилмаганига амин бўлдик.**

Урганч шаҳридаги зиёли оилалардан бирида таваллуд топган Русланбек отаси, ирригация соҳасида таниқли инсон Маждёр Қаландаровдан ибрат олиб ўсди. Эл-юрт хизмати-га вобаста бўлишни дилига тугиб улғайди. Мактаб таҳсилдан сўнг 2004 йилда Тошкент Ахборот технологиялари университети битирди. Орадан кўп ўтмай Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг "Атроф-муҳит муҳофазаси" факультети талабаси бўлди. Бу билан ҳам унинг ўқишга бўлган интилиши тўхтамади. Институтни тугаллаш арафасида Голландиянинг Вагенинген университети талабасига айланди ва экология мутахассислигини эгаллади. Бу илм ва салоҳият уни изланишга, ўрганишга йўналтирди.

2014 йилда у кўздан йироқ қолган, шаҳар ичидаги ташландиқ жойни ўзлаштиришни ният қилди ва ўзининг бизнес-режаси билан вилоят ҳокимлигига мурожаат қилди. 2016 йилда Асака Банк билан ҳамкорликда катта қурилиш ишларини бошлаб юборди. Белгиланган режа асосида офис биноси, ишлаб чиқариш зонаси, омборхона, ишчилар дам олиш хоналари қуриб битказилди. Шундай қилиб, уддабурон йигит раҳбарлигида "SPLAST URGANCH" МЧЖ ташкил этилди. Цехга шижоатли ёшлардан 11 нафари ишга қабул қилинди.

Бу ерда асосан кунжут маҳсулоти қайта ишланиб, қадокланиб экспортга тайёрланмоқда. Хом ашё ҳозирча қорақалпоғистонлик деҳқонлардан ва кунжут етиштирувчи аҳолидан сотиб олинапти. Туркия технологияси асосида ишлаётган цехда имкониятлар етарли, кенг ва шинам, асосийси озодаликка эътибор кучли. Цехга кириб борарканмиз, ишчилар билан суҳбатлашиб турган турк йигити бизга пешвоз чиқди ва:

— Кардашлар, қўла галсин! — деди ўз тилида. Бу йигитнинг исми шарифи Қадир Ак экан. У бизнинг йигитлар билан жуда иноқлашиб кетгани, урф-одатларимиз ёқиб қолгани, ёшларимиз ишчанлиги ва меҳмондўстлигидан хурсанд эканлигини яширмади.

— Иш бошлаганимизга кўп бўлгани йўқ. Ҳозирча кунига 2 тонна маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз, — дейди корхона раҳбари Руслан Қаландаров.

Унинг сал кулгу инган чеҳрасидан бугунги ишларидан мамнунлиги ва келажак режаларининг юки ўйлантираётганлигини уқиш қийин эмасди. Ахир бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулот Россия, Туркия, Хитой мамлакатларига экспорт қилиниши режалаштирилган. Корхонада бошланган хайрли ишларни кўриб вилоят ҳокимлиги 94 гектар экин майдони ажратиб беришга қарор қилибди. Демак, кунжут ҳам корхонанинг ҳисобидан етиштирилади, тармоқ кенгайиб яна янги иш ўринлари очилади.

— Бугуннинг ёшлари саодатли, изласа, изланса имкон топади, уларни Президентимиз, Ватанимиз, халқимиз қўллаяпти, дейдилар бизга ҳавас қилиб отам, — гапида давом этди Руслан. — Менга ва мен каби ёшларга катта ишларни ишонганларга раҳмат. Тинч ва фаровон юртда яшаб, саноатни ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўша олсак, биз ёшлар жуда-жуда бахтлимиз.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот — кунжут пастаси ва ҳолвасининг фойдаси хусусида суриштирдик. Русланнинг айтишича,

кунжут соғлиққа фойдали маҳсулот бўлиб, Ўзбекистон ушбу ўсимликнинг иккинчи ватани ҳисобланаркан. Кунжут ошқозон, ичак, буйрак, жигар, қон-томир касалликлари учун фойдали. Унинг таркибида селен, фосфор, цинк, кальций, магний, мис, темир ва бошқа инсон организмидан учун зарур бўлган фаол моддалар мавжуд. Масалан, кальций миқдори сутдагидан олти баробар кўп. Яна камқонликка даво ҳисобланувчи В,Е витаминларига бойлигига нима дейсиз?

Асл юрт фарзандининг тилидаги дилида, дилидаги эса фаолиятида самара беради. Корхонада ишлаб чиқарилаётган фойдали тахин пастаси, хандон пистали, какаоли, асалли ҳолвалар халқ эҳтиёжи учун жуда зарур. Табиатда етиштирилаётган неъматларнинг қайта ишланиши баробарида, инсон эҳтиёжи учун зарур фаол моддаларга бой маҳсулот етиштириш халқ дилини равшан қилади, дидини ўстиради. Тиббий ва табиий неъматлар биз учун айна муддао. Буни билган ёшларимизга тасанно.

Ҳа, ёшларимиз учун ҳаёт ҳали олдинда, ўз имкониятлари билан юзланиб турибди. Изланиш, ҳамкорлик уларни улуғ ишларга етаклайди.

**Кўш саҳифани ўз мухбиримиз Ш.ЖАББАРОВА тайёрлади.**

**Суратда:** ўнгдан чапга туркиялик Қадир Ак ва Руслан Қаландаров жамоа ходимлари билан.

**Жонимдан ҳам азиз маъвосан, юртим, Безанган шу макон - гулбоғларингдан. То тирикман мудом кўксимда қўлим, Айрилмам, нурга кон кучоқларингдан!**



## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

*Хонқа туманидаги "Қорақош" қишлоғи темирчиси Қурамбой бобо вақти-соати келиб фарзандлари элга бош бўлишини балки ўйлаб ҳам кўрмагандир. Дунё бир айланди гўё, боболаримиз тушига кирмаган ўзгаришлар рўй берди. Бугун унинг невараси Фарҳод Қурамбаев "Қурамбой темирчи" фермер хўжалиги раҳбари.*



Туман марказидан 7 километр йўл юриб, Янгиариқ туманидаги канал устига қурилган кўприқдан ўтсангиз, кўзингиз сўлим масканга тушади. Атрофи мевали ва манзарали дарахтлар — мажнунтоллар, арчалар, оқ толлар, гужумлар билан ўралган бу гўша 100 ўринлик дала шийпони. Шийпон ёнида ҳовуз ҳам бор. Бу дилтортар жойни кўргач, бир муддат у ерда дам олгингиз келади.

Инсонга берилган энг катта мукофот бу — унинг изланувчанлиги, ҳар ишда уддабурронлигидадир. Кўришиб турибдики, биз тилга олган маконда ишлаб, меҳнатнинг қадрига етадиган, ер билан тиллаша оладиган одамлар яшайди. Шийпоннинг ўнг томонида 0,5 гектарлик майдонда иссиқхона қурилган бўлиб, кўкатлар, бодринг, помидор, шу билан бирга, лимон етиштириш йўлга қўйилган.

Қурамбой темирчининг ўғли Жуманазар ота туман профилактик дизенфекция бўлимида ўттиз йилдан ортиқ бош врач бўлиб ишлади. Тиниб-гинчимас, ҳар бир сўзини чертиб, таъкидлаб, темирчидек ўйиб гапирадиган Жуманазар отанинг фикру ўйи фермер хўжалиги ташкил этиш эди. 2006 йили орзуси ушалди, фермер хўжалиги тузиб, 10 гектар ерда пахта ва галла етиштира бошлади. 2008 йили ота нафақага чиққач, фермерликни Фарҳодга топширди. Фарҳод Урганч давлат университетининг ҳисобчилик факультетини тугатган. Меҳнат фаолиятини Урганч насос станцияси участка бошқармасида экспедиторликдан бошлаган йигит отасининг ишончини оқлаб, хўжаликни ривожлантириш учун қатъий киришди.

Ҳаёт оқимида қайнаб, отасидан бой тажриба ва кўникмаларни эгал-

лаб олган Қурамбай темирчининг невараси Фарҳод меҳнатқашлигию тадбиркорлиги билан тезда кўпчиликнинг тилига тушди. Дастлаб 4 нафар аъзо билан иш бошлаган хўжалик аъзолари сони бугунги кунда 22 нафарга етди. Уларнинг кўпчилиги коллежни яқиндагина битирган ёшлардан иборат.

Хўжалик кўп тармоқли: пахтачилик, галлачилик қатори пиллачилик, боғдорчилик ва чорвачилик, соҳаларида ҳам қизғин фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган 2016 йил хўжалик учун омадли келди. Галла етиштириш шартномавий режаси 110 фоизга удаланди, ҳосилдорлик қарийб 80 центнерни ташкил этди. Пахта ҳосили ҳам кутилганидан зиёд бўлди.

— Ҳар бир соҳанинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, аммо юртимизда ҳалқнинг яхши яшаши, ҳеч кимдан кам бўлмаслиги йўлида кўплаб имкониятлар яратиб берилмоқдаки, булар ишимиз унумли ва дастурхонимиз тўқинлигини таъминляпти. Бўлмаса, оддий темирчи устаннинг мендек боласи, неваралари нима иш қила оларди? Қанийди, бу кунларни ота-онам ҳам кўрганида... - дейди чуқур ўйга толган Жуманазар ота. Бунинг учун Президентимизга минг бора раҳмат.

Бу миннатдорчилик сўзлари унинг тилидан эмас, дилидан чиқаётган эдики, кўзларида бир томчи ёш билан меҳр порлади.

Фермер хўжалигининг 7 гектар майдондаги интенсив боғи ҳосилга кирган. Боғнинг 3 гектарини Сербиядан келтирилган ярим пакана кўчатлар эгаллаган бўлиб, мевалари бозорбоп, чиройли ва нафис, август ойида сотувга чиқарилади.

30 бош қорамолнинг 10 боши

Голландиядан олиб келинган зотдор сигирлар. Бу ерда, шунингдек, 50 бош қурка, 20 бош гоз, 70 бош ўрдак, 80 бош индиутка, 300 дан зиёд товуқ боқилмоқда.

Хўжаликда балиқчилик йил сайин ривожланмоқда ҳар йили 1,5 тонна балиқ эл дастурхонига етказиб берилмоқда.

— Техника — деҳқоннинг оғирини енгил қилувчи асосий восита, — дейди Фарҳод Қурамбаев. — Умумий йиллик даромадимиз 247 миллион сўмни, соф фойдамиз эса 70 миллион сўмни ташкил қилди. Техникани кўпайтирмоқчимиз, яқинда лизинг асосида LS-100 маркали бульдозер сотиб олдик.

Жуманазар отанинг фарзандлари — Баҳодир, Қадамбой, Фарҳодбек ва Низомжон ва уларнинг турмуш ўртоқлари ҳам хўжалик ишларида фаол иштирок этишади.

— Онам ҳар бир ишда ёрдамчимиз, — дейди Фарҳод Қурамбаев.

Ҳақиқатан ҳам, уйда ва ҳар жойда тартиб, озодаликни хуш кўрувчи Олияжон она хўжалик ишларида келинлар билан баҳамжиҳат, уларга қайнона эмас, онадай яқин. Ҳар йили 5 қути пилладан 300 кг.дан ипак тола етиштиришмоқда.

Хўжаликда олиб борилаётган ишлар хусусида гапирар эканмиз, эшитгандан кўра бир келиб кўрган афзал деган фикрга келдик. Жамоа ишларини кўриб, хурсанд бўлдик. Ҳамма гап аҳиллигу, изланиш, ўрганиш ва яхши ишларни ҳаётга татбиқ этишда эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

*Сурагда: Фермер Фарҳод Қурамбаев падари бузруквори Жуманазар ота билан лимон дарахтларини кўздан кечирмоқда.*

**Ш. СОДИҚОВА,**  
ўз мухбиримиз.



# ЎҚИБ, УҚИБ, ИЗЛАНИБ...

– Республика боғдорчилар мактабига бориб келгач, бу соҳада олиб бораётган ишларимдаги камчиликларимни тушуниб етдим, интенсив боғнинг афзалликларини пухта ўргандим, – дейди Хонқа туманидаги «Солай Якубов» фермер хўжалиги раҳбари Шоназар Якубов.



Ҳали киш ўз забтини қўймаган шу кунларда ҳам интенсив боғ атрофида кезиб, ўз ишлари ҳақида ўй суриб, янги режалар оғушида мамнун қадам ташлаётган фермер бу сўзларни бежиз айтмади, албатта. Хоразмнинг турли хил ширинданширин мевалари экилган мавжуд 3 гектар боғнинг 0,5 гектарига янги услубда экилган ўрик, беҳи, нок ниҳолларига бир текис ишлов берилганлигини кўриб, кўз қувонади. Мева

қатор ораларига пиёз ва саримсоқ экилган.

–Туманимиздаги илғор хўжаликлардан бири шу, – дейди ҳамроҳимиз, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимнинг 1-тоифали мутахассиси Баҳром Худойберганов. – Бу боғларга дарахтлар япроқ ёзиб турган кунларда, айниқса, мевалар фарқ пишган дамларда бир келинг. Тотли мевалар ва полиз экинлари пишиб етилган даврдаги боғ ифорида кўнглингиз яйрайди.

Шоназар Якубов 1963 йилда деҳқон оиласида туғилиб, болалиги ҳам қишлоқ далаларида ўтди. 1979–1981 йилларда механизаторлар тайёрлаш курсида ўқиди, фаолиятини механизаторликдан бошлади. 2000–2005 йилларда эса жамоа хўжалигида бригада бошлиғи вазифасида ишлади. Бу даврлар пахта ва ғалла экинлари парвариши бўйича тажриба ва кўникмаларга эга бўлди. 2006 йилга келиб, қишлоқ хўжалигидаги янгиликларга қизиқиб, ўрганиб бориши натижасида 12 гектар ерда фермер хўжалиги ташкил этиб, ғалла, пахта йўналишида иш бошлади.

– Бугунги кунда 45 гектар ерга экин экаяпмиз, ўтган йили 24 гектар пахта майдонидан режадаги 28 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил олдик, – дейди ўз ишлари ҳақида гапираркан фермер. – 18 гектар ерга экилган ғалламиз ҳам яхши ҳосил берди, 65–70 центнерлик хирмон уйилди. Юртимизда йўлга қўйилган ишбилармонлик муҳити, барча соҳаларда олиб борилаётган улкан ислохотлар, фермер ва тадбиркорга кўрсатилаётган эътибор, халқ манфаати учун қилинаётган ишлардан гоятда мамнунмиз. Шунинг учун ҳам ишимизда самара, ҳаётимизда фаровонлик ҳукмрон. Йилига ўртача 180 миллион сўм даромад қиламиз, шундан соф фойдамиз 70 миллион сўмни ташкил этади. Бу маблағни хўжаликни ривожлантириш учун сарфляпмиз.

Хўжалик раҳбари жорий йилда балиқчиликни ривожлантиришни, яна 100 тонна сигимдан иборат музлатгич қуришни мўлжаллаб турибди. Етиштирилган мева ва сабзавот, полиз экинларини сифатли ва озода сақлаш учун бу керакки тадбир, албатта.

Сувчилардан Даврон Ўринов, Ҳаёт Қурбоновлар ўз ишининг кузги ҳосилга барака беришини яхши биладилар. Аброр Якубов эса тракторни бошқаришда ва хўжалик ишларида доимо отасига ёрдамчи.

Инсон доимо ўқиб, уқиб, изланиб яшайди. Беқиёс гўзалликларга бурканган жаннатмонанд Ўзбекистонимиз ривожини учун меҳнат қилаётган инсонларнинг қадамлари қутлуғдир. Бугун баҳорни қаршилаб, ерга уруғ қадаётган Шоназар Якубов каби деҳқонларнинг орзулари ушалсин, ниятларига етсин.

Суратда: – Баҳор қутлуғ келса, кузда барака бўлади, – дейди фермер Шоназар Якубов.

## ЭРТАСИ БУГУНИДАН ПОРЛОҚ



Далалар узра баҳор нафаси кезмоқда. Хоразмликлар учун воҳанинг ўзига хос ўжар иқлими синашта бўлиб қолган. Қуруқ-совуқ шамол, чанг-тўзон баҳорнинг илк кунлариданоқ кўзни очирмайди. Қутилмаганда қуёш чарақлаб, ҳаво исиб кетади ёки ҳарорат пасаяди. Шу боис Хоразм воҳаси деҳқонлари экинни қачон экиш-у қачон ўришни ота-боболаридан ўрганган таомил бўйича олиб борадилар.

Гурланликлар ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Тумандаги "Марҳабо Дилнур" фермер хўжалиги раҳбари Атаназар Қозоқов йилнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланишнинг ҳадисини олган, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда бой тажрибага эга. У 15 йилдан буён фермер хўжалигига раҳбарлик қилиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хўжалик 2016 йилда ҳам ҳар йилдагидек пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирди. Бу ютуққа миришкор сувчилар Баҳодир Абдуллаев, Содиқ Ўрозметов, Бахтиёр Исмоиловлар, тракторчилар Абдирим Матвафоев, Ойбек Юсупов, Жамшид Камоловлар катта ҳисса қўшишди.

– 2016 йилда 22 гектар майдондаги ғалла ҳосилдорлиги 80 центнерни ташкил этди, — дейди фермер Атаназар Қозоқов. – Ўз олдимишга тармоқларни кенгайтириб, қишлоқ одамлари ҳаётини яхшилаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан саноатни ривожлантиришни асосий вазифа қилиб қўйганмиз. Ҳозирча ён-атрофни ободонлаштиришга, ерлар шўрини ювишга эътибор қаратаёпмиз.

Хўжалик деҳқончилик қатори чорвачилик ва боғдорчиликни ривожлантиришга эътибор қаратмоқда. Айни пайтда 25 бош қорамол, 300 бош парранда, 200 бош қўй-қўзи боқилмоқда. 1,5 гектар боғда узум, олма, беҳи, ўрик дарахтлари бор. Ўтган йили етиштирилган узум, беҳи, олма аҳолига етказиб берилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишни кўзлаган "Марҳабо Дилнур" фермер хўжалигининг меҳнатлари ниятга яраша бўлмоқда.

## «УМИДА»НИНГ УМИДЛИ САРДОРИ

**Гурланликлар 2016 йилда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида вилоятда пешқаддам бўлишди. Тумандаги «Умида» фермер хўжалиги бошлиғи Файрат Казаков ёш ва умидли фермерлардан. Хўжаликда ҳар бир юмуш ўз вақтида бажарилаётганлиги боис, ҳар йили ғалла ва пахтадан юқори ҳосил олиб келинмоқда. Ерлар шўрхок бўлса-да, ўз вақтидаги ишлов ва озиқлантириш туфайли ўтган йили 66 гектар ер майдонининг 24 гектарига экилган пахта ниҳоллари бир текисда униб, барча агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилди.**



Натижада кузда ҳеч бир қийинчиликсиз қўзланган мақсадга эришилди. Кузнинг илк кунларидаёқ туманинг 90 йиллик тўйига 40 центнерлик хирмон уйилиб, тўёна қилинди. Бошқача айтганда, жамоа аҳли дала ишларида ҳақиқий уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик намуналарини кўрсатишди.

Миришкор фермер Жумабой ота Казаков хўжаликни 14 йил бошқариб, нафақага чиққанидан кейин доимо ёнида изланиб, иш ўрганиб юрган 10 нафар фарзандининг кенжаси Файратга ишни топширди. Отасининг тажрибасини пухта эгаллаб олган йигит кам бўлмади. У 2012 йилда Урганч давлат университетиде сув хўжалиги ва мелиорацияси йўналиши бўйича ўқиб, етук мутахассис бўлди. Бугун у олийгоҳда олган билим ва миришкорлардан тўплаган бой тажрибани амалда қўллаб, қувончли натижаларга эришмоқда. Энг муҳими, хўжаликда меҳнат қилаётган 10 нафар ишчининг оиласи фаровон ҳаёт кечирмоқда, дастурхони тўкин.

— Орзуларимиз жуда катта, — дейди Файрат Казаков. — Гуллаган диёр Ўзбекистонимизда биз ёшларга яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, зиммамиздаги вазифаларни виждонан бажаришга, янгилик яратишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозир 80 бош қўй-қўзимиз, 100 бош паррандамиз, 18 бош қорамолимиз бор. Фаолиятимизни кенгайтириб, дўкон очишни режалаштириб турибмиз. Мақсадимиз — ривожланган кўп тармоқли фермер хўжалигига айланиш.

Фермер хўжалиги сувчилари Шокир Ражабов, Умид Ҳайитбоевлар оила аъзолари билан биргаликда мавсум ишларида фаол иштирок этишади.

Техникани деҳқонга қанот деб билган инсон кам бўлмайди. Фермер ўтган йилги олган даромадидан “Белорус 12-21” трактори, яқинда эса ҳайдов трактори

сотиб олди. Тракторчилар Наримон Шомуродов, Худойберган Бекбоев, Фуломжон Казаковлар техникадан унумли фойдаланишмоқда.

Оила бекаси Азизахон Казакова ҳам ғайрати ичига сиғмайдиган аёллардан. Оилада тўкинлик ва фаровонлик ҳукм сурса, фарзандини қувнаб бағрига босса, борадиган жойига ўзбегимнинг чиройли автоулови тайёр турса, шунинг ўзи бахт эмасми? Хонадон келинлари ҳам пахта, ғалла, пилла ва чорва ишларига имкон қадар ёрдам беришади.

Қишлоқдаги кам таъминланган оилалар ҳам фермердан мамнун. Чунки баракали хирмондан уларга ҳам улуш ажратилади-да. Лекин фермер бу ҳақда гапиришни хуш кўрмайди. Зеро, халқимизнинг ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, деган нақлини ёш фермер ўзига шиор қилиб олган.

Хўжаликка биринчи сафар борганимизда ўтган йилнинг сентябрь ойи охирлари эди. Ўшанда этак таққан одамларнинг шўх-шодон овозлари далани тутганди. Учинчи терим бўлса-да, далаларда ҳосил мўл эди. Бу гал эса ҳаво совуқ кунлари — февралнинг охирларида хўжаликка йўлимиз тушди. Жумабой ота билан ўғли Файратжонни яна даладан топдик.

— Баҳор келаяпти, бугунги ҳаракат, эртанги баракат, — дейди отахон. — Деҳқоннинг нияти ўзига йўлдош бўлсин. Йиллардан, эзгу инсонлардан сабоқ ва таълим олган бугунги ёшларимизнинг эса ниятлари улуг ва залворли.

Ҳа, отахон тўғри гапни айтди. Бугунги ёшлар зийрак, шижоатли, ғайратли. Буни “Умида” фермер хўжалиги бошлиғи Файрат Казаков мисолида ҳам кўриб, билиб турибмиз.

*Ўз мухбиримиз.*

*Сурамда: фермер Файрат Казаков.*



## НАСЛИ ЧОРВА САРИ

Бугунги кунда юқори унумдорликка эга бўлган қорамоллар бош сонини кўпайтириш борасидаги талайгина тадбирлар мамлакатимиз бўйлаб шитоб билан амалга оширилмоқда. Аҳоли ва фермер хўжаликларга тасарруфида бўлган қорамолларни сунъий урчитиш ва банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар асосида насли қорамолларни харид қилиш ишлари бу борада айна муддао бўлмоқда.



— Туманимизда 48288 бош қорамол, 19413 бош кўй-эчки ва 240 697 бош парранда фермер хўжаликлари аҳоли хонадонларида парвариш қилинади — дейди Андижон вилояти Балиқчи тумани зооветеринария бўлими бошлиғи Нозимжон Шарипов. Насли қорамоллар бош сонини кўпайтириш мақсадида 44 та чорва фермер хўжаликлари ташкил қилинган бўлиб, шундан 3 таси насли чорва мақомига эга. Жорий йилда яна бир хўжалик насли чорва мақомига эга бўлиш арафасида турибди.

— Қорамолларнинг наслини яхшилаш ва вакцинация ишларини ўз вақтида амалга ошириш учун 10 та ветпунктлар ташкил қилинган бўлиб, 40 нафар малакали ходимларимиз ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришмоқда — дейди бошлиқ ўринбосари Неъматжон Шарипов.

— Агар табиблар инсонларни даволаса ветеринарлар инсониятни даволашади — деб сўзини давом эттирди зооэпидемиолог Маъруфжон Мингбоев. Жорий йил давомида 9247 бош қорамолни сунъий уруғлантириш режалаштирилган. Йил давомида қорамолларнинг 18139 боши бруцеллез, 8564 боши туберкулез, 51 боши трихомоноз ва 818 боши гельминтоз, 4085 боши гиподерматоз касалликларига қарши эмланмоқда. Бунинг учун йиллик тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, режа асосида

фаолият олиб боряпмиз.

Қорамоллар бош сонининг кўпайиши республикамиз бозорларида гўшт ва сут маҳсулотларини тўкин бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Туманда фаолият юритаётган "Тўраҳон орзуси" насли чорва фермер хўжалигида олиб борилаётган ишлар кўплаб қорамол ишқибозларини ўзига жалб қилмоқда.

— Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар шу юрт фарзандиман, деган ҳеч бир инсонни бефарқ қолдириши мумкин эмас — дейди хўжалик раҳбари Жаҳонгир ака Тожиев. Мен туманимиздаги Қишлоқ хўжалик билим юртини тамомлаб, узоқ йиллар "Балиқчи парранда" хўжалигида меҳнат қилдим 2005 йил Биринчи президентимизнинг маърузаларидан таъсирланиб чорвачилик соҳасида ўзимни синаб кўришга қарор қилдим. Собиқ "Ўзбекистон" номли ширкат хўжалигига қарашли ташландиқ ҳолга келиб қолган чорвачилик фермаси ким ошди савдосида қатнашиб тендер асосида эгалик ҳуқуқини қўлга киритдим. Ўша йиллари 47 бош маҳаллий қорамол бўлиб, жониворлар ҳам ачинарли ҳолатда эди. 2 нафар доимий ишчи билан ферма биноларини таъмирлаш, 31 гектарда озуқа маҳсулотларини етиштириш, қорамоллар аҳолидан хабардор бўлиш ишларига сабр билан чидадик. Отамни Йўлдошали қассоб дейишарди, мени ҳар

бозор ўзлари билан бирга мол харид қилгани бозорга олиб борар эдилар. Қорамолларни парваришlash сирларини ўргатганликлари қўл келди, назаримда. Вакцинация ишларида туман зооветеринария бўлими ходими Илҳомжон Мадраҳимов ёрдамини аямади. Йиллар ўтиб, қилинган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини берди. Қорамолларимиз бош сони 117 тага етди. Шундан 41 боши насли Сементаль қорамоллари. Ишчиларимиз ҳам 11 нафарга етди. Хўжалигимизда қорамолларни сунъий уруғлантиришга алоҳида эътибор қаратганмиз.

Жамоада бўш ишчи ўрни яратиш юзасидан ҳам талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Орттирилган даромад ҳисобидан хўжалик ҳудудида 0,5 га иссиқхона қуриш ишлари якунланиб, 10 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланди. Май ойида чет давлатдан келтирилаётган 40 бош насли Гольштин зотли қорамолларнинг келиб қўшилиши ҳам 10 га яқин ёшларнинг чорвачилик билан машғул бўлишлари учун замин бўлади. Хўжалик ишчиларини қишнинг қорли-қировли кунларида иссиқ хоналарда, иссиқ овқат билан таъминланишини мунтазам йўлга қўйиш учун маҳаллий ўғитдан биогаз олиш ускуналари ўрнатиш устида амалий ишлар олиб борилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

Суратда: хўжалик раҳбари Жаҳонгир ака Тожиев.

## БИОЛОГИК КУРАШ – ИСТИҚБОЛЛИ ҲИМОЯ

**Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши кураш бўйича ишлаб чиқилган дастур асосида иш олиб борилаётгани туфайли самарали натижаларга эришилмоқда. Она табиатимиз мусоффолигини сақлаш, экологик тоза маҳсулот етиштиришда, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда биологик кураш усули кенг жорий этилаётир.**

Ўз касбининг фидойиси, Айша Маткаримова раҳбарлик қилаётган Хўжайли ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди бу борада ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Айша Маткаримова биологик лабораторияга меҳри боис, шу касбни танлади, эл-юрт олдида ҳурмат-эътибор топди. Меҳнат фаолияти давомида доимо пешқадамлар сафида бўлиб, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши тўлиқ истиқболли биологик кураш усулига ўтишдек эзгу ниятлари бугун ўз ижобатини топди.

— Ўсимликларни ҳимоя қилиш аввало раҳбардан, қолаверса, ҳар бир ходимдан ҳушёрлик ва фаолликни талаб этади. Ишга шу жиҳатдан ёндашиш касбимизнинг мазмун-моҳиятидир. Агар ишда андак бепарволик қилсак ёки сусткашликка йўл қўйсак, деҳқон ҳосилидан айрилиб қолиши мумкин, — дейди Айша опа. — Бирор йил йўқки, деҳқонларимиз табиатнинг турли инжиқликларига дуч келмаган бўлсин. Ноқулай об-ҳаво шароити, турли касаллик ва зараркунандалар каби салбий ҳолатларга қарши илмий-амалий жиҳатдан тезкор чоратадбирлар кўряпмиз. Олим ва мутахассисларнинг бизга ҳамкор бўлиб, берган маслаҳат ва тавсиялари, агротехника тадбирларининг омилкорлик билан, сифатли ўтказилишига, сув, ўғит ва ёнилғи маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилганлиги туфайли ютуқларга эришяпмиз.

Туманда трихограмма тунламнинг ҳар бир авлодига қарши мавсумда камида уч марта 1-1.2-1 гр/га тизимида: биринчи

марта тухум қўя бошлаганда, кейингилари эса ҳар 4-5 кундан сўнг, яъни эрталаб соат 7 дан 11 гача ва кеч соат 17 дан 20 гача, ҳар бир гектар ернинг камида 100 жойига тарқатилади.

— Биз, — дейди Айша Маткаримова, — энтомофагларни тарқатувчига мавсум давомида



тарқатиш майдонларини белгилаб берамиз. Бу тарқатувчига масъулият юклабгина қолмай, унинг фаолиятига баҳо бериш имкониятини ҳам беради. Кушандадан самарали фойдаланишнинг яна бир омили бу — уни тарқатиш муддатини тўғри белгилашдан иборат. Трихограмманинг самарадорлиги етарли бўлмай, қуртлар кўпайса, бракон кушандасининг етук зотлари далага чиқарилади. Сифатли кушанданинг жинслар нисбати одатда ўртача 1:1 бўлади. Шунинг назарда тутиб, урғочи зотни ҳисобга олиб, ҳар гектарга 500 тадан 3-4 мингтагача тарқатилиши лозим. Меъёрини белгилашда ҳар бир урғочи браконга далада 10-15 та қурт тўғри келиши зарур.

Эҳтиёжга қараб, агар далада ғўза тунламидан ташқари сўрувчи зараркунандалар пай-

до бўлганлиги кузатилганда, олтинкўз кушандасидан кичик ёш қуртлик даврида зараркунандаларга нисбатини 15-20 тага 1 қилиб тарқатиш йўлга қўйилади.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг самарадорлиги биологик лабораторияларда ишлаб чиқарилаётган кушандаларнинг сифати ва миқдорига боғлиқ. Шунинг учун кенг қўлланиладиган биомаҳсулотлар: трихограмма, бракон ва олтинкўзни кўпайтиришда, асосий хўжайин—тунламнинг тухум ва қуртида бир йилда икки марта кўпайтириб ўтказиш – пассаж қилинса, самарадорлик янада ортади.

— Биомаҳсулотларимизни нафақат пахта, ғаллада, балки мева-сабзавотчиликдаги зараркунандаларга ва ҳатто томорқаларда ҳам қўллаш истагини билдираётган деҳқонлар сафи кундан-кунга кенгаймоқда. Демакки, биоусул ўзининг истиқболли ва самарали эканлигини соҳибкорлар англаганлигидан хурсандман, — дейди марказ бошлиғи мамнуният билан.

Эришилган муваффақиятларга туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди қошидаги Тожибека Маткаримова бошлиқ “Қорақалпоғистон” ҳамда Санам Худойберганова етакчилигидаги “Найман” биологик лабораторияларининг, шунингдек, ҳимоячилардан Зулфия Раимова, Зулфия Абдуқодирова, Арухан Ўнғарова ҳамда агроном Гулнора Алимбергановаларнинг салмоқли улушлари бор.

Ўсимликларни ҳимоя қилишда Айша Маткаримова бошлиқ хўжайилик ҳимоячиларнинг фидокорона меҳнатлари эвазига қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлинмоқда. Айни кунларда ўсимликларни ҳимоя қилиш биомасканларида иш қизғин. Фидойилар жорий йилда ҳам бундан-да улкан маррани эгаллаш ишқи билан жонбозлик кўрсатишмоқда.

*Ўз мухбиримиз.*

*Суратда: А.Маткаримова.*



**Озиқ-овқат таъминоти масаласи давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида ниҳоятда муҳим эди. Чунки 1990 йилда аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган галланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар, қуруқ сутнинг 100 фоизи четдан келтирилган. Бугунги кунда мамлакатимиз ушбу озиқ-овқат маҳсулотлари билан ички имкониятлар ҳисобига ўзини тўлиқ таъминламоқда.**

Бу борада аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланишнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида ернинг ҳақиқий эгасини топиш, ердан ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, турли хўжалик юритиш шаклидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар учун кенг иқтисодий шарт-шароитлар яратиш каби мақсадларни кўзлаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида" ги қонуни қабул қилинган (1998 йил). Мазкур қонун аҳоли томорқа хўжаликларининг фаолиятини — улар қандай ўлчамга эга бўлиши, қанча маҳсулот етиштириши ёки маҳсулотларни қандай мақсадларда етиштиришидан (бозор ёки ички истеъмол учун) қатъи назар йирик фермер хўжаликлари билан тенг иқтисодий-ҳуқуқий асосга қўйиш учун имконият яратиб берди.

Айни пайтда деҳқон хўжаликлари ҳуқуқий шахс мақомини (ўз номига ва хўжаликнинг муҳрига эга бўлиш, банк муассасаларида ҳисоб рақамларини очиш каби ва бошқа аломатларга эга бўлиш) олган ҳолда ёки бундай мақомга эга бўлмасдан ҳам фаолият юритишлари мумкин. Бу масала деҳқон хўжаликларининг ўз ихтиёрлари билан ҳал этилади.

Томорқа майдонларидан самарали фойдаланиш орқали, биринчидан, ер майдонлари ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имкони яратилади, иккинчидан, маҳсулотлар ички истеъмолга йўналтирилган ҳолда ҳам оила бюджетига даромад келтиради, учинчидан, бозорга қўшимча маҳсулот чиқади.

Қолаверса, деҳқон хўжаликлари аъзолари — етиштирган чорвачилик маҳсулотларини ички истеъмолга ёки бозорга чиқаришидан қатъи назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киради ва "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия билан таъминлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Таъкидлаш лозимки бугунги кунда

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, нафақат қишлоқ ҳудудларида балки шаҳар ва шаҳарчалардаги ер майдони мавжуд оилаларда ҳам етиштирилаётган бўлиб, улар фаолияти талабнинг мавжудлиги, истеъмолчининг яқинлиги, йирик бозорларга чиқиш имконияти юқорилиги билан ажралиб туради. Улар асосан гўшт, сут, тухум, сабзавотлар (ёпиқ майдонда), мева етиштириш билан шуғулланишади.

Бугунги кунда республикаимизда жами томорқа ерлари 691700 гектар-

## ТОМОРҚА ЕРЛАРИ — ДАРОМАД КАЛИТИ



ни ташкил қилиб, шундан 514800 гектари ёки 74,4 фоизи суғориладиган ерлардир.

Ҳозир мамлакатимизда 4,5 млн. агрофида деҳқон хўжаликлари мавжуд бўлиб, томорқа ерлари республикадаги жами қишлоқ хўжалиги ерлари таркибида 2,7 фоизни, суғориладиган томорқа ерлари эса республиканинг жами суғориладиган ерлари таркибида 11,9 фоизни ташкил қилади. Ушбу рақамларни деҳқон хўжаликларининг республикада етиштирилидиган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги салмоғи 60 фоиздан ортиқ эканлиги билан таққосладиган бўлсак, томорқа ерларининг мамлакатимиз иқтисодиёти учун катта аҳамият касб этиши яққол намоён бўлади.

Бироқ, барча вилоятларда ҳам томорқа ерларидан самарали фойдаланилмоқда, деб бўлмайди. Таҳлиллар кўрсатишича, томорқа ерларидан самарали фойдаланиб, оила бюджетига

га салмоқли даромад киритадиган деҳқон хўжаликлари Андижон, Фарғона вилоятларида кўплаб топилади. Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида эса томорқа ерларидан фойдаланиш самарадорлиги нисбатан пастроқни ташкил қилади.

Айниқса чорвачилик тармоғи ривожланган ҳудудларда томорқа ерларига муносабат кўнгилдагидек эмас. Экин экилмасдан ташлаб қўйилган, номига чопиб, юмшатиб қўйилган, онда-сонда дарахтлар экилиб қаровсиз ётган, йил давомида эгасига бир сўм ҳам даромад келтирмайдиган томорқа ерларини ҳам учратиш мумкин. Бу кўпинча оиланинг асосий даромади бошқа соҳалардан келадиган томорқаларда кўпроқ учрайди.

Самарқанд вилояти Иштихон туманида жойлашган Шейхларкент қишлоғида яшовчи тadbirkor Жа-

ҳонгир Муродов 2 сотих ерга лимон экиб 3 млн. сўм харажат қилгани ҳолда 10 млн. сўм даромад олган бўлса, Фарғона вилояти Фарғона туманининг Водил қишлоғида яшовчи Низомовлар оиласи ҳам малиначиликни даромад манбаига айлантирган. Улар 8 сотих ерда малина етиштиришни йўлга қўйишган бўлиб, 6-7 миллион сўм даромад топмоқда. Сирдарё туманидаги "Малик" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Сарвиҳон опа ҳам ана шундай уддабурон оила бекаси. У фарзандлари билан бирга меҳнат қилиб, 4 сотихли томорқасида сабзавот, бир неча турдаги кўкатлар ва рўзғор учун зарур бошқа экинлар етиштириб, ортганини бозорда сотади. Шунинг орқасидан рўзғори бут, кўнгли тўқ.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, ишнинг кўзини билган оилаларда ҳар бир сотих томорқа майдонидан ўртача 5-7 млн. сўмдан даромад қилинмоқда. Агарда томорқадан фойдаланиш борасидаги тажрибаларга эътибор қаратадиган бўлсак, томорқа ерларидан самарали фойдаланиш масаласи ҳудудий анъана ёки ердан фойдаланиш, томорқа хўжалигини юритиш маданияти деб баҳоланади. Бундай анъаналар, деҳқончилик маданияти оммалаштирилиши лозим.

**Н.ХУШМАТОВ,**

ЎзҚХИИЧМ Бош илмий котиби, и.ф.д., профессор,

**У.САДУЛЛАЕВ,**

ҚХИИТИ таdqиқотчиси.

# ЛИМОНЧИЛАР МАҲАЛЛАСИ

**Кармана тумани мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тобора ривож топиб бораётган туманлардан саналади. Айниқса, туманда қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини фақатгина етиштириш эмас, балки қайта ишлашга ҳам катта эътибор қаратилаётгани аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш билан бирга, янги иш ўринларини яратишга муносиб ҳисса қўшмоқда.**

Президентимизнинг аҳоли хонадонларида иссиқхона куриб, лимон етиштириш, ёнғоқ, унаби (чилон жийда) экиш, чорва ва парранда боқиш орқали кам таъминланган оилалар сонини кескин камайтириш лозимлиги ҳақидаги тавсияларидан келиб чиққан ҳолда мақола тайёрлаш мақсадида туман ҳоқимига учрашдик. Туман ҳоқими Фахриддин Умаров йиғилишга шошиб кета туриб, бизда лимончилар маҳалласи бор, ана шу маҳаллада яшаётган аҳолининг иссиқхоналардан самарали фойдаланаётгани ҳақида қанча ёзсангиз кам дея “Шибизгон” маҳалласига йўналтирди.

Ҳақиқатдан ҳам, айни пайтда 5112 нафар аҳоли яшаётган мазкур маҳалладаги 100 дан зиёд хонадонда иссиқхона ташкил этилган бўлиб, уларнинг 36 тасида лимон етиштириш йўлга қўйилган.

Шу маҳаллада яшовчи Комил Очилов узок йиллардан бери “Навоиозот” ОАЖда ошпаз бўлиб ишлайди.

— Асли деҳқон оиласида ўсганлигим учун деҳқончиликка қизиқаман, — дейди Комил ака. — Шунинг учун 18 йил олдин томорқамда иссиқхона куриб, лимон етиштиришни йўлга қўйдим. Бу оилавий даромадимизни оширибгина қолмай, фарзандларимнинг ишдан бўш вақтда бекор юришининг олдини олади. 3-4 йил давомида мутахассислар маслаҳати ва ўзимизнинг амалий ишларимиз туфайли лимон етиштириш технологиясини яхши ўргандик. Лимонларимиз ҳосил бера бошлагач оиламизга барака кирди. Қўшимча даромад қилиб, оилавий лимон етиштиришга қизиқдик. 2011 йилда эса 8 туп лимондан кўрган даромадимиз ҳисобига яна 3 сотих ерда иссиқхона куриб, у ерга ҳам 26 туп лимон экдик. Ҳозир жами 5 сотих ерда 34 туп лимон етиштиряпмиз. Лимон етиштириш унчалик кўп миқдорда сув талаб қил-

майди. Ойига 2 марта суғорилса шунинг ўзи етарли. Ҳосилга киргандан кейин бир туп лимон дарахти 200-250 килограмм мева беради. Ўтган йилнинг ўзида 10 миллион сўмдан зиёд соф даромад қилганимиз бунинг тасдиғи. Лимон ҳосилга киргунча нима қиламиз дейдиганлар ҳам топилади. Лимон ҳосилга кириб соя солгунча пушталари орасига бемалол бошқа экинларни экиш мумкин.

Шу маҳаллада яшовчи Бўрон Нажмиддинов хонадонда ҳам 2 сотих ерда 21 туп лимон етиштирилмоқда.

— Қишлоқда яшаганингиздан кейин чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланмаган киши замондан орқада қолади, — дейди Бўрон ака. — Давлатимиз томонидан ажратилган томорқа ернинг умри зое кетади. Шунинг учун хонадонимизда лимон етиштиришдан таш-

қари, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келяпмиз. 2016 йилда 2300 килограмм лимон етиштириб, 15 миллион сўм даромад қилдик. Бундан ташқари, Эстониядан келтирилган 10 бош насли сугирдан кунига қишнинг совуқ кунлари 100 литр сут соғиб оляпмиз. 30 оила асаларидан йилига 600 килограммдан зиёд табиий тоза асал оламиз. Бунинг ҳаммаси

даромад-ку! Президентимизнинг аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишга катта эътибор қаратаётганининг боиси ҳам шунда эмасми?

— Хонадондаги томорқасида иссиқхона куриб, яхши даромад қилаётган оилалар сони кундан-кунга ортмоқда, — дейди “Шибизгон” МФЙ раиси Насим Бўронов. — Бу йил ҳам камида 40 та хонадонда лимон етиштиришни режалаштирганмиз. Бунинг учун ҳамма имкониятларимиз етарли. Бунда муҳтарам Президентимизнинг банклардан имтиёзли кредит олишни йўлга қўйишга катта эътибор қаратаётгани кўл келмоқда. Маҳалламиздаги 47 нафар хонадон эгалари чорва моллари боқиш учун “Микрокредитбанк” ва “Ҳамкорбанк”дан 352 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олгани фикримиз тасдиғидир. Шунингдек, маҳалла кўмагида 5 нафар кам таъминланган оиланинг ҳар бирига 4,5 миллион сўмдан кредит олиб берилди. Мақсад бундай оилаларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш ҳисобига кам таъминланган оилалар сонини кескин камайтиришдан иборатдир.

**Б.ТОШНАЗАРОВ,**  
ўз мухбиримиз.





## БОҒДОРЧИЛИК ИЛМИ

Сурхондарё вилояти ўзининг иқлим шароити қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш, йил давомида ердан самарали фойдаланиш, шунингдек, ноанъанавий экинлар экиш учун табиий мослиги билан ажралиб туради. Шунинг самараси ўлароқ ҳудуддаги кўпчилик хонадонларда бўлсангиз, томорқадан фойдаланишнинг эътиборга молик жиҳатларига гувоҳ бўласиз.



Ангор тумани ҳам миришкор деҳқону соҳибкорлари билан воҳада алоҳида нуфузга эга. Таллимарон ҚФЙ Хўжақия маҳалласида яшовчи Аброр Алламуратов хонадони беихтиёр дostonлардаги “Боғи эрам”ни эслатади. Рисоладагидек парваришланган дарахтлар уйғунлашиб, бетакрор манзара кашф этган.

Унинг ҳовлиси қишлоқнинг чеккасида жойлашганлиги боис, атрофдаги ариқ бўйларига ҳам дарахтлар экиб фойдаланиш имконияти мавжуд. 15 сотихли томорқада 63 туп олма, 35 туп ўрик, 18 туп бодом, 8 туп ёнғоқ, 5 туп шафтоли, 3 туп нок, 33 туп анор, 11 туп гилос, 8 туп беҳи, 10 туп жийда, 9 туп хурмо ва 60 туп токнинг сара навлари, шунингдек, ариқ бўйларига даста тайёрлаш учун экилган 1500 туп тол, 300 туп терак санъат асари даража-

сида чиройли қилиб қадалган бўлиб, боғдорчиликнинг илмий асосларига кўра парвариш қилинмоқда.

2 бош соғин сигир, 2 та боқувдаги хўкиз, 4 бош ғунажин, 20 бош товуқ, 6 бош қурка, 35 бош қўй-қўзи хонадон тўкинлигига хизмат қилмоқда.

Қолган 8 сотихли майдондан йил давомида фойдаланилади, 3-4 мартагача ҳосил олинади.

— Отам раҳматли олим-агроном бўлганлар. Қишлоқ хўжалиги соҳасида турли вазифаларда ишлаганлар. — дейди уста боғбон Аброр Алламуратов. — Менга деҳқончилик ва боғдорчилик сирларини ўргатганлар. Дарахтларни пайвандлаш, кўчатлар тайёрлаш ишлари билан шуғулланаман. Ҳозирда ноанъанавий усулда узумнинг данаксиз навларини яратиш йўлида иш олиб бораёпман. Бир туп дарахтда 3-4 хил навларни етиш-

тириш хонадонда дастурхоннинг ранг-баранглигини таъминлайди. Буни амалиётда қўллаб келаман. Экилган тол ва тераклардан иш қуроллари учун ҳар йили 2000 тадан ортиқ дасталар тайёрлаб сотиб, шунинг ўзидангина 10 млн сўмдан кўпроқ даромад қиламан.

Аброр ака билан томорқадан олинган даромадни ҳисоблаб чиққанимизда, йиллик даромад 110 млн сўмдан ортиқни ташкил этди. Меваларнинг сифати яхши бўлганлигидан, ҳатто, олдиндан ҳақ тўлайдиган мижозлар ҳам борлиги маълум бўлди.

Яна бир эътиборли жиҳати, бу хонадонда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашиш борасида оилавий биологатория фаолияти йўлга қўйилган.

Ўз мухбиримиз.

## ТОМОРҚАЧИ ЧОРВАДОР

*Денов тумани Хазорбоғ ҚФЙ Тасмасой маҳалласида истиқомат қилувчи Шерали Нурманов эл орасида энг баракали хонадон соҳибси сифатида эътироф этилади.*

Мавжуд 20 сотих томорқадаги 10 сотихли иссиқхонада лимон экилган. Иссиқхона тупроқлари унумдор бўлганлиги учун лимонларнинг биологик ҳолати талаблар даражасида. Лимон ости бўш жойларига экилган турли хил кўчатлар барқ уриб, яшнаб турибди. Мазкур лимонхонадан жорий йилда 50 млн. сўм даромад олинди.

Бундан ташқари, томорқада 40 бош зотдор хўкизлар зооветеринария қоидалари асосида боқилмоқда. Кучайтирилган рацион асосида боқилаётган бўрдоқилардан қанча фойда келишини ўзингиз ҳисоблаб кўраве-ринг. 10 бош соғин сигирнинг ҳар биридан кунига 20-25 литрдан сут соғиб олинмоқда.

Қолган 4 сотих майдонга турли хил меваларнинг сара навларидан экиб, боғ ташкил қилинган.

Томорқачи орттирган даромади

асосида 1 гектар ташландиқ ер олиб, иссиқхона қуриш ишларига астойдил киришган.

Биз борган кунимиз фаройиб бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Атрофимизда айланиб юрган ит ғойиб бўлди-да, бироздан кейин келиб, Шерали аканинг почасидан молхона томонга тортиб ғингший бошлади. Бунинг сабабини хонадон эгасидан сўраганимизда, “сигирлардан бири бугун туғадиганга ўхшайди”, — деди хотиржамлик билан. Бизга жой кўрсатиб ўтириб, дам олиб туришимизни айтди-да, молхона томонга юриб, анча пайт ҳаяллаб кетди. Кейин келиб, сигири туққанлигини мамнуният билан айтди. Хабарчи ит думини ликкилатганча хотиржам турарди. Шерали ака ҳар доим сигир туғишини шу ити ҳар бар беришини сўзлаб берди.

Тиниб-тинчимас Шерали Нурманов ҳар йили ғалладан бўшаган май-



донларга дуккакли дон экинлари, кўпинча мош экади. Мош яхшигина даромад манбаи бўлиши билан бир қаторда хашаги чорва учун тўйимли озуқа ҳисобланади.

Даромаддан гап очганимизда, “100 млн. дан ошиб қолади”, — деди камтарлик билан.

Фаровонлик манбаи бўлган томорқадан самарали фойдаланаётганлар бугунги кунда юртимизда кўпчиликни ташкил қилади. Томорқа хонадон тўкинлигига хизмат қилиши билан бир қаторда, оилада фарзандларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашда ҳам муҳим асос саналади.

Ўз мухбиримиз.

1978 йил. Аини қиш чилласи. Олтиариқлик бир гуруҳ деҳқонлар турп олиб, Москвага кетишганига бир неча кун бўлса-да ҳамон улардан дарак йўқ. Тожихон ая (раҳматли) эрта тонгдан юраги ғаш бўлиб турди. Болаларининг катталарини мактабга, кичикларини боғчага кузатса-да, кўнглидаги ғашлик тарқамади. Собиржон ака ҳар доим етиб боргандан сўнг телефон орқали хабар қилар эди. Бу сафар эса ўзи билан ўзи бўлиб куннинг кеч бўлганини ҳам сезмай қолди. Етти ўғил, бир қизни жой-жойига ётқизиб, печнинг оловини баландлатди-да иссиқ тафтада яна ўй-хаёлларга ғарқ бўлди. Эрта тонгда Москванинг совуқ шамоллари Бекобод орқали ўтиб, Кўқон шамолининг қўлтиғига ўзининг совуқ хабарини қистириб Олтиариққа жўнатди. Эмишки, Москва бозорида турп сотиб ўтирган Собиржон акани “олиб сотар”, деб айблаб ҳибсга олишибди-да, 3 йилга қамашибди. Тожихон ая нима қиларини, нима деярини билмас, ҳатто, болаларига нима деб тушунтиришга ҳам лолу ҳайрон эди. Ахир турпни мана шу қўллари билан болалари ёрдамида етиштирган эди-ку. Бунинг нимаси жинойт. Гарчи болалари олдида ўзини дадил тутган бўлса-да, тун ярида меҳмонхона эшигини маҳкам беркитиб дод солиб йиғлади...

Олтиариқ шаҳарчасида умргузаронлик қилаётган 94 ёшли Собиржон ота Мирзажонов ўша даврларни ёдга олар экан мийиғида аламли жилмайди.

— Хўп галати даврлар эдида, — деб қўйди. — Ҳозирги хур, озод Ватан, олийҳиммат раҳбарлар ҳеч бир давлатда йўқ. Ҳалол меҳнат қилсанг,

ҳосилингни хоҳлаган давлатингга сотишинг учун ҳукуматнинг ўзи кўмаклашади, яна қандай ёрдам керак. Бизга ўхшаб яшириниб, қочиб юрмасанг. Болам бундай озодликнинг қадрига етиш керак. Мен бир умр деҳқончилик қилдим. Фарзандларимни ҳам меҳнат қилишга ўргатдим. Кам бўлишмади. Солижоним эл таниган боғбон. Неча йиллардан буён халқимиз депутат этиб сайлашади. Абдувоҳид эса гарчи ўқитувчиликка ўқиган бўлса-да кўчатчиликни танлади. Шу ўғлимнинг уйига боринглар уй эмас тажрибахона дейсиз, — деб бизни Абдувоҳид аканинг хонадони сари кузатдилар.

Хонадон эгаси билан дарвозадан кириб борар эканмиз, рўпарада турган олма дарахти эътиборимизни тортди. Буни сезган Абдувоҳид ака:

— Бу олма менинг тажрибахонам, — дея сўз бошлади. — Мана, қаранг, шу дарахтнинг ўзида 57 хил олма навлари куртак ва искана пайванд қилинган. 40 хил олма нави ҳозирда кўкармоқда. Қаерга борсам яхши ўсган ва серҳосил олма навлари куртагини олиб келиб, пайванд қиламан. Мақсад серҳосил ва сифатли олма навларини кўпайтириш. Ҳозирги кунда боғбонларимиз жуда талабчан, кўчатларни танлаб, саралаб экишга ўрганишган. Жорий йилдан куртак пайванд асосида яратилган “Пинк леда”, “Гала” ва “Фуджи” янги нав олма кўчатларини сотувга чиқардик.

Атиги 2-3 сотих ҳовлига экилган кўчатларни кўздан кечирар эканмиз, бир неча навлар искана ва куртак пайванд қилинган шафтолига кўзимиз тушди.

— Бу шафтолига 6 хил ғайноли шафтоли нави, 3 хил ўрик ва бодом навлари пайванд қилинган — деди Абдувоҳид ака.

— Шафтолини тез қарийдиган дарахт дейишади. Ўрик ва бодом эса узоқ яшайди. Уларни қандай қилиб шафтолига пайванд қилиш мумкин, — деб сўрадим.

— Халқимизда шафтоли 4-5 йиллик дарахт деган тунча бор. Лекин менинг назаримда бу нотўғри фикр. Агар шафтолини ҳам қоидасига риоя этиб бутаб борилса, узоқ йиллар ҳосил бериши мумкин. Боғбон, биринчи навбатда, ҳосил берувчи навдаларни ажратиб олиши керак. Мен мева берувчи навдаларни ёзда кесиб қўяман. Агар баҳорда кессам, унинг ёнидан бир нечта новдалар ўсиб чиқиб танадаги энергияни сўриб олади. Агар битта шохда мева кўпайиб кетса, уни дарҳол эрта баҳорда ортиқча довуччалардан халос қиламан. Ҳар бир шохда ўртача 3-4 тадан мева қолдираман. Шунда мевалар ўз ҳолича сархил бўлиб етилади. Ўтган йил бир туп Семеренко олмамиз 36 яшик сара мева берди. Йил давомида 2 марта ўғитладим, холос. Буни кўрган фермерлар ушбу олма кўчатларини харид қилишмоқда. Тўғрида, экин майдони четига 10-15 туп экиб қўйишса, хўжалик аъзоларига ҳам, йўлдан ўтганларга ҳам етиб ортади. Қолганини қишга асраб қўйса ҳам бўлади.

— Абдувоҳид ака, сизга фарғоналиклар узумчиликнинг устаси, деб таъриф беришганини кўп эшитганман. Узумчиликдаги фаолиятингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бир аллома айтган экан “Қанча кўп билсам, шунча кам билишимни англадим”, — деб. Мана, бир неча йиллардан буён искана ва баргпайванд асосида кўчатлар етиштираман. Йилдан йилга янги-янги

навлар кашф қиляпман. Ҳозирги кунда узумнинг кишиш навларига талаб кучли. Биз ҳам келгуси йилдан “Тош кишиши” навини сотувга чиқариш учун ҳаракат бошлаганмиз. Жорий йилда узумнинг 30 дан зиёд нави кўчатларини сотувга чиқардик.

— Сизнинг антиқа усулда кўчатлар етиштиришингиз ҳақида эшитган эдим. Кўрсак бўладими?

— Албатта бўлади, — дея мени хонадонининг ертўласи томон бошлади боғбон. Ним қоронгу ертўлага кириб борар эканман, сув тарқатувчи шланкалар ва уюм-уюм қум тепаликларга кўзим тушди.

— Мана шу менинг кўчатхонам. Узум калтакларини навларга ажратиб даста-даста қилиб қумга кўмиб қўямиз. Юқорида ёниб турган чироқ туфайли кўчатлар қуримайди, кўкариб ҳам кетмайди. Вақти-вақти билан сув куйиб турамыз. Кўчатлар патак томир отиб тураверади. Бунинг натижасида август ойида ҳам мендан кўчат олиб эксангиз, албатта, бехато кўкариб чиқади. Мана шу ертўлада 5000-6000 туп узум кўчати, шу ҳовлида 10 000 туп атрофига турли хил кўчатлар етиштиряпман. Туман ҳокимлигига кўчат етиштириш учун ер сўраб муурожаат қилганмиз. Яқин кунларда ижобий ҳал бўлиб қолса, ажабмас.

Бугунги кўчат — келажак меваси, дейишади. Абдувоҳид ака билан хайрлашар эканмиз, юртимизда серҳосил ва сифатли меваларнинг кўпайиши бозорларимиз тўқинлигининг, ҳаётимиз фаровонлигининг асосий сабабларидан бири эмасми, деган фикр ўтди хаёлимдан.

**К. ЭРГАШЕВ**

*Суратда: Абдувоҳид Мирзажонов тажрибаларини кўздан кечирмоқда.*

## БОҒБОНЛАРНИНГ БОҒБОНИ





# ХОНА ШАРОИТИДА “ТОШКЕНТ” НАВЛИ ЛИМОН ЕТИШТИРИШ

*In the article are some of the features of biological development Tashkent Lemon varieties for growing at home. The basic research on the annual cycle of growth and development.*

*Лимон бошқа мева ўсимликларидан фарқли равишда ўзига катта эътибор ва меҳр талаб қилувчи, нозик табиатли экин ҳисобланади. Ушбу ўсимлик хона шароитига совға тариқасида ёки бозордан сотиб олиш орқали кириб келади.*

У ўзининг ихчам кўриниши, меvasининг тилла ранги, гулларининг хушбўйлиги ва нафислиги билан ҳар қандай инсонни ўзига маҳлиё қилади. Шуниндек, унинг доимий яшил ранги инсон асабларини тинчлантириши билан бирга хонани доимо кислородга бойитиб туради. Лимон меvasининг таркибида 2% га яқин шаккар, 3-7% турли кислоталар (асосан лимон кислотаси), 1% дан кўпроқ пектин моддалари, 0,5% га яқин ҳар хил минерал тузлар, 50-70 мг С витамини, маълум миқдорда А, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР витаминлар бор. Шундай шифобахш ва хушқайфият берувчи ўсимликни хона шароитида парваришлаш одамга ўзгача завқ бағишлайди.

Ҳар қандай янги ўсимликни хонага киритишдан олдин унга қулай ва шинам жой тайёрлаш зарур. Ўсимликни доим бир жойдан бошқа жойга кўчириш унинг учун катта ноқулайликлар келтириб чиқариши мумкин. Ўсимлик хонага келгунга қадар кўчатзордан савдо расталарига, ундан сўнг транспорт орқали хонага етиб келгунга қадар кўп уринади. Энди унга тинчлик ва осойишталик зарур бўлади.

Уларнинг томирларини суюлтирилган чириндига солиб намлаш ва тувакчаларга тезлик билан экиш зарур. Экилган кўчатларда сўрувчи томирлар қайтадан тиклангунга қадар уларни қоронғу хоналарда (ертўлада) икки-уч сутка сақлаш, сўнг ёруғ хонага олиб чиқиш керак. Акс ҳолда ўсимликда сўрувчи томирлар шакланмасдан олдин ёруғ хонага қўйилса, барглар танадаги барча суюқликни транспирация жараёни орқали буғлатиб юбориши ва ниҳолни қуритиб қўйиши мумкин.

Кейинги жараёнда ниҳолни синган, қуриган ва эзилган шохларини кесиб ташлаш йўли билан унга биринчи "тез ёрдам" кўрсатилади. Зарарланган новдаларни ўткир қайчи биллаш кесиш муҳим аҳамиятга эга. Агар синган новдани кесиш ўсимликни ташқи кўринишига салбий таъсир этадиган бўлса, у ҳолда ушбу шикастланган навдани синган жойини

пластир билан боғлаш орқали тиклаш мумкин. Лимон ўсимлигининг ажойиб хусусиятларидан бири бу унинг шикастланган қисмини тезда қайтадан тиклашидир. Шунга қарамай шикастланган ва синган новдаларни микроб тушмасдан олдин зудлик билан тиклаб қўйиш зарур.

Лимон кўчатини тувакчаларга экишнинг муҳим жиҳатлари:

1. Тувакларни танлашда ўсимликни озикланиш майдонини ҳисобга олиш. Кичик ўлчамдаги тувакчаларда ўсимликнинг озикланиши чега-



раланган бўлади ва бундай тувакчаларда ўсимлик икки ёки уч йил яхши шаклланади сўнгра ўсишдан тўхтайдди. Жуда катта ўлчамдаги туваклар эса хонани катта қисмини эгаллаши ва ноқулайликлар яратиши мумкин. Энг қулай туваклар ўртача ўлчамдаги, диаметри 1 метргача бўлган туваклардир.

2. Тувакларда дренаж тешикчалар бўлиши шарт. Ушбу тешикчалар тупроқ билан бекилиб қолмаслиги учун кўчат экишдан олдин тувакларга шағал ёки майда тошлардан 10 см. ҳажмда солиш зарур.

3. Тувакларга шағал солингандан сўнг унинг устига 25-30 см. гача кўчатларнинг асосий озукаси, яъни 10 кг. миқдорда чиринди, 120 грамм азот (селитра), 60 грамм фосфор (суперфосфат) ва 30 грамм калий солинади. Ушбу субстрат ўсимлик учун йиллар давомида асосий озукка манбаи ҳисобланади.

4. Кўчатни экиш вақтида унинг томирлари ушбу чириндидан бир оз баландроқда ушлаб турган ҳолда томирлари атрофи тоза бўз тупроқ билан кўмилади. Сабаби ёш ниҳоллар биринчи ва иккинчи йили органик ўғитларга кам хоҳиш билдиради ва бу муддатларда улар асосан микро ўғитлар билан тўйинтирилади. Кўчат экилгандан сўнг тўғри ва мустаҳкам жойлашиб олиши учун унинг ён атрофи бир оз мустаҳкамлаб қўйилади.

5. Кўчат экилгандан сўнг дарҳол сугоришни унутмаслик керак. Сувни меъёрида, яъни биринчи галда кўчатнинг илдиз бўғзигача тўлдириб, кейингиларини камайитириш шарти билан амалга оширилади. Сугориш куннинг узун-қисқалиги, ҳаво ҳарорати ва тувакдаги тупроқ намлигига қараб бир ҳафтада икки ёки уч марта амалга оширилади. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, лимон ўсимлиги нам ва ёруғсевар ўсимлик. Намлигини доимо сақлаш мақсадида ҳар куни тоза сув билан баргларини пуркаб туриш катта аҳамиятга эга.

6. Микро элементлар билан ўғитлаш. Бунда "Натрий Гуммат", "Калий Гуммат", "Азафоска", "Расасол" кабилар ўғитларни қўллаш йўриқномасига асосан тайёрлаб томирдан ҳамда барги орқали пуркаб бериш яхши самара беради.

7. Лимонни хона шароитида етиштиришда уни ёруғлик яхши тушадиган хона ва балконларга қўйиш керак. Шуниндек, ҳар куни бир марта баргларини сув пуркаш йўли билан намлаб туриш яхши самара беради. Акс ҳолда барглари тўкилиб кетиши мумкин.

8. Лимон ўсимлиги хона шароитида парвариш қилинганда баҳор ойлари даврида гуллашни бошланиши билан гулларида шира пайдо бўлади ва гулларини тўкилиб кетишига олиб келади. Бундай ҳолларда лимон кўчатини хонадан ташқарига олиб чиқиб қоронғу тушишидан аввал "Би-58" препарати билан пуркаш орқали ишлов берилади. Ушбу тадбир уч кун давомида қайтарилади. Лимон гуллари нохуш ҳидлар ва захарли моддаларга ўта сезувчан бўлгани сабабли, хонада кучли ҳидли моддаларни қўллаш тақиқланади.

**Н.ФАХРУТДИНОВ**, к.х.ф.н., доцент

**А.САИТОВ**, магистр, ТошДАУ.

# ТОМОРҚАДАГИ БЕМИННАТ МАҲСУЛОТ

Картошкани иккинчи нон, деб атайдилар. Чунки, рўзгорда энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулотдир. Уни томорқада етиштирсангиз сизга даромад келтиради.

**Экиш учун тавсия этиладиган навлар:** Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига картошканинг 63 та нави киритилган. Эртапишар навлардан Латона, Фреско, Ред Скарлет, ўртаги-эртаги Кондор, Марфона, Романо, Курода, Санте, Диёра, ўртапишар Тўйимли, Умид, Кўк сарой, Серхосил, Аладин, Аринда, Арнова, ўртаги-кечки Акроб, Мондиал, Диамант, Пикассо ва бошқалар шулар жумласидандир.

**Уруғ танлаш.** Картошка ҳосилини ошириш, сифатини яхшилаш ва эрта етилишини таъминлаш учун уни ундирилган туганакларидан экиш керак. Ундирилган туганакларни баҳорги муддатларда экиш ундирилмаган туганакларни экишга қараганда ҳосилдорликни 12–15% ошириб, 10–15 кун эрта пишишига имкон беради. Маҳаллий шароитда тайёрланган уруғлар ундириш хоналарига экишдан 30–35 кун олдин, четдан келтирилган уруғликлар 20–25 кун илгари қўйилади. Ундириш хонасида ёруғлик ва 18–22 °С даража иссиқ ҳарорат яратилиши лозим. Уруғликлар майда-йирикликка қараб (40–60, 60–80, 80–100 г.) саралаб, ундириш хонасининг полларига, сўкчакларга (стеллаж) 2–3 қатламдан оширмай ёки 12–, 20–, 25 кг. лик яшикларга қўйиш лозим. Туганакларнинг нишлаганлари кетмон билан ёпиб экиладиган бўлса, уларни 3–4 см. гача ўстириш мумкин. Оғирлиги 100 г. дан катта туганакларни экиш учун икки-уч бўлакка бўлинади.

**Ер тайёрлаш.** 1 сотихга 250–300 кг. (10 сотихга 2,5–3 т.) тоза, чирган гўнг солинади. Тупроқ белкуракда 18–20 см. чуқурликда юмшатилади ёки кетмон билан чопилади. Катта кесаклар майдаланади ва ер текисланади.

**Экиш муддати ва схемаси.** Баҳорги муддатда жанубий вилоятларда 15 февраль–1 март, марказий минтақада жойлашган вилоятларда 25 февраль–10 март, шимолий минтақаларда 10–20 март. Ёзги муддатда жанубий вилоятларда тезпишар навлар – 10–20 июль; ўртапишар навлар – 5–20 июль; кечпишар навлар 20–30 июнь; марказий минтақада жойлашган вилоятларда тезпишар навлар – 10–20 июль, ўртапишар навлар – 10–30 июнь, кеч-

пишар навлар 10–20 июнда экилади. Шимолий ҳудудларда тезпишар навлар – 20–30 июнь, ўртапишар навлар – 15–25 июнь, кечпишар навлар – 5–10 июнда экилади. Картошка туганаклари (уруғлиги) 5–8 см. чуқурликка экилади ва ҳар 1 сотих ерга 30–35 кг. уруғлик экилади.

Картошка олдиндан тайёрлаб қўйилган майдонга қўлда кетмон билан 70х30 ёки 90х25 см. схемада экилади.



**Парваришлар.** Майдонлар уруғлик тўлиқ униб чиққунча об-ҳаво ва ер шароитига кўра 1–2 марта суғорилади. Суғориш натижасида бегона ўтлар ҳам жадал ўсиб чиқа бошлайди. Уларни йўқотиш мақсадида суғоришдан 4–6 кун ўтгач, қатор оралари ва эгатларнинг устки қисмига қўлда кетмон билан ялписига ишлов бериш лозим. Улар ердан тўлиқ униб чиққандан кейин 20–25 кун ўтгач, ўсимликларга биринчи комплекс ишлов берилади. Қатор оралари 15–16 см. чуқурликда, ўсимликдан 10–12 см. ҳимоя масофаси қолдирилиб юмшатилади. Кейин эса ўсимлик оралари енгил чопиқ қилиниб, бегона ўтлардан тозаланади. Шундан сўнг майдондаги ўсимликларни биринчи



марта азотли ўғит (50%) билан озиклантириб, кейин қондириб суғориш тавсия этилади. Иккинчи комплекс ишлов биринчи ишловдан 25–28 кун ўтгач ёки ўсимликлар ёппасига гунчалайдиган даврда амалга оширилади. Картошка баҳорда экилганида ўсув даври ҳавонинг салқин ва тупроқнинг сернам пайтига, ҳосил тўплаш даври эса ёзнинг айни қизий бошлаган вақтига тўғри келади. Шунинг учун ҳам эртаги картошка ҳосил тўплаш (туганаклаш) пайтида ҳар 5–6 кунда 1 сотих ерга 4–4,5 м<sup>3</sup> метёрда суғоришни талаб қилади. Кечки картошка ўсув даврида 8–10 кун оралатиб бир метёрда суғорилади. Ҳосилни йиғиб-териб олишга 2–3 ҳафта қолганда сув бериш тўхтатилади.

**Ўғитлаш.** Картошка асосий озика элементларига ўта талабчан. Шу боис бу экин етиштирилганда 1 сотихга соф ҳолда 2,2 кг. азот, 1,7 кг. фосфор, 1,1 кг. калий бериш керак.

**Касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш.** Картошка ҳосилини оширишда экиладиган туганакларни йириклиги, шакли ва бошқа белгилари билан танлаб олиш муҳим тадбир ҳисобланади. Картошка ўсимлигида

колорадо қўнғизи пайдо бўла бошлаганда қўнғизни қўлда териб чиқиш тавсия этилади. Қўнғизлар кўпайиб тухум қўя бошлагандан кейин кимёвий препаратлар қўлланилади. Бунда 10 сотих майдонга Қаратэ 5% к.э. (10 мл.), Моспилан 20% н.к. (20–25 мл.), Суми-альфа 5% к.э. (50 мл.) препаратлари 60–70 литр сувда яхшилаб аралаштирилиб пуркалади.

**Ҳосилни йиғиштириш.** Картошка туганаклари 25–30 см. чуқурликда шаклланади, шунинг учун кетмон ёрдамида чуқурроқ ковлаб олинади. Ковлаш даврида тупроқ нам бўлиши лозим. Шунда картошкаларни бешикаст йиғиштиришга эришилади.



# ПАРРАНДАЧИЛИК СИРЛАРИ

**Аҳоли хонадонларида Исроил давлатидан келтирилган оқ патли, кенг кўкракли тез етиладиган куркалар (қулқул товуклар) боқилади. Гўшти мазали, парҳез маҳсулоти. Макиён куркалар ерга оддийгина ин қуриб, 10-15 дона тухум қўяди. Хонаки курка хўрозларининг тирик вазни 9-35 кг, макиёнлариники 4,5-11 кг. 8-9 ойлигида тухум қила бошлайди. Бир йилда 70-90 дона тухум қилади. Ҳар бир куркадан 40-60 бош бола олиш мумкин. Улар 4-5 ой боқиб семиртирилса, 160-200 кг. гўшт етиштирилади.**

## Куркаларни парваришlash.

Курка парваришининг энг оғир ва масъулиятли даври бу тухумдан чиққан жўжаларни улғайтириб олишдир. Аввало, куркачалар учун қулай жой ҳозирлаш лозим. Жўжаларнинг сонига қараб, ёғочдан ясалган қути ёки унча катта бўлмаган ёпиқ жой керак. Ҳаво салқин бўлса, уни иситадиган мослама, ёритиш чироғи бўлиши шарт. Майдоннинг тозалиги, вақтида сув ва овқат бериш илк кунларда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Тухумдан чиққан курка жўжала-



рини тезда онасидан ажратиш керак, фақат она куркани тинчлантириш учун икки ёки уч дона жўжа қолдирилса кифоя. Сабаби, аксарият ҳолларда курка тухумдан янги чиққан болаларини билмасдан босиб ўлдириб қўяди. Жўжаларни қутига жойлаштириш, биринчи кун озиқлантириш шарт эмас. Унинг организмида захира моддалар бир кунга бемалол етади. Кечаси қутидаги ҳарорат 30-35 даражадан тушмаслиги зарур. Тор қутига ўнлаб куркачаларни жойлаштириш ярамайди. Бир квадрат метрда бешта жўжа боқилиши мақсадга мувофиқдир.

Илк кунларда жўжаларга овқат бериладиган идишга эътиборли бўлиш зарур. Яхшиси рангланмаган, бир неча қаватли матодан фойдаланишдир. Сабаби, жўжаларнинг тумшуғи жуда мўртлиги боис, қаттиқ идиш уларни синдириши ҳеч гап эмас. Фақатгина беш кунлик жўжаларга одатий идишларда озуқа берса бўлади. Куркачалар турган хонанинг ҳаро-

ратининг 28 даражадан паст бўлмаслигига ҳаракат қилиш керак. Айниқса, биринчи ҳафтада бу жуда муҳим. Агар хона ҳарорати тушиб кетса, жўжалар ёппасига нобуд бўлиши мумкин. Хона ҳавоси ҳаддан ташқари қуруқ ёки нам бўлса, жўжалар уйқучи бўлиб қолади ва яхши ўсмайди.

Хонада керакли намлик бўлмаса, жўжаларнинг нафас олиши қийинлашади, танасидаги намлик камайиб кетади. Натижада улар озиқланиш ўрнига ҳам фақат сув ичади. Шунингдек, миқдоридан ортиқ намлик ҳам куркачалар учун ҳалокатли. Бу ҳолатда жўжа танасидаги ортиқча суюқлик нафас йўллари орқали чиқади ва унинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, ҳаддан ортиқ қуруқ ёки нам ҳаво зарарли микроорганизмларнинг кўпайишига шароит яратади ва куркачалар юқумли хасталикларга чалинади.

Ёш куркачаларнинг ўсиши ва ривожланишида куёш нурунини алоҳида ўрни бор. Ўн-ўн беш кунлик жўжалар кунига 15-20 дақиқа атрофида офтобга чиқарилиши керак. Кун сайин бу муддат ошириб борилади. Бир ойлик жўжаларни кун бўйи бемалол сайрга қўйиб юборса ҳам бўлаверади. Чунки эркинликда улар турли озуқалар — ҳашаротлар, курт-қумурсқа ва капалакларни ўзлари топиб ейишади.

Куркачаларнинг илк озуқаси майдаланган тухум, янги творог, буғдой ёрмаси, қизил сабзи ва кўкпиёздан иборат бўлиши зарур. Тўрт кундан кейин эса тухум ва творогга маккажўхори ёрмаси қўшилади. 10 кундан кейин озуқа таркибидаги тухум секинлик билан камайитириб борилади. Творог ва кўкатлар салмоғи оширилади.

Шунингдек, куркачаларга ачитилган сут маҳсулотлари жуда фойдали. Турли кўкатлар биргаликда гўшт қиймалагичдан ўтказилиб берилса, жўжаларнинг турли хасталикларга чидамлилиги ошади. Масалан, кўкпиёз ичак хасталикларида муҳим

профилактика вазифасини ўтайди. Тухумдан чиққан жўжаларга илк ҳафталарданоқ кўкпиёз мунтазам бериб борилса, тез улғаяди, иштаҳаси ҳам жойида бўлади.

## Ҳозларни парваришlash

**Зотлари ва хусусиятлари.** Аҳоли хонадонларида йирик кулранг, кубань, холмогор, италия ва рейн зотли ғозларни боқиш яхши самара беради. Ҳозлар тўдасида 3-4 макиёнга 1 эркак қолдирилади. Макиён 265-350 кунлигида (қишда, баҳорда) тухумга киради. Бир мавсумда 30-50 дона тухум қилади. Жўжаси 29-30 кунда тухумдан чиқади. Вояга етган эркак ғозларнинг тирик вазни 5-8, макиёнлариники 4-7 кг. гача бўлади. Яхши боқилган ғозлар 9 ойлигида (3,5-4,5 кг.) гўшт беради. Гўшти таркибида 16% оқсил, 35% ёғ бор. Ёш жўжалари парҳез гўшт учун 9 ҳафталигида сўйилади.

**Парваришlash.** Ҳоз боқиш қийин эмас. Хўраги, суви ва сузиши учун



ҳовузча бўлса, кифоя. Бир кунда бир бош ғоз учун озуқа рацион (граммларда): дон — 150-200; кунжара ва шрот — 400-500; ўт уни — 20-30; ачитқи ем — 7-10; минерал озуқалар.

Тухумдан чиққан жўжалар ўша кундан бошлаб бемалол озиқланаверади. Улар учун энг яхши озуқа қайнатилган тухум ва маккажўхори ҳамда буғдойнинг майдалаб аралаштирилганидир. Ҳозчалар ўн кунликдан ошгач, уларга майдаланган кўкатларни ҳам бериш керак. Ёш жўжаларни тоза ҳавога сайрга чиқариш даркор. Улар иссиқни унча хоҳлашмайди. Иккинчи ҳафтадан бошлаб, улар яшаётган катакларнинг ҳарорати 20 даража атрофида бўлса ҳам зарар қилмайди. Аммо хонада сув доимо бўлиши шарт.

Шунингдек, уларнинг бурун йўллари тез-тез тозалаб туриш лозим. Биринчи ўн кунликдан кейин ғозчаларни бемалол ота-онаси

ёнига қўйиш мумкин. Фақат вақтида овқатлантириб туриш зарур. Ота гоз болаларига жуда ғамхўр бўлади. У оиласини ташқи муҳитдан кучли ҳимоя қилиш баробарида, керак пайтида гозчаларни иситади ҳам. Инкубатордан чиққан гозчаларни ҳам яхши қабул қилади. Нар ва мода гоз ўзининг етти-тўққизта жўжаси билан бирга, инкубатордан чиққан 18 тагача ёки бошқа оиладан келтирилган гозчаларга бемалол ғамхўрлик қила олади. Улар ҳатто турли ёшдаги гозчаларни ҳам ўз "тарбия"сига олаверишади.

Гоз ўзи ўтлаб, озуқа топади. Айниқса, донли ўтларни ейишни ёқтиради. Бу пайтда уларга бир марта янчилган дон ёки сабзавотларни аралаштириб беришнинг ўзи етарли. Нон бўлаклари ва ушоқларини ҳам бемалол еяверади. Қишда эса уларга уч маҳал тўйимли озуқа бериш керак. Асосийси, озуқа айнамаган, ачимаган ва моғорламаган бўлса бўлди. Бу ишнинг ҳадисини олганлар гозни сўйишдан ўн-ўн беш кун олдин уни тор жойга қамаб, фақат буғдой ва сув билан боқшади. Бу гознинг сўйилишидан олдин уч сантиметргача қалинликда ёғ тўплашига ёрдам беради.

#### Ўрдакларни парваришlash.

**Зотлари ва хусусиятлари.** Аҳоли хонадонларида ўрдакнинг оқ москва,

украина оқ ва кулранг, хаки-кемпбелл зотларини парваришlash тавсия этилади. Ёш ўрдакчалар 24-28 ҳафтада жинсий етилади. Тўдада 5-6 макиёнга битта эркак ўрдак қолдирилади. Бир мавсумда (5-6 ой) 90-130 дона тухум қилади. Тухумининг вазни 85-90 гр. Тухумдан жўжа очиб



чиқиш муддати 27-28 кун. Вояга етган эркак ўрдак вазни 3-4, макиёники 2,5-3 кг. Гўшти майин, мазали, парҳез маҳсулот.

**Парваришlash.** Ўрдак боқиш учун томорқа атрофида оқар сув бўлса бўлади. Рисоладагидек озиклантирилса ва парвариш қилинса, 50-60 кунлик ўрдак жўжаси 2-2,5 килограммгача етади. Асосийси, улар озуқа танламайди. Вояга етган ўрдак-

лар ўсимлик ва майда ҳашаротлар билан озикланаверади. Эътиборлиси, ўрдаклар турли хасталикларга жуда чидамли бўлади.

Бу борада уларга товук, курка ва ҳатто гоз ҳам тенглаша олишмайди. Янги тухумдан чиққан ўрдакчалар учун қоғоздан ёки тахтадан қути бўлса кифоя. 20-25 та жўжа учун бир квадрат метр жой етарли. Хонадаги ҳарорат 20 даража бўлиши зарур. Ўн-ўн икки кундан кейин ўрдакчаларни бемалол очиқ ҳавога чиқариш мумкин. Аммо илк кунлари уларга алоҳида эътибор қаратиш шарт. Чунки бир кунлик ўрдакчалар мустақил овқатлана олмайди. Биринчи кун уларга қайнатилган тухумни майдалаб, қошиқ билан едириш даркор. Иккинчи кундан ўрдакчалар ўзлари озиклана бошлашади.

Бунда ўрдакчалар кунига беш-олти марта озиклантирилади. Хонасида сув ва шағал тошчалар доимо бўлиши керак. Икки ҳафталик жўжалар кунига уч марта овқатлантирилса кифоя қилади. Ўрдакчалар уч ҳафталик бўлгунига қадар олдиларидаги сув чуқур бўлмаслиги шарт. Уларнинг қоринлари пат билан қоплангандагина сув ҳавзасига чиқариш тавсия этилади. Очиқ сувга қўйилганида тез эт олади ва касал бўлмайди.

## ҚУЁНЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Қуёнчилик сердаромад тармоқлардан биридир. Чунки қуён овқат танламайди, олти ой боқилган қуён 3,5-4 килограмм тош босади. Асосийси, бир йилда битта қуёндан 16-20 тагача соғлом насл олиш мумкин.

Гўшти хушхўр, парҳезбоплиги жиҳатидан товук гўшtidан устун туради. Ошқозоничак, жигар касалликлари, қон босими билан даволанаётган беморларга даво, танада тез ҳазм бўлади.

Хонадонларда қуён боқиш унча катта ҳаражат талаб қилмайди. Уларнинг тез етилувчанлиги, серпущтлиги, жадал ўсиши сарф этилган маблағнинг тез қопланиб кетишини таъминлайди. Чунки қуёнлар йил давомида 5-6 марта олтигача ўнтагача болалайди. Умуман, битта қуёндан бир йилда 50-60 тагача бола олиш мумкин. Бундан ташқари, бир бош қуёндан 1 кг. гача тивит олинади.

Қуёнларнинг юқумли касалликларининг олдини олиш ва даволаш тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Қуёнларнинг пастереллёз (геморрагик септицемия) касаллиги жуда оғир ва мураккаб кечувчи ўта хавфли касаллик ҳисобланади. Касалликда ўпка, юрак, қон томирлар тизими, ичаклар ва бошқа аъзоларда сепсис,

геморрагик яллиғланиш, қон қуйилишлар каби оғир жароҳатлар рўй бериши натижасида улар кўплаб нобуд бўлади. Пастереллёз касаллиги баҳор ва ёз ойларида тез ривожланади. Бунга иқлимнинг кескин ўзгаришлари ҳамда турли стресслар каби омиллар қўшимча сабаб бўлади.

Қуёнлар орасида юқорида номлари келтирилган касалликлар билан касалланган қуёнларнинг ўлиш даражаси 80-85 фоизгачани ташкил этади. Касалланган қуёнларни даволаш ва касалликка қарши курашиш тадбирлари учун катта маблағ сарфланади. Касалланиб тузалган қуёнлар ўсиш ва ривожланишдан ортда қолади ҳамда касаллик қўзғатувчисини ташувчи бўлиб қолади.

Қуёнларда бўладиган юқумли (пастереллёз, сальмонеллёз, геморрагик септицемия, қуёнлар ўлати ва бошқа) касалликларнинг олдини олиш учун ўз вақтида касалликларга қарши эмлаб туриш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, кўп ҳолларда қуёнлар орасида инвазион касалликлардан кокцидиоз, стронгилёз, аскаридиоз, трихинеллёз касалликлари учраб туради. Мазкур касалликларнинг олдини олиш учун ҳар икки ойда бир марта гелминтларга қарши антигелминтик препаратлардан қўллаб туриш мақсадга мувофиқ.

36-38 саҳифалардаги материаллар "Аҳоли томорқа хўжаликларида қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича қўлланма" китобидан олинди.





# ИНТЕРКАЛЯР УСУЛ АФЗАЛЛИГИ

**Кейинги йилларда барча соҳалар каби боғдорчиликда ҳам кўплаб ютуқлар қўлга киритилмоқда. Яқин йилларгача чет эллардан валюта эвазига келтириладиган кўчатлар бугунги кунда маҳаллийлаштирилиб, боғбонларимиз томонидан юксак дид билан парвариш қилинмоқда. Айниқса, витаминларга бой бўлган олма, ўрик, шафтоли, бодом ва ёнғоқ дарахтлари устида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар уларнинг ҳосилдорлиги ва сифат даражаси ошиб боришига сабаб бўлмоқда.**

Наманган вилояти боғбонлари қадим-қадимдан боғдорчилик сир-синоатларини пухта ўзлаштирганликлари билан мамлакатимизда яхши танилишган. Ҳатто, ҳозирги кунда ҳам Косонсой ноқлари, Тўрақўрғон гилосларининг бозори чаққонлиги ҳеч кимга сир эмас.



Вилоятда бир неча йиллардан буён самарали фаолият юритаётган Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Наманган тажриба хўжалиги раҳбари Соҳибжон Нуриддинов билан суҳбатда бўлиб, корхонада олиб бориладиган тадқиқотлар ҳақида сўрадик.

— Бизнинг ишимизга бевосита халқ баҳо беради. Янги нав ҳосилдор, сифатли ва мазаси кўнгилдагидай бўлса аҳоли ўртасида оммалашиб бораверади – дейди Соҳибжон ака. — Ушбу жиҳатларнинг бирортаси бўлмаса, қанча уринганингиз билан фойдаси бўлмайди. Хўжалигимиз 339 гектар экин майдонида кўчатлар етиштириш билан шуғулланади. 95 нафар доимий ва 213 нафар ёлланма ишчиларимиз кўчатларни пайвандлаш, навларга ажратиш ишларида бизга ёрдам беришади. Экин майдонларимизда 43 хил давлат реестрига киритилган навлар билан бирга 39 хил реестрга киритилиши кутилаётган навлар ҳам етиштирилади. Ҳозирги кунда айниқса чет элдан олиб келинган кўчатлари ўзимизда етиштириладиган олманинг Гала, Галачипи, Жереми ва Фуджи навларига талаб ортиб бормоқда. Бундан ташқари халқимизда мавжуд бўлган ҳозирги кунга келиб йўқолиб бо-

раётган навларни ҳам экиб, келажак авлод учун сақлаймиз. Биргина Бойкен навларини олсак, бу олма нави серҳосил, касалликка чидамли бўлиши билан бирга, сақлаш муддати кейинги йилнинг май ойигача давом этади. Бундай навларни сақлаб қолишнинг ўзи ҳам халқимизнинг ютуқларидан бири бўлади, деб ўйлайман.

Соҳибжон акадан кейинги йилларда қўлга киритилаётган ютуқлари ҳақида сўрадим.

— Хўжалигимиз 7 та бўлимдан иборат бўлиб, йил давомида 600-700 минг туп мевали ва ток кўчатлари, 100-150 минг туп кўктерак ва мирзатерак кўчатларини етиштириб, вилоят ички бозорларига етказиб берамиз. Ўтган йилдан хўжалик ишчилари билан интеркаляр усулда мева кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этдик. Бу усулда мева кўчатлари етиштирилганда тоғ ва тоғолди ҳудудларида, тупроқ қатлами юза бўлган жойларда (тошли ва кум-шағалли ерлар), ўртача шўрланган ерларда интенсив боғ барпо этиш учун имконият беради ҳамда кўчатларга сим бағзага эҳтиёж бўлмайди. Дарахтларнинг ерга бирикиши кучли бўлиб, ҳар қандай шамол ва бошқа шароитларда ўсиб ривожланади ва ҳосил беради. Бунинг учун ёввойи олманинг уруғи октябрь ойининг охири, ноябрь ойининг бошида сепади. Сентябрь ойининг бошида олма уруғидан ўсиб чиққан ниҳолларга аввал паст бўйли олманинг М-9, АРМ-18 ёки М-26 пайвандтаглардан фойдаланиб пайванд қилинади. Келаси йили қўшпайвандтаг ўсиб ривожлангандан сўнг 20 см. баландликда маданий олма нави пайванд қилиниши натижасида интеркаляр кўчатлар етиштирилади. Ушбу кўчатлар феврал-март ойларида 5X2, 5X2,5 м. экиш меъёри, 800-1000 дона/га. Ушбу кўчатларнинг яна бир хусусияти шундаки, барпо этилган боғлар рентабеллиги 30-35% дан ошади. Хўжалик аъзолари янги интенсив боғзорлар барпо этаётган боғбонлар билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйишган. Яъни, малакали ишчиларимиз кўчатларин экиб, уларни ривожлантиришда ва шакл бериб, кесиш ишларида яқиндан кўмак беришади. Бу эса ёш боғбонлар учун тажриба вазифасини бажаради.

Мамлакатимиз ривожланиш йўлини жадаллик билан босиб ўтмоқда. Шунинг учун ҳам қаерга борсангиз, ким билан сўзлашсангиз, албатта, келгусида олдига қўйган режалари ҳақида ўртоқлашади.

— Табиатга бир саховат қилсангиз, юз бўлиб қайтади, — дейишади. Биз ҳам етиштирган кўчатларимиз билан халқимизга нафимиз тегаётганидан мамнунмиз. Хўжалигимизнинг ишчи-ходимлари билан маслаҳатлашиб, 300 тонна сигимдаги совуқхона қуриш ишларини бошлаганмиз. 2018 йилдан эса меваларни қайта ишлаш цехини қуриб, ишга тушириш ва чет элларга экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Яхши ният – ярим мол, – дейди халқимиз. Соҳибжон ака бошчилигида порлоқ келажак сари интиладиган ушбу корхона ишчи-ходимларининг эзгу ишларига муваффақиятлар тилаб, хайрлашдик.

*Ўз мухбиримиз.*

## ИЗЕН — ЧЎЛ ЧОРВАСИНИНГ ТЎЙИМЛИ ОЗУҚАСИ

**Сўнги йилларда чорвачилик хўжаликлари ва аҳолининг яйловлардан тартибсиз фойдаланиши туфайли ўсимликлар ҳосили ва турлари кескин камайиб бормоқда. Бундай яйловларнинг ҳосилдорлиги 0,5-1,5 центнердан ошмаяпти. Бу эса ўсиб бораётган республикаимиз чорвачилиги талабига мутлақо жавоб бермайди.**

Куз ва қиш фаслларида фойдаланиш мумкин бўлган алоҳида яйловлар, пичанзорлар деярли йўқ. Бунинг устига охириги йилларда моллар туёқ сони кўпайиб, ем-хашак, хусусан, шувоқ, янтоқ, ковул, қиёқ, чалов, каррак ва бошқа ўсимлик турлари йил сайин камайиб, уларнинг ўрнига ёмон ейиладиган ва заҳарли бўлган ўтлар, какра, сариқўт, исирик, қизил шувоқ, қўзиқулоқ, эбелек, чўлсабзи каби ўсимлик турлари кўпаймоқда. Чорвани маълум бир яйловда ҳадеб (зўриқтириб) боқавериш, яйловга дам бермаслик (уруғлаш ва кўпайишига йўл қўймаслик) туфайли шундай ҳолат рўй бермоқда.

Жиззах вилоятининг Фориш ва Галлаорол, Навоий вилоятининг Нурота, Самарқанд вилоятининг Қўшрабат туманлари яйловларини кузатганимизда шу ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Эндиликда табиий янтоқзорлар ва шувоқзорлар чўл чорваси учун бирдан-бир озуқа манбаи бўлиб қолмоқда.

Сўнги йилларда бундай яйловларда ҳам ачинарли аҳвол рўй бермоқда. Янтоқ, шувоқпояларининг илдизгача ейилиши ёки ўтин учун чопилиши сабабли уларнинг уруғ бериши ва ўз-ўзидан кўпайиши учун имконият бўлмаётти.

Бу муаммони ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли деб, биз инқирозга учраган, кам ҳосилли бўлган яйловлар ўрнида шу кунгача синовдан ўтган, серҳосил ва тўйимли озуқабоб бўлган кўп йиллик ўсимликлардан сунъий яйлов ва пичанзорлар яратишни энг самарали йўл ҳисоблаймиз.

Жиззах давлат педагогика институти ва Ўзбекистон Республикаси фанлар Академияси ўсимликлар ва ҳайвонот олами генафонди институти ходимлари томонидан ҳамкорликда Фориш туманининг “Қизилқум” ва “Боғдон”, Галлаорол туманининг “Лалмикор”, Нурота туманининг “Ҳозғон” ва “Янги бино” хўжалигидаги ҳудуд яйловлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида қурғоқчиликка чидамли бўлган изен, кейрук, котрон, чоғон, терескен каби ўсимликлар экиб кўрилганда яхши натижа бергани аниқланган. Бу экилган кўп йиллик озуқабоб ўсимликлар қурғоқчил келган йиллари (150-200 мм.

ёғингарчиликда) 10-12 центнер пичан ва 60-80 кг. уруғ беришини, ёғингарчилик яхши бўлган йиллари (250-280 мм. ёғингарчиликда) эса 20-25 центнер пичан ва 100-180 кг. уруғ беришини кўрсатди.

Инқирозга учраган яйловларнинг ҳосилдорлигини тубдан яхшилаш борасида экиб, синаб кўрилган ўсимлик турлари ичида изен ўсимлиги иқтисодий самарали эканлигини



кўрсатди. (Кам харажатлилиги, узоқ йиллар яхши яйлов ва пичанзор сифатида унумли фойдаланиш мумкинлиги билан).

Изен шўрагулдошлар оиласига мансубдир. У ярим бута бўлиб, бўйи 100-150 см атрофида. Изен иккита кенжа турга бўлинади.

У ҳар хил экологик шароитда чўл, тоғ, тоғолдиларигача бўлган худудларда тошли, шағалли тупроқдан тортиб бўз, қўнғир, оғир қумоқ ва шўрланган тупроқларда ҳам учрайди.

Изен эрта баҳордан кеч кузга қадар ўсади. Кузги қорасовуқ тушгач (октябрь-ноябр), ўсишдан тўхтабди. Бу ўсимликнинг муҳим биологик хусусияти шундаки, ундан қурғоқчил (ноқулай) келган йилларда ҳам мўл ҳосил олиш мумкин (бундай йиллар чўл ва ярим чўлларда ўртача 10 йилда 2-3 маротаба такрорланади).

Уни экишда ерларни 25-27 см. чуқурликда ҳайдаш лозим. Шудгорланган ернинг устки қисми текис бороналаниб, мола босилади. Мола босилган майдонда йирик кесаклар бўлмайди. Шунда тупроқ структураси яхшиланиб, уруғни сеялаларда

экишга шароит қулайлашади ва бир текисда ниҳоллар ундириб олинади. Изенни ерни қор қоплаган пайтда қўл билан сепаб экиш йўли ҳам яхши самара беради. Уруғнинг тупроққа кўмилиш чуқурлиги тупроқ хилига қараб 2-5 мм дан ошмаслиги керак. Уруғни қатта майдонларда экишда дон, чигит, қанд лавлаги экиладиган сеялалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда қатор оралиғи 90-100 см., узунлиги эса дала шароитига қараб белгиланади. Изен, одатда куз ва эрта баҳорда экилади. Сўнги тажрибалар шуни кўрсатаётгани, уни январь, февраль ва март ойининг биринчи декадасида ҳам экиш мумкин. Уруғ меъёри унинг унувчанлиги, тозаллигига қараб бир гектарга 3-5 кг. ни ташкил этади.

Экилган изен уруғи март ойларининг бошларида кўкара бошлайди. Биринчи йили изен ўсимлиги ҳар қанча яхши ривожланган бўлса ҳам, изензорда мол боқиш ярамайди. Чунки биринчи йили ер усти пояси, новдалари ҳали тўла етилмаган бўлади. Моллар уни илдиз бўғизгача еб, қайта ўсиб чиқиши, ривожланишига зарар еткази. Вегетациянинг иккинчи йилидан бошлаб изензорлардан яйлов ёки пичанзор сифатида тўла фойдаланиш мумкин.

Изензорлардан асосан пичан олиш мақсадида фойдаланилгани маъқул. Сабаби чўл ва ярим чўлларда чорвани қишнинг қорли-совуқ кунлари озиқлантириш учун пичан йиғадиган майдонлар йўқ ҳисоби. У қиш мавсумида қўй, эчки, туялар учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Сернам келган йилларда сунъий яратилган изензорлардан икки мартага қадар пичан ўриб олиш мумкин. Бундан ташқари, ўриб олинган майдонлардан куз ва қиш ойларида ростмана ўтлоқ сифатида ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Инқирозга учраган табиий янтоқзорларга изен ўсимлиги экиш усули билан яйловларнинг ҳосилдорлигини 4-5 маротаба ошириш мумкинлиги аниқланган.

Изен ажойиб озуқа бўлиши билан бирга агрономик (мелиоратив) аҳамиятга молик. Унинг сершоҳ туплари тупроқни сув ва шамол эрозиясидан сақлайди. Қолаверса, чуқур таралган қалин илдиз тизими кейинчалик чириб, тупроқни органик моддалар билан бойитади. Яна бир томони, тупроқнинг сув ҳамда ҳаво режимини яхшилаб, бошқа ўсимлик турларининг ўсиши учун қулай шароит яратди.

**Х. МАВЛАНОВ,**  
б.ф.д.,

**С. ҚОДИРОВА,**  
катта ўқитувчи, (ЖДПИ).



## ЭКМА БУРЧОҚ ЯНГИ ЭКИН

*Irrigate siul condion it nas grovn after antumn wheat. The information of expuenle such as foon alane and mix planx, Biologik peasant laturius sativus or plant of pea.*

Маълумки, дон-дуккакли ўсимликларни экишни амалга оширилиши натижасида бирданига бир нечта ҳаётий зарур муаммоларнинг ечимини топишга амалий жавоб бўлади.

Чунки, дон-дуккакларнинг дон, поя, пичан, сомон ва бошқа қисмлари ўсимлик оқсиллиги (30-35%) билан бошқа экинлардан алоҳида ажралиб туради.

Дон-дуккакли экинлар барча қишлоқ хўжалик экинлари учун энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Улардан кейин экилган ҳар қандай экиннинг ҳосилдорлигини ўртача 20-35 %гача оширади.

Экма бурчоқ (*Latirius sativus*) ҳам дон-дуккакли экинлардан бири бўлиб, ҳозиргача бу экинга аҳамият берилмаганлиги туфайли республикада деярли экилмай келади. Аммо Н.Н.Вавиловнинг фикрича экма бурчоқнинг ёввойи турлари мамлакатимизда эндем ўсимликлар сифатида кенг тарқалган, очарчилик йилларида у инсонларни очарчиликдан сақлаган ўсимликлардан бири ҳисобланади. Экма бурчоқ қурғоқчилик, шўр ва совуққа бардошли бўлгани туфайли, уни ҳозирги глобал ўзгаришлар шароитида мамлакатимиз деҳқончилигига киритишнинг аҳамияти юқоридир. Чунки, экма бурчоқ бизнинг тупроқларимиз шароитида кузда экишга мос, серҳосил (4,2-4,8 т/га) биомасса, сероқсил (33,2%) дон (3,4-4,6 т гача), ёки кўк масса (3,7-4,2 т/га), ёхуд пичан (1,8-2,2 т) бериши, шунингдек, оралик, сидерат экин сифатида ўстирилганда куздан март ойининг охири апрелнинг биринчи ўн кунлигигача ҳар гектардан ўртача 386-444 центнергача биомасса шакллантиради. У далаларга яшил ўғит сифатида ҳайдалиши эса тупроқларимизда танқис бўлаётган

органик моддаларнинг (гўнг) ўрнини босиши мумкин. Сабаби унинг 1/3 қисми гумусга айланади ва нисбатан қисқа муддат ичида тупроқ унумдорлигининг тикланишини таъминлайди, шунингдек, у энг яхши азот тўпловчидир. Экма бурчоқ дони фанер, матолар, пластмасса ишлаб чиқаришда қўлланиладиган казеинни олиш учун хомашё бўлиб ҳам хизмат қилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб экма бурчоқнинг ҳалқаро ICARDA илмий ҳамжамиятидан



2000-2002 йилларда олинган 136 та коллекция нав-намуналарини ўзимизнинг тупроқларимиз шароитида ҳар томонлама ўрганиш ва интродукциялаш йўли билан 4110 коллекция намунасида 2 карра якка танлаб, бурчоқнинг республика-миздаги биринчи серҳосил баланд поялик, чорва озиқасибоп кузда экишга мос "Фурур" намини яратдик ва у 2016 йилда Давлат реестрига киритилди.

Экма бурчоқнинг "Фурур" навининг ўзига хос хусусияти бо-

шқа дон-дуккакли экинлар (кўк нўхат, махаллий нўхат, яслик, виқалар ва ҳ.к) ларга нисбатан совуққа чидамли бўлгани сабабли кузда кечроқ тиним даврига киради ва баҳорда эрта-роқ қайта ўсишини бошлайди.

Илдиздаги азот тўпловчи туганакчалар куздан бошлаб нитрогинсиз табиий шаклланади ва ўсимликнинг тўла дуккаклаш босқичигача 286-316 донагача азот тўпловчиларни шакллантиради ва ҳаводаги молекуляр азотни энг кўп биологик азот ҳолатида тупроққа тушира олади.

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институтининг Марказий тажриба хўжалигини далаларидаги рақобатли нав синаш (КСИ) кўчатзорларида 2008-2011 йилларда гектаридан ўртача 37,5-38,7 центнергача дон ҳосили олинди.

Шунингдек, институтда 2011-2014 йилларда ўтказилган тажрибалардан олинган натижаларимизнинг кўрсатишича, гектаридан ўртача 340,5-358,4 центнергача биомасса олиш мумкин. Дон-дуккакли экинлар орасида энг касаллик ва зараркундаларга чидамли экин бу экма бурчоқдир. У қурғоқчиликка чидамлилиги бўйича ҳам барча экинлардан устунлик қилади.

Шундай қилиб, мамлакатимиз деҳқончилигига янги дон-дуккакли экинлардан экма бурчоқнинг "Фурур" навининг кириб келиши, чорвачилиқда сероқсил озуқа бўлса, оралик, сидерат экинлар сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш орқали тупроқларимиз унумдорлигининг қисқа даврда тикланишига ёрдам беради.

**М.МАННОПОВА,**

*қ.х.ф.н, катта илмий ходим,*

**З.ЯҚУБОВ,**

*лаборатория мудири, кичик илмий ходим, ДДЭИТИ.*

# ҚАТТИҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ ЭКИШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИК ВА ДОН СИФАТИГА ТАЪСИРИ

*In the article on irrigated lands practice results of planting measures optimizing in obtaining high and quality grain yield of hard wheat varieties "Krupinka", "Karlik-85" and "Makuz 3" are stated.*

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолининг нон ва макарон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун суғориладиган ерларда буғдой ҳосилдорлигини ошириш, дон сифатини яхшилаш, янги навларни яратиш, навнинг ўзига хос илмий асосланган етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

Биз дала тажрибаларини Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги "Равшанова Тўмарис" фермер хўжалиги шароитида ўтказдик. Тажриба объекти қаттиқ буғдойнинг Крупинка, Карлик-85 ва Макуз 3 навлари.

Тажрибаларимиз натижаларига кўра қаттиқ буғдойнинг Крупинка, Карлик 85 ва Макуз 3 навларини экиш меъёрини гектарига 3,0 млн. дан 5,0 млн. дона унувчан уруғгача оширилганда ҳосилдорлик ошиб борди ва гектарига 5,0 млн. унувчан уруғ экилганда навларга мувофиқ ҳолда 58,0; 53,7 ва 54,8 центнерни ташкил қилди

да дон ҳосили камайиши кузатилди (1-жадвал).

Экиш меъёрини 6,0 млн. дона унувчан уруғгача оширилганда 5,0 млн. дона унувчан уруққа нисбатан Крупинка, Карлик 85 ва Макуз 3 навларига мувофиқ ҳолда гектаридан 1,5; 1,7 ва 3,6 центнерга камайди.

Доннинг физик сифат кўрсаткичларидан бири 1000 та доннинг массаси доннинг катталиги ва тўлаллигини кўрсатади. Экиш меъёрлари 1000 та дон массасига таъсир кўрсатди. Тажрибаларимизда экиш меъёрларининг орта бориши билан 1000 та дон массаси камайиб борди. Крупинка навида экиш меъёрини гектарига 3,0 млн.дан 6,0 млн. дона унувчан уруғга оширилганда 1000 та дон массаси 3,6 г. камайди. Бундай қонуният Карлик 85, Макуз 3 навларида ҳам кузатилди (1-жадвал).

Дон натураси ҳам бирлигидаги вазнидир. Доннинг солиштирма оғирлиги қанча юқори бўлса ва маълум ҳажмга қанча кўп дон жойлашса, натура ҳам шунча юқори

Экиш меъёрлари ҳам дон натурасига таъсир кўрсатиши аниқланди. Қаттиқ буғдойнинг Крупинка, Карлик 85 ва Макуз 3 навларида экиш меъёрлари экиш меъёрини гектарига 3,0 млн. дан 6,0 млн. дона унувчан уруғга ошириши билан дон натураси навларга мувофиқ ҳолда 18, 21, 24 г/л га камайди.

Доннинг шишасимонлиги эндосперм консистенциясини таърифлайди. Ҳар бир навда доннинг шишасимонлиги ва ундаги оқсил ҳамда клейковина миқдори ўртасида бевосита боғлиқлик бор. Шунинг учун шишасимонлиги юқори дон энг яхши нон ёпиш хусусиятларига эга бўлади. Доннинг шишасимонлиги нав ва тур белгисидир.

Юмшоқ буғдой донининг шишасимонлиги қаттиқ буғдойникига нисбатан кам бўлиши аниқланди.

Экиш меъёрларини ошириш билан дон таркибидаги оқсил сақлашнининг пасайиш қонунияти кузатилди. Гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ экилганда Крупинка, Карлик 85 ва Макуз 3 навларига мувофиқ ҳолда 15,3; 14,6; 15,0 %, 4,0 млн. да 15,0; 14,4; 14,7%, 5,0 млн. да 14,8; 14,2; 14,5 %, 6,0 млн. дона унувчан уруғда 14,3; 14,0; 14,2 % ни ташкил этди.

Шундай қилиб, Қашқадарё вилоятининг суғориладиган ерларида қаттиқ буғдойнинг Крупинка, Карлик 85 ва Макуз 3 навларининг мақбул экиш меъёри гектарига 5,0 млн. дона унувчан уруғ эканлиги аниқланди. Экиш меъёрини кўрсатилган меъёрдан камайтириш ёки ошириш ҳам дон ҳосилининг камайишига олиб келди. Қаттиқ буғдой навларини оптимал меъёрда (5,0 млн.) экилганда юқори ҳосил ва сифатли дон ҳосили шаклланиши аниқланди.

**П. БОБОМИРЗАЕВ,**

СамҚХИ, "Ўсимликшунослик ва деҳқончилик" кафедраси доценти.

Навлар	Экиш меъёри млн. унувчан уруғ/га	1 кв. даги маҳсулдор ноёлар сонини, дона	Ҳосилдорлик, ц/га	1000 та дон массаси, г	Дон натураси, г/л	Шишасимонлик, %	Оқсил, %	Клейковина, %
Крупинка	3,0	412	52,3	48,5	787	86	15,3	34,0
	4,0	467	55,0	47,6	782	84	15,0	33,2
	5,0	518	58,0	46,4	777	80	14,8	32,1
	6,0	505	56,5	44,9	769	77	14,3	30,5
Карлик 85	3,0	339	47,9	43,7	778	81	14,6	31,8
	4,0	391	51,3	42,9	772	77	14,4	31,1
	5,0	448	53,7	41,6	766	74	14,2	30,4
	6,0	407	52,0	40,1	757	70	14,0	30,0
Макуз 3	3,0	376	51,1	45,4	789	85	15,0	33,1
	4,0	469	52,9	44,0	783	81	14,7	32,0
	5,0	506	54,8	42,6	775	78	14,5	31,3
	6,0	471	51,2	41,5	765	73	14,2	30,2

ёки дон ҳосили навларга мувофиқ ҳолда гектарига 5,7; 5,8 ва 3,7 центнер кўпайди. Экиш меъёрини гектарига 5,0 млн.дан 6,0 млн. дона унувчан уруғгача оширилган-

бўлади. Доннинг натурасига унинг шакли, тўлаллиги, юзаси, массасининг зичлиги таъсир қилади. Дондан уннинг чиқиши ҳам маълум даражада натурасига боғлиқ.

## АДАБИЁТЛАР

1. Арустамов Г. Н. Влияние нормы высева и плодородия почвы на структуры урожая пшеницы в условиях Ульяновской области// Сб. науч. трудов. вып.1. -Москва, 1957. -С. 69.



# БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫЕ СОЕДИНЕНИЯ ПЛОДОВ РОДА CRATAEGUS L.

*The goal of this work it was to determine content of biologic active compounds. Also the show influence of spring 20 days earlier, compared to previous yearly, the impact of a large number of sunny days on the fruits content of sugars and the dry compounds.*

В современных условиях жизнедеятельности человека с нервно-эмоциональным перенапряжением, недостаточной физической нагрузкой возникает особое состояние организма — характеризующая определенный характер обмена соединений. В этой связи особое значение приобретает ценность продуктов питания по содержанию биологически-активных соединений. Плоды и овощи являются основными источниками аскорбиновой кислоты, однако не все они характеризуются высокой С-витаминной активностью. Различия между отдельными видами достигают огромных размахов — от 3 мг% в винограде до 1000 мг% в ациролле. Глюкоза быстро всасывается в кровь из желудочно-кишечного тракта, затем поступает в клетки органов, где вовлекается в процессы биологического окисления. Во время бодрствования организма энергия глюкозы восполняет почти половину его энергетических затрат. Среди новых нетрадиционных культур в Узбекистане особое место занимает боярышник, плоды которого уникальны по лечебно-диетическим достоинствам.

Боярышник — это пищевое, витаминное, лекарственное, декоративное растение, имеет крупные привлекательные цветки, высокую урожайность и может занять достойное место в наших садах. Многие виды боярышника — ценные пищевые и лекарственные растения. Действующие соединения боярышника понижают возбудимость ЦНС и сердечной мышцы, способствуют повышению сократимости последней, улучшению коронарного и мозгового кровообращения, нормализации сердечного ритма, устраняют головокружение. Благодаря наличию тритерпеновых соединений и флавоноидов оказывает спазмолитическое действие, избира-

тельно расширяя сосуды сердца и головного мозга; гипотензивное действие; способствует нормализации венозного давления, улучшает функции сосудистых стенок. В экспериментальных исследованиях показано, что галеновые препараты боярышника и тритерпеновые гликозиды оказывают выраженное анти-атеросклеротическое действие.

Зрелые плоды в свежем виде мягкие, мучнистые и вкусные, по лечебной ценности мало уступают шиповнику. Содержат от 4 до 11 % сахара, в основном фруктозы, так что их можно употреблять и при диабете, а также комплекс биологически активных соединений — три-терпеновых кислот (олеановой, урсоловой и крагетовой), холина и ацетилхолина, кверцетина, дубильных соединений, фитостероидов, винной и лимонной кислоты, витаминов А, С, Р. Содержание кислот невелико и колеблется от 0,26 до 0,93%. В более сочных плодах оно выше, мучнистые суховатые плоды почти лишены кислот. Содержание витаминов достигает: витамина С — 31—108 мг% (у американских видов до 257,3), витамина Р — 330-680 мг%, каротина 2—4 мг % (у американских видов до 75). Довольно много пектина, который не только образует при переработке желе, но и выводит из организма соли тяжелых металлов и другие вредные соединения.

Плоды крупноплодных видов вкусны, их можно есть свежими, перерабатывать на повидло, вино, компот и заваривать как чай. Однако боярышником не стоит злоупотреблять. Более 200 гр. ягод съедать за один раз не рекомендуется, так как это может вызвать резкое падение кровяного давления и нарушение ритма сердечных сокращений. Повидло из боярышника заменяет двукратный прием такого

сильного сердечного средства, как адонизид. Плоды боярышников, имеющие сухую мучнистую мякоть, используют в основном сушеными. Их размалывают в муку, которую добавляют при выпечке хлеба и кондитерских изделий.

Целью данной работы являлось определение содержания биологически активных соединений в плодах боярышника. Показать, что как-то влияние наступления весны на 20 дней раньше, по сравнению с прошлыми годами, влияние большего количества солнечных дней на плоды и содержания в них сахаров и сухих соединений.

Биохимический анализ ягод проведен в лаборатории ООО "AGROBIOKIMYO" следующими методами: 1. Содержание аскорбиновой кислоты определяли спектрофотометрически. Метод основан на редуцирующих свойствах аскорбиновой кислоты. 2. Определение сухих соединений. Метод основан на высушивании плодов при 105°C в сушильном шкафу до постоянной массы навески (ГОСТ 28561-90).

Выводы:

Исследование химического состава плодов рода Crataegus по содержанию биологически активных соединений позволяют выделить их для пищевой и фармацевтической промышленности, как источники биологически активных соединений: сахаров: С. flabellate, С. deksiflora, С. canadensis, С. sanguinea; аскорбиновой кислоты: С. flabellata С. arnoldiana и сухих растворимых соединений: С. Sanguinea. Так же смело можно отметить и о влиянии ранней весны и аномально жаркого лета на содержание БАВ и сухих соединений в плодах боярышников.

**М. ХАЙДАРОВА,**  
магистрант,

**А. КАЙМОВ,**  
д.с.х.н., профессор, ТашГАУ.

## ЛИТЕРАТУРА

1. Ермаков А.И., Арасимович В.В., Смирнова-Иконникова М.И. и др. Методы биохимических исследований растений. / 2-е изд. испр. и доп. — Л., 1972. 283 с.
2. Петрова В.П. Биохимия дикорастущих плодово-ягодных растений. — Киев, 1986. 287 с.
3. Петрова В.П. Дикорастущие плоды и ягоды. — М., 1987. 248 с.

## СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАР УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАРИ

*On this article it was highlighted about the results on grooving together bean and haricot bean with cotton plant in Andijan province. By the help of used technology harvest from of cotton plant field 1 hectare. We can take additional 15-20 centner valuable leguminous crops and 60-70 c fodders and 2-3 c of cotton. Humus and natural azote will gather on the field of cotton planet. We can economize the water by growing 2 kinds of crops into one sowing area during the vegetation period.*

Республикамизда аҳоли сони йил сайин кўпаймоқда. Бу халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш бош вазифа бўлиб қолаверишини тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан давлат раҳбарияти ва илмий ишлаб чиқариш ташкилотлари аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга боғлиқ чоратadbирларни кўрмоқда. Жумладан, институтимизнинг бир гуруҳ олимлари 2011 йилдан бошлаб суғориладиган ерлар унумдорлигини оширишда 1 га даладан бир йилда икки-уч марта ҳосил олиш бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. Масалан, кузги бугдой билан бирга беда экиш, ғўза далаларида дуккакли экинлар экишни қўллаш. Ғўза ва дуккакли экинларни (ловия, мош) бир-бирига халақит бермасдан баҳор фаслида экиш йўлга қўйилган. Ушбу масаланинг ижобий ечими республикамиз озиқ-овқат муаммосини ечишда катта аҳамиятга эга.

Дуккакли экинлардан — соя тупроқни табиий азот билан бойитиш имконини беради, тупроқнинг биологик унумдорлигини ошириб, ўздан кейин тупроққа 55-60 кг. миқдорда соф азот қолдириб кетади. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, соя экилгунга қадар тупроқда гумус миқдори 0,65-0,75% ни ташкил этса, соя экилгандан сўнг 0,95-1,03% га ортиши кузатилади.

Соя уруғлари азотофиксаторлик қиладиган бактериялар билан ивителиб экилганда, илдизларида 36 кундан кейин 18-36 тагача туганак бактерия тугунчалари пайдо бўлган.

Ғўза ва бугдой навбатлаб экиладиган далаларда бир йиллик дуккакли экинлар — соя, мош, ловия, нўхат, ерэнгоқ ва кўк нўхат такрорий экилганда тупроқда 1 гектар ҳисобига 60-80 кг. табиий азот тўпланади, тупроқ қатлами чиринди билан бойитилади, унумдорликни сақлаш имконияти яратилади.

Юқорида келтирилган ишларга таққослаган ҳолда биз қуйидагича тажриба ўтказдик.

Бунда ловия ёки мош экинлари-

нинг тик ўсадиган навлари танланди. Бир гектарга 15-20 кг. дуккакли экинлар уруғлари экилди. Суғориш ва агротехника усуллари ғўза билан бир хил бўлди. 60 кунда дуккакли экин ҳосили йиғиштирилди, ғўза ривожланиши давом этди. Лекин, дуккакли экин томонидан ерни табиий азот билан бойитиш хусусиятини уйғотиш учун экиладиган уруғларни азотофиксатор қиладиган бактериялар билан тўйдириш лозим.

Ушбу технология ёрдамида бир гектар ғўза даласидан қўшимча 15-20 ц. дуккакли экин ҳосили ва 60-70 ц. ем-хашак олинади. Пахта ҳосилдорлиги 2-3 центнерга ошади, шу билан бирга, пахта толасининг сифати яхшиланади. Ғўза майдони тупроқларининг устки қатламида гумус ва табиий азот тўпланади.

Андижон вилоятида чигит экиш учун ерни тайёрлашга катта эътибор қаратилади. Вилоятнинг Булоқбоши тумани Жўраполвон массивида 2015 йил 5 апрель куни чигит экиш ишлари бошланди.

Дуккакли дон уруғини чигитга қўшиб экиш мақсадида Жўраполвон массивидаги “Замирабону саховати” фермер хўжалигининг бир гектар майдонида тажриба ишлари олиб борилди. Экишдан олдин тупроқ намуналари лабораторияда текширилди. Чигит экилган куннинг эртасига тугунак бактерияга ивителинган дуккакли дон экинлари: мош ва ловияни чигитнинг орасидан 5 см оралиқ масофа сақлаган ҳолда ерни саёз ковлаб, мошни 3-4 донадан, ловияни эса 2-3 донадан экиб чиқилди. Мош ва ловияни азотофиксаторлик қиладиган бактерияга ивителиб экишдан мақсад, бактерияга ивителинган дуккакли дон маҳсулотлари ҳайвон ҳам, ўсимлик ҳам ўзлаштира олмаган ҳаво қатламидаги азотни ўзига бириктириб олиш хусусиятини оширишидир. Шунда, ердан икки марта ҳосил олиш, шунингдек, суғоришлар сонининг камайиши, олий навли пахта етиштириш таъ-

минланади. Бактерияга ивителинган мош ва ловия эрта тонгда, қуёш чиқмасдан аввал экиб чиқилди. Сабоби қуёш мош ва ловия таркибидаги бактерия хусусиятини йўқотиши мумкин. Тажрибадаги 1 га ерга ёпиқ ҳолда, яъни плёнка остига уруғ экиб чиқилди. Пахта, мош ва ловиянинг ўсиб-ривожланиши феннологик жиҳатдан кузатиб борилди. Дуккакли дон экинлари эрта ҳосил беришини ҳисобга олган ҳолда ҳосилни 50 кун ичида йиғиштириб олиш мўлжалланди. Ҳосил ғўза шоналагунга қадар йиғиштириб олинди. Тажрибада ғўзанинг “Андижон — 35”, ловиянинг “Олтин” ва мошнинг “Победа” навларидан фойдаланилди.

Тупроқ анализи натижалари “Ўздаверлойиҳа” Андижон комплекси лойиҳалаш филиалида аниқланди.

Бир гектар майдондан: “Андижон-35” навидан 42-43 ц, ловиянинг “Олтин” навидан 15-16 ц, мошнинг “Победа” навидан 10-11 ц. ҳосил олишга эришилди.

Тажриба далаларида ғўза, ғўза+ловия, ғўза + мош экиш технологияси вариантларини таҳлил қилганимизда қуйидаги натижаларга эришилди: бир вегетация даврида бир экин майдонида икки хил экин экилиб, улардан юқори ҳосил олинди, сувни тежашга, экин майдонларида дуккакли дон экинлари эрта ҳосил беришини ҳисобга олган ҳолда ердан фойдаланиш коэффиценти ортди, туганак бактерияларни қўллаш эвазига ернинг унумдорлиги гумус ва табиий азот миқдори кўтарилди. Пахта ҳосилдорлиги 2-3 центнерга ошди ва тола сифати яхшиланди.

**Ш.ЭГАМБЕРДИЕВА,**

Тошкент ирригация ва мелиорация институти,

**Ф. БАРАЕВ,**

проф.,

**З. РАҲМОНОВ,**

Андижон қишлоқ хўжалиги институти.



# ЗАРАРЛИ ХАСВА – ҲОСИЛ ОФАТИ

*In the article were given the results the biology and conclusions on peculiarity of sunn pests in sowing winter wheat.*

Ризқ-рўзимиз манбаи – ғалладан мўл ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан экинни зараркунанда ва касалликлардан самарали ҳимоя қилишга боғлиқ. Бунинг учун эса зараркунандаларнинг биологиясини билиш муҳимдир. Республикамининг барча ғаллазорларида учраб, буғдой ва арпага жиддий зарар етказадиган ҳашаротлардан бири - зарарли хасва ҳисобланади. Зарарли хасва катталиги 10-12 мм бўлган, танасининг ранги сариқ ёки сарғиш-кулранг, сирти мармарсимон нақшли, елка соҳасида иккита оқиш доғчаси билан ажралиб турадиган ҳашарот – қандаладир. Хасванинг камроқ қисми тоғолди текисликларида, асосан далалар атрофидаги бегона ўтлар, ўсимликлар қолдиқлари, хасчўплар остида етук зот шаклида қишлаб чиқади. Март-апрель ойларида қишлоқдан чиқиб кузги ғалла экинларига учиб ўтади ва поя чиқариш қисмини сўриши натижасида аввал ўсимликнинг марказий барг қисми, кейинчалик бутун ўсимлик сўлиб, қуриб қолади. Ўсимлик ривожланишининг дастлабки униб чиқиш, тулланиш ва бошоқ тортиш фазаларида қишлоқдан чиққан етук зот хасваларнинг зарарлаши ўта хавфли ҳисобланади. Бу даврда зарарли хасванинг иқтисодий зарар мезони 1м<sup>2</sup> да 1,5-2 донани ташкил қилади.

2016 йил мавсумида зарарли хасванинг биологик хусусиятларини (ривожланиш динамикасини) ўрганиш мақсадида, Фарғона вилояти Боғдод туманидаги ЎзЎҲҚИТИ Қўқон таянч пункти дала атрофлари ва ғаллазорларида кузатувлар олиб бордик.

Олинган маълумотларга кўра, зарарли хасва март ойининг III ўн кунлигидан бошлаб қишлоқдан уйғона бошлади ва ғаллазорларга кўчиб ўтиши апрель ойининг I ўн кунлигидан бошлаб кузатилди.

Тухум кўйиши апрель ойининг II ўн кунлигидан май ойининг II ўн кунлигигача давом этди. Дастлабки личинкалари апрель ойининг III ўн кунлигидан пайдо бўлиб, далаларда июнь ойининг ўрталаригача учради. Дастлабки янги авлод етук хасвалар июнь ойининг I ўн кунлигида пайдо бўлиб, қишлаш жойларига июнь ойининг III ўн кунлигидан кўча бошлади (жадвал).

Зарарли хасва тухумларининг ривожланиши об-ҳавога қараб, яъни 15°C бўлганда 18 кун, 20-25°C да эса 6-7 кун давом этди. Личинкаларининг ривожланиши эса то етуклигигача об-ҳаво шароитига қараб 30-35 кун давом этди. Катта ёшдаги хасвалар буғдой ўрими тамом бўлиши билан дала четдаги ёввойи ҳамда маданий ўсимликлар билан озикланиб, етарли ёғ моддаси тўплагач, қишлоқга кетди, 2016 йилда ҳам тухум кўйишдан бошлаб то етук ҳашарот шаклигача ривожланиши учун фойдали ҳарорат йиғиндиси 538°C га тенг бўлди.

Олиб борган тадқиқотларимизда зарарли хасванинг ривожланиши эрта баҳор ойларида ҳароратнинг бирмунча юқори ва ёғингарчиликларнинг нисбатан кам бўлиши ҳисобига бошқа йилларга нисбатан 2016 йилда 7-10 кунга эртароқ бўлди. Демак, 2016 йил февраль ойининг охири ва эрта баҳор мавсумидаги об-ҳавонинг нисбатан юқори (февраль ойи 3-декадасида ўртача кўпйилликка нисбатан фарқи +9,5°C ва март ойи 1-декадасида +9,7°C) келиши зарарли хасванинг ривожланиш динамикасига сезиларли таъсир қилди.

**А.УРАЗБАЕВ,**

*катта илмий ходим,*

**З.ПҮЛАТОВ,**

*қ.х.ф.н., ЎзЎҲҚИТИ,*

**З.БЕКЧАНОВ,**

*РФУМ бўлим бошлиғи.*

Зарарли хасванинг фенологик ривожланиш  
(Фарғона вилояти ЎзЎҲҚИТИ Қўқон т/п. буғдойзорлари, 2015-2016 йй.)

Йиллар	Март			Апрель			Май			Июнь			
	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1
2015	(+)	(+)	(+)	(+)	+	+	+						
				+		•	•	•					
							-	-	-	-	-	-	
											+	+	(+)
*	VI	VI	VI	VII	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Ўрим-йиғим		
2016	(+)	(+)	(+)	+	+	+	•	•	•				
			+		•	•	•						
							-	-	-	-	-	-	
										+	+	(+)	(+)
*	VI	VI	VII	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Ўрим-йиғим			

**Шартли белгилар:** (+) тиним давридаги етук зот; + етук зотнинг учини; • тухуми; - (1-5 ёш) личинкаси.

\* **Буғдойнинг органогенез босқичлари:** VI – тулланиш; VII – найчалаш; VIII – бошоқлаш; IX – гуллаш; X – сут пишиш; XI – мум пишиш; XII – тўлиқ пишиш.

# ФАЗИЛАТЛИ ИНСОН ЭДИ

Худоёр Латипов катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, кўп эврилишлар шоҳиди бўлган инсон эди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, иқтисод фанлари номзоди, боғбон Худоёр Латипов бир қанча китоблар ҳам ёзган. “Чўл гавҳари”, “Машаққатли йиллар ёди”, “Эсимда қолган кунлар”, “Мирзачўллик бўламан”, “Мен эккан дарахтлар” ва “Қалб нидоси” каби китобларини ўқиб, машҳур чўлқувар, Иккинчи жаҳон уруши оловларидан омон ўтган, деҳқончиликда янгиликларга интилган, боғ-роғлар яратган, кўплаб шоғирдларга устозлик қилган бу инсон агар ҳаёт бўлганида яқинда 95 ёшга кирар эди. Қуйида ҳассос шоир Саъдулла Ҳакимнинг отахонни хотирлаб билдирган фикрлари ҳамда Х.Латипов ижодидан намуналарни эътиборингизга ҳавола этамиз.



Халқимизда одамларга азал-азалдан, энг аввало, инсоний фазилатларига қараб баҳо бериб келинган. Яхши ном таратиш энг юксак шараф саналган. Кимнинг одамларга нафи кўп тегса, эл ҳам уни мудом қадрлаб келган. Яхши инсон рутбасига дохил бўлиш йўлида замон эврилишлари ҳеч қачон ғов бўлган эмас. Яхши фазилатлари билан ном қозонган, оилада, маҳаллада, элу юртда барча одамлар учун ибратнамуна бўлиб келган инсонлар илгарилари ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор.

Болалиқдан меҳнат билан улғайган, ҳаётнинг яхши ва ёмон, мураккаб ва фароғатли кунларини бошидан ўтказган Худоёр ака Латипов ана шундай инсон эди. У киши ўтган асрнинг оғир очарчилик йилларини ҳам, иккинчи жаҳон урушининг мусибатларини ҳам, қатағон замонларини, “ўзбек иши” дея ном олган мудҳиш бўҳтон қутурган даврларни ҳам кўрган. Халқимиз кўкрагига ҳур-ҳур баҳор шамоллари теккан истиқ-

лол замони шуқуҳини бутун вужуд билан ҳис этган эди.

Ўзи қишлоқ хўжалиги ходими бўлса ҳам, адабиётга яқин, шеърятга ошно бўлиб, кўнглига илҳом завқ солса, кўрган-кечирганларини, ҳис-ҳаяжонларини қоғозга тушириб юрарди. Мен бу ажойиб инсон билан тўқсонинчи йилларда таниқли ёзувчи Ўктам Усмонов туфайли яқиндан танишиб қолгандим. Унинг умр кечмишлари ўзи бир қисса, ғоят ибратга тўла китоб эди. Бирга-бирга уларни гўё бир ипга чизгандек тегиб, саралаб, тозалаб чиқдик. “Эсимда қолган кунлар” деб номланган мўъжазгина китоб дунёга келди. “Шу анжир япроғидай китобим амалдан афзалроқ обрў келтирди”, деган эди Худоёр ака ўшанда. Ва бир ҳикматни айтиб берган эди: “Ўзи бир танга, аммо нархи минг тангалик ишлар бор. Ўзи минг танга, аммо нархи бир тангалик ишлар бор. Китобим нархи минг тангалик иш бўлди-да!”. Очиғи, ўшанда халқимиз-

нинг гўзал удумларидан бирига амал қилиб, у кишининг илтифотига кўра, ота-бола тутинганмиз.

Табиатан тоза инсон эмасми, кейинчалик, етмиш ёшидан ошганда шеърятга чиндан кўнгли қўйди. Бир қанча назмий асарлари чоп этилди. Бадиий ифодада ҳаваскорлиги билиниб турса-да, туйғуларининг табиийлиги, ҳаётийлиги, самимияти унча-мунча ижодкорлар ҳавас қилгулик эди. Мисол учун, “Биргина илинжим меҳнатим бўлди, Чўлларда чекканим захматим бўлди. Ўстирган ўғил-қиз давлатим бўлди, Биров билиб, биров билмади мени”, мисралари каби.

Зеро, у кишига татбиқ қилиб айтиш мумкинки:

**То бор экан жисму танда жон,  
То бор экан жилвагар ҳаёт.**

**Энг юксак бахт, энг юксак унвон  
“Яхши одам!” деган шу бир от!**

**Саъдулла ҲАКИМ,**

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими.*

## ҲАЁТ ШАРТЛАРИ

*Авалло бўл саломат,  
Илм ол, қил қаноат.  
Қўллайди сени Худом,  
Гар бўла олсанг мудом  
Ватанга — садоқатли,  
Ҳар ишда — адолатли.  
Ўтар яхши-ёмон кун,  
Келар дориломон кун.  
Шафоатинг қилса шод,  
Сени элинг қилар ёд!*

## ДАЛА

*Далага — кенгликка ўргандим чунон,  
Ўзимни даласиз тезда унутгум.  
Мен учун даласиз дунё - тор зиндон,  
Далага чиқдимми, яшариб кетгум.*

*Далада кўзимга дунё бўлакча,  
Гўё онаси-ла яйраган тойман.  
Далада чоғ руҳим гўё чўғ-лахча,  
Далада ғоятда қудратли, бойман.*

\*\*\*

*Миллат ғурурини мумтоз этайлик,  
Яхши анъанасин эъзоз этайлик.  
Яхши ном қолдириб, ҳаётлик пайти  
Ўзни яхшиларга ҳамроз этайлик.*

\*\*\*

*Дейдилар: от изини той босади,  
Ким меҳнаткаш - қозонини мой босади.  
Умр бўйи қайнаб, тошиб турмаса гар  
Булоқларнинг кўзини ҳам лой босади.*

**Худоёр ЛАТИПОВ.**



## ОЛИМНИНГ ҚУТЛУҒ ЁШИ

**Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик энтомология фанини юқори чўққиларга кўтаришда улкан ҳисса қўшган олим-энтомолог, агротоксиколог, фан доктори, профессор Шомил Хўжаев 75 ёшга тўлди.**

Олимнинг болалик ва ўсмирлик даври ўтган асрининг олтишинчи йилларига тўғри келди. У 1960 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтига қабул қилиниб, 1965 йили олийгоҳни имтиёзли тугатди. Яна бир йилдан кейин эса Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтига ишга жойлашиб, олимликка эришиш учун керак бўладиган барча йўлларни босиб ўтди. 1980 йилдан ҳозиргача агротоксикология лабораториясини бошқариб келмоқда.

Олим кўп йиллик изланишлари даврида уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини яратиб, такомиллаштириш устида ишлади. Масаланинг турли қирралари — зараркунандаларнинг пестицидларга сезгирлигини аниқлаш (чидамликка қарши), пестицидларнинг самарадорлигини, ўсимликка ва фойдали ҳашаротларга таъсирини ўрганиш, ўсимликдаги қолдиқ миқдорини аниқлашни ўрганиб, замонавий талабларга жавоб берадиганларини топиш билан шуғулланди. Ғўздан ташқари йўлдош экин ва дарахтларда (терақ, гужум, тут) ҳам пайдо бўлган муаммоларни ечишга киришиб, шогирдлари билан биргаликда ижобий натижаларга эришди.

1974 йили Тошкент Қишлоқ хўжалиги институти қошидаги ихтисослашган кенгашда номзодлик диссертациясини, 1991 йили эса Россияда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1993 йили республика олий аттестация комиссияси унга мутахассислиги бўйича профессор илмий унвонини берди.

Шомил Турсунович юқори малакали ёш мутахассисларни тайёрлаш йўлида тинмай хизмат қилиб келмоқда. Унинг раҳбарлигида 38 та фан номзоди ҳамда 5 та фан доктори тайёрланди, яна 5 нафари докторлик ишини давом эттирмоқда. У 480 та илмий-оммабоп мақола, 11 та китоб ва 5 та амалий тавсия муаллифи ва ҳаммуаллифидир. Унинг раҳбарлигида қуйидаги хўжалик ҳамда иқтисодий аҳамиятларга эга бўлган натижалар олинган.

255 тадан ортиқ янги ва аналог инсектицид ва акарицидлар ҳар томонлама баҳоланиб, амалиётга жорий этилган. Республикада худудларида илк бор пайдо бўлган зараркунандаларни биологик хусусиятлари ўрганилган ҳолда (оқ қанот, помидор занг канаси, тут парвонаси ва бошқалар) уларга қарши уйғунлашган ҳимоя қилиш тизими яратилган. Республикада 1979—1984 йиллари илк бор ҳашаротларнинг жинсий феромонларини ўрганиб, 1987—1990 йиллардан бошлаб ЎзФАнинг биоорганик кимё институти мутахассислари билан ҳамкорликда ғўза экиладиган барча майдонларда кузги ва ғўза тунламлари (қўсак қурти) феромон тутқичлар ёрдамида мониторинг қилинмоқда.

Ҳозирда ҳам Шомил Турсунович ўз шогирдлари билан бирга, турли лойиҳаларда назарда тутилган муаммоларни ечиш устида тинмай фаолият кўрсатмоқда. Шу қутлуғ кунда домлани табаррук ёшлари билан муборак этиб, унга мустахкам соғлиқ, узоқ умр, мазмунли ва бахтли ҳаёт кечиришларини тилаб қоламиз.

*ЎзЎҚИТИ маъмурияти ва шогирдлари.*



## АГРОТЕХНИКАЛАР ҲАҚИДАГИ ИЛМИЙ МОНОГРАФИЯ

“Фан ва технология” нашриёти техника фанлари доктори, профессор М.Тошболтаевнинг қарийб 38 босма табоғдан иборат “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш даражасини оширишнинг назарий-методологик асослари” номли монографиясини нашрдан чиқарди.


Монографияда машина-трактор агрегатларини функционал моделлаштириш ва рационал бутлаш, ғилдиракли ва занжирли тракторлар, улар базасида тузилган агрегатларнинг динамик хусусиятларини яхшилаш, машиналар иш унумини ошириш, фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш соҳалари учун талаб этиладиган техника воситаларининг оптимал таркиби ва сонини аниқлашга доир мавжуд илмий муаммолар илк бор систематик таҳлил ва системали ёндашув усуллари ёрдамида тадқиқ этилган. Агрегатлардан фойдаланиш даражасини оширишнинг илмий-техник ечимларини белгиловчи фундаментал назариялар, қонуниятлар яратилиб, машиналарнинг агротехник, эксплуатацион-тех-

нологик ва ишончлилик кўрсаткичларини ошириш бўйича илмий асосланган тавсиялар берилган.

Шунингдек, фермер хўжаликлари, муқобил ва туман машина-трактор парклари ишлаб чиқариши учун талаб этиладиган қишлоқ хўжалиги машиналарининг рационал таркиби ва миқдорини аниқлашнинг методологик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Агрегатларни тадқиқ этиш, лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва ишлатиш билан шуғулланаётган илмий ва муҳандис-техник ходимлар, ёш олимлар, катта илмий ходим-изланувчи ва магистрлар учун мўлжалланган мазкур монография Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ҚХФ-2-001 фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган тадқиқотлар натижалари асосида ёзилган.

## Янги нашрлар



# ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОҲАЛИГИ

(«Сельское хозяйство  
Узбекистана»)

Аграр-иқтисодий,  
илмий-оммабоп журнал

## МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги  
вазирлиги

## Бош муҳаррир:

Тоҳир  
ДОЛИЕВ

## Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ  
Аброр ВАХАБОВ  
Тўлқин САФАРОВ  
Шавкат ХАМРАЕВ  
Шухрат ТЕШАЕВ  
Низомиддин БАКИРОВ  
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ  
Содиқжон ТУРДИЕВ  
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ  
Яшин ХИДИРОВ  
Сурат ҲАЙДАРОВ  
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ  
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ  
Шермат НУРМАТОВ  
Ўктам УМУРЗОҚОВ  
Норкул ХУШМАТОВ  
Равшанбек СИДДИҚОВ  
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ  
Муҳаммадjon ИБРАГИМОВ

2017 йил,  
№4. Апрель

Журнал 1922 йил  
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:  
якка обуначилар учун – 894  
ташкilotлар учун – 895

# МУНДАРИЖА

Т.ДОЛИЕВ. Она замин — тириклик манбаи .....	1
<b>Ш.АБДУАЛИМОВ, Ф.ҲАСАНОВА, Ш.КАРИМОВ.</b> Баҳорнинг ҳар дами ганимат .....	2
<b>А.НАРИМАНОВ, Ж.АБДУРАЙИМОВ, И.НЕЪМАТОВ.</b> Чигит экишда бир текис кўчатлар ундириб олиш мезонлари .....	4
<b>М.ТОШБОЛТАЕВ, А.ҚОРАХОНОВ.</b> Иш қуролинг соз бўлса .....	5
<b>Р.СИДДИҚОВ, И.ЭГАМОВ.</b> Фаллазорларда иш қизгин .....	7
<b>Ш.УМАРОВ, Б.НАСИРИЛЛАЕВ.</b> Пиллакор мавсуми бошланди .....	8
<b>Р.АБДУЛЛАЕВ, Х.АБДУЛЛАЕВА.</b> Боғларда баҳор .....	9
<b>Р.ҲАКИМОВ, Б.АЗИМОВ, Ф.РАСУЛОВ.</b> Сабзавот, полиз экинларини экиш ва парваришlash .....	10
<b>Қ.БОБОБЕКОВ, К.МАМАТОВ.</b> Помидор қуясига қарши кураш тадбирлари .....	12
Табиий офатни бартараф этиб .....	13
<b>А.НУРМАТОВ, Б.АЛЛАШОВ, Б.ЖУМАДУЛЛАЕВ, Р.РЎЗИЕВ, О.ТЎРАЕВ.</b> Чорвадорларнинг баҳорги юмушлари .....	14
<b>Р.ҚУРБОНОВ.</b> Вьетнам балиқчилиги .....	16
“АНТИКА”нинг антиқа ишлари .....	17
<b>Я.ХУСАНОВ.</b> Халқ банки халқимиз хизматида .....	18
<b>Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ.</b> Помидор комбайнда терилади .....	19
<b>Ф.МИРЗАЕВ.</b> Калийнинг каромати .....	20
<b>Х.КАРИМОВ.</b> Аҳиллик ютуқларга чорлайди .....	22
<b>Ф.МИРЗО.</b> Илк қалдирғочнинг парвози .....	23
Эллиққальанинг бугунги одамлари .....	24
<b>Ш.ЖАББОРОВА.</b> Ёшлиқ – изланиш ва имконият .....	25
<b>Ш.СОДИҚОВА.</b> Излаган имкон топар .....	26
<b>Ш.ЯҚУБОВ.</b> Ўқиб, ўқиб, изланиб... ..	27
Эртаси бугунидан порлоқ .....	27
“Умида”нинг умидли сардори .....	28
Насли чорва сари .....	29
Биологик кураш – истиқболли ҳимоя .....	30
<b>Н.ХУШМАТОВ, У.САДУЛЛАЕВ.</b> Томорқа ерлари – даромад калити .....	31
<b>Б.ТОШНАЗАРОВ.</b> Лимончилар маҳалласи .....	32
Боғдорчилик илми .....	33
Томорқачи чорвадор .....	33
<b>К.ЭРҒАШЕВ.</b> Боғбонларнинг боғбони .....	34
<b>Н.ФАХРУТДИНОВ, А.САИТОВ.</b> Хона шароитида “ТОШКЕНТ” навли лимон етиштириш .....	35
Томорқадаги беминнат маҳсулот .....	36
Паррандачилик сирлари .....	37
Қуёнларни кўпайтириш ва касалликлардан ҳимоя қилиш .....	38
Интеркаляр усул афзаллиги .....	39
<b>Х.МАВЛАНОВ, С.ҚОДИРОВА.</b> Изен — чўл чорвасининг тўйимли озуқаси .....	40
<b>М.МАННОПОВА, З.ЯҚУБОВ.</b> Экма бурчоқ янги экин .....	41
<b>П.БОБОМИРЗАЕВ.</b> Қаттиқ буғдой навларини экиш меъёрларининг ҳосилдорлик ва дон сифатига таъсири .....	42
<b>М.ХАЙДАРОВА, А.КАЙИМОВ.</b> Биологически активные соединения плодов рода Crataegus l. ....	43
<b>Ш.ЭГАМБЕРДИЕВА, [Ф.БАРАЕВ], З.РАҲМОНОВ.</b> Суғориладиган ерлар унумдорлигини оширишнинг ноанъанавий усуллари .....	44
<b>А.УРАЗБАЕВ, З.ПЎЛАТОВ, З.БЕКЧАНОВ.</b> Зарарли хасва – ҳосил офати .....	45
<b>С.ҲАКИМ.</b> Фазилатли инсон эди .....	46
Олимнинг қутлуг ёши .....	47
Агротехникалар ҳақидаги илмий монография .....	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида 2007 йил  
11 январда 0158-рақам билан  
рўйхатга олинган.

**Манзилимиз:** 100004, Тошкент  
Шайхонтоҳур тумани,  
А. Навоий кўчаси, 44-уй.  
Тел: +998 97 440 47 58,  
+998 90 932 79 44.

[www.qxjournal.uz](http://www.qxjournal.uz)  
E-mail: [qxjournal@qsv.uz](mailto:qxjournal@qsv.uz),  
[uzqx\\_journal@mail.ru](mailto:uzqx_journal@mail.ru)

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2017 йил  
27 март. Босишга рухсат этилди:  
2017 йил 28 март. Қоғоз бичими  
60x84 1/8. Офсет усулида офсет  
қоғозига чоп этилди. Шартли босма  
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.  
Буюртма № 81. Нусхаси 5000 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК  
босмахонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри,  
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: **С.РУСТАМОВ**  
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**






## КАЧЕСТВО И ОБЪЕМ ЗЕРНА НЕ ДОЛЖНЫ ПОСТРАДАТЬ!

Обеспечение качественного хранения резерва зерна, собранного с большим трудом со стороны нашего народа, наших дехкан и фермеров, является одним из самых актуальных задач сегодняшнего дня. Скажем, вы после сбора зерна хорошо его высушили, очистили от соломы и разных других примесей, и разместили в складское помещение. Однако это не означает, что впредь вы можете не переживать. Так как имеются множество насекомых и грызунов, которые могут нанести ощутимый вред качеству сохраняемого урожая зерна. Насекомые и грызуны, пользуясь удобными условиями и возможностями, созданными в складских помещениях, начинают с большим аппетитом съедать зерновую продукцию. Например, одна крыса в течение одного года съедает и портит 12 кг зерна, одна мышь — около 2 кг, а размножаются они сотнями и более. Они не только уменьшают объем продукции, но также влияют на их качество. Насколько велик вред, наносимый со стороны насекомых и грызунов в мировом масштабе, можно видеть по тому, что ими ежегодно уничтожается масса зерна, которой можно было бы обеспечить хлебом около 135 миллионов человек (по данным Организации Объединенных Наций). Как видно из вышеизложенного, проведение постоянных и своевременных мер, направленных на борьбу с насекомыми, наносящими вред качественному хранению зерна, является одной из важнейших задач. Что же необходимо делать? Не секрет, что химические средства (фумиганты), применяемые против вредителей зерна, являются ядовитыми не только для людей, но опасны также и для животных. Поэтому фумигация должна проводиться на основе требования заказчика со стороны единственного ГУП «Республиканская экспедиция по защите зернопродуктов», которая имеет специальное разрешение и владеет высококвалифицированными специалистами. Специалисты данного предприятия служат защите зерна и зернопродуктов предприятий, входящих в состав АК «Уздонмахсулот», в том числе предпринимательских структур независимо от формы собственности (войсковые части, хлопковые пункты, табачная фабрика, пекарни предприятия общественного питания, товарищества частных собственников жилья, фермерские хозяйства, теплицы), а также зданий и сооружений от насекомых вредителей и грызунов химико-биологическими методами.

## ГУП «Республиканская экспедиция по защите зернопродуктов»



Подробную информацию можно получить по следующему адресу или телефону:

Адрес: 100060, г.Ташкент, ул. Шахрисабз, дом 36.

Тел., факс: (0-371) 256-67-19, (0-371) 256-04-13, (90) 977-79-33

E-mail: [guprezz@rambler.ru](mailto:guprezz@rambler.ru), сайт: [www.guprezz.uz](http://www.guprezz.uz)

*Услуги лицензированы.*



# БАРЧА ТУРДАГУ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИҚ ТЕХНИКАЛАРИ



Маҳсулот сертификатланган

(+99871) 150-58-58, 150-68-68



Сайт: [www.sninvest.uz](http://www.sninvest.uz)

E-mail: [info@sninvest.uz](mailto:info@sninvest.uz)